Анализ и обобщение современной спортивно - педагогической литературы показывает, что увеличение или уменьшение скорости бега на короткой дистанции в большей степени касается периода переноса маховой ноги в фазе полёта и в меньшей периода опоры (Т.П. Юшкевич

1998, А.С. Сидоренко, 2004 и др.) Наибольшее положительное тренирующее влияние на организацию переноса маховой ноги в спринтерском беге оказывают специальные упражнения с установкой на быстрое сведение - разведение бёдер, направленные на увеличение интенсивности работы мышц антагонистов. Таким образом, в беге на короткую дистанцию главная двигательная задача – бежать быстро, но не скованно, испытывая ощущения тяги, как в беге под уклон-это центральная «опорная» точка контроля самоощущений в спринтерском беге. [9,5]

Целью исследования явились, изучение эффективности упражнений улучшающие технику бега влияющих на результативность скоростных качеств спринтеров, в соревновательных дисциплинах.

Методы исследования:

-анализировались и обобщались данные научно - методической литературы ряда учёных и специалистов многие годы занимающихся научной деятельностью;

-методы тестирования;

-метод математически - статистического вычисления.

Для решения задач исследования нами был организован и проведён педагогический эксперимент в течении сентябрь 2020г.- февраль 2021 года на базе Бухарского Колледжа Олимпийского Резерва г. Бухара. В исследовании приняли участие 11 спортсменов (юноши) учебно-тренировочной группы третьего года обучения 15-17 лет. Проводилась оценка физического развития юношей 15-17 лет. В ходе эксперимента были получены данные по следующим показателям: бег на 60, 100 метров, прыжки в длину с места, тройной прыжок с места, прыжки вверх. [8]

В начале эксперимента основные средства были направлены на развитие специальной физической подготовленности. Объём и содержание учебно-тренировочных занятий определялись типовой программой КОР в соответствии с этапом подготовки. Для третьего года обучения объём учебно-тренировочных занятий составил 10 учебно-тренировочных занятий с общей нагрузкой 20 часов в неделю [11,12] (см. таблица 1).

Комплекс упражнений скоростного характера для спринтеров на этапе подготовительной специализации

№	Упражнение	Дозировка	День недели
1	«А-skip»	3× 50 м	Понедельник, Среда, Пятница
2	«В-skip»	3× 50 м	Понедельник, Среда, Пятница
3	Бег 30 м с низкого старта	7 раз	Среда
4	Раскатка 20,30,40,60,100 м и обратно	1 серия	Вторник
5	Рывок штанги на грудь	5×7 раз	Пятница

В основу тренировочного процесса включены инновационные беговые упражнения такие как: «А-skip», «В-skip», «С-skip», «D-skip», «E-skip». Которые направлены на развитие и совершенствование техники бега, а именно спринтерского. Стоит заметить, что по сравнению с ранней техникой и поздней техникой есть некоторые различия. В поздней технике постановка стопы является ключевым элементом в работе ног.

Скип (Skip) –подскок. Основное движение выполняется в ритме «и-раз», или «раз-два».

I. Методика упражнения «А-skip». Первое движение выполняется небольшим шагом (прыжком), при этом тяжесть тела передаётся на одну ногу, затем следует опуститься на всю стопу и слегка согнуть колено, а другую ногу согнуть назад (колено вперёд, пятка под себя):

1. Встать, расставив ноги на расстоянии бёдер, смотреть прямо перед собой и держать верхнюю часть тела прямо.

2. Поднять левую ногу на высоту бедра, пропуская подушечку правой стопы.

3. Ударять подушечкой левой ноги о землю ниже центра массы тела и встать на обе ноги.

4. Продолжить чередовать стороны и двигаться вперёд.

5. Руки следуют за движениями ног, как при беге и во время выполнения А-скипа ступня должна быть согнута к голени (тыльное сгибание).

II. Методика выполнения упражнения «В-skip». Второе движение включает следующие действия: выполнить подскок на опорной ноге и, разгибая колено, сделать небольшой мах другой ногой вперёд - вниз (носок приподнят над полом). При приземлениях обязательно ногу ставить под себя

1. Встать, расставив ноги на расстоянии бёдер, смотреть прямо перед собой и держать верхнюю часть тела прямо.

2. Поднять левую ногу на высоту бедра, пропуская подушечку правой стопы.

3. Взрывным движением взяться левой ногой за землю так, чтобы подушечка стопы упала на землю ниже центра массы тела, стоя на обе-

их ногах.

4. Продолжить чередовать стороны и двигаться вперед.

5. Руки должны следовать за движениями ног, как при беге. Во время выполнения В-скипа ступня должна быть согнута к голени (тыльное сгибание).

Результаты исследования. Содержание тренировочного процесса легкоатлетов в спринтерском беге способствовала существенному развитию таких показателей как в скорости так и в силе; оказала повышение на физическую подготовленность: бег на 60, 100, метров, прыжки в длину с места, прыжки тройным с места, прыжки вверх (см., таблица 2).

Талица 2

Сравнительная таблица показателей физической подготовленности легкоатлетов

№	Принятые контрольные тесты	В начале эксперимента n=11		В конце эксперимента n=11		Разница	%	Достоверность различия
		$\bar{X} \pm \Omega$	V %	$\bar{X} \pm \Omega$	V %			
1	Бег на 60 метров	8,218±0,715	8,7	7,836±0,727	9,3	0,1	1,	t=2,2 P < 0,05
2	Бег на 100 м	14,0 ±1,28	9,1	13,1±0,9	6,9	0,9	6,	t=3,7 P < 0,01
3	Прыжки в длину с места	207,5±19,96	9,6	218,7±19,56	8,9	11,	-5	t=2,4 P < 0,05
4	Тройной прыжок с места	613,8±63,69	10,3	636±65,3	10,3	17,	-	t=1,4 P > 0,05
5	Прыжок вверх	47,5±5,8	12,4	52,5±6,0	11,7	5	-9	t=3,5 P < 0,01

Формула для вычисления средне арифметического значения:

$$\bar{X}_1 = \frac{\sum x}{n} = \frac{90,4}{11} = 8,218$$

$$\bar{X}_2 = \frac{\sum X}{n} = \frac{86,2}{11} = 7,836$$

Формула для вычисления средне квадратичного отклонения:

$$\sigma_1 = \sqrt{\frac{\sum (x_i - \bar{X}_1)^2}{n-1}} = \sqrt{\frac{5,11}{10}} = 0,715$$

$$\sigma_2 = \sqrt{\frac{\sum (x_i - \bar{X}_1)^2}{n-1}} = \sqrt{\frac{5,2}{10}} = 0,727$$

Формула для вычисления стандартной ошибки средне арифметического значения:

$$m_{X_1} = \frac{\sigma}{\sqrt{n}} = \frac{0,715}{\sqrt{11}} = 0,213$$

$$m_{X_2} = \frac{\sigma}{\sqrt{n}} = \frac{0,727}{\sqrt{11}} = 0,219$$

Формула для вычисления коэффициента вариации

$$V_1 = \frac{s}{\bar{x}} * 100\% = \frac{0,715}{8,218} * 100\% = 8,704$$

$$V_1 = \frac{S}{\bar{X}} * 100\% = \frac{0,727}{7,836} * 100\% = 9,272$$

Сравнивая, показатели группы, до и после эксперимента,тренирующихся по общей методике, по окончанию экс-

перимента, можно заметить значительное улучшение нижеследующих результатов, как эффект учебно-тренировочный процесса в которой был включён комплекс упражнений скоростного характера.

В течении экспериментального периода спортивной тренировки у спринтеров наблюдается достоверная прирост по всем показателям физической подготовленности:

1. Средний показатель бега на 60 метров в начале эксперимента $8,218 \pm 0,715$ сек., а в конце эксперимента $7,836 \pm 0,727$ сек. ($t=2,2; P<0,05$).
2. Показатели бега на 100 метров в начале эксперимента составил $14,0 \pm 1,28$ сек., а в конце эксперимента $13,073 \pm 0,896$ сек. ($t=3,7; P<0,05$).
3. Показатели прыжков в длину с места в начале эксперимента $207,5 \pm 19,96$ см., а в конце эксперимента $218,7 \pm 19,56$ см. ($t=2,4; P<0,05$).
4. Показатели прыжков тройным с места в начале эксперимента $620,6 \pm 68,18$ см., а в конце эксперимента $636 \pm 65,3$ см. ($t=1,4; P>0,05$).
5. Прыжки вверх в начале эксперимента $47,5 \pm 5,84$ см., а в конце эксперимента $52,5 \pm 6,07$ см. ($t=3,5; P<0,05$).

Вывод:

Для совершенствования скоростных способностей спринтеров на этапе подготовительной специализации следует использовать в учебно-тренировочном процессе следующие средства: «А-skip», «В-skip», Бег 30 м с низкого старта, бег с максимальной скоростью, бег с минимальным напряжением мышц, (бег с расслаблением плечевым поясом, бег с закрытыми глазами и т.д.), Прыжки в длину, в высоту с максимально быстрым отталкиванием, силовые упражнения с весом 30-40 % от веса спортсмена. Исходя из проведённых исследований можно констатировать тот факт, что хороший спринтерский бег в целом характеризуется свободной, кажущейся лёгкостью движений по причине отсутствия излишнего мышечного напряжения. Хорошим считается бег того спортсмена, который, достигнув максимальной скорости в стартовом разбеге, в меньшей теряет её в беге по дистанции. Борясь с прогрессирующим утомлением. В ходе эксперимента нам удалось экспериментально обосновать комплекс упражнений скоростного характера. Сравнительный анализ изменения технической подготовленности в эксперименте позволил установить, что в течении всего времени наблюдался достоверный прирост на уровне значимости 0,05 силовых и скоростных показателей у испытуемых. В связи с этим можно сделать заключение что предложенный набор упражнений подобран верно, и действительно правильная постановка стопы благоприятно влияет на увеличение скорости спринтера.

Список использованной литературы

1. Мирзиёев Ш.М. О мерах по дальнейшему совершенствованию и

популяризации физической культуры и спорта в республике Узбекистан. Указ Президента Республики Узбекистан от 24 января 2020 года № УП-5924 URL: <https://lex.uz/docs/4711329>

(Дата обращения 19.03.2021)

Научные статьи:

2. Борзов В. Подготовка легкоатлета-спринтера: стратегия, планирование, технологии / Журнал: «Наука в олимпийском спорте» №1 2014 г. стр 60-74

URL: https://sportnauka.org.ua/magazine_articles.

(Дата обращения 24.03.2021)

3. Булыкин Д.О. Техника стартовых действий в футболе и легкоатлетическом спринте Автореферат. 2007 году стр 1-22

URL: <https://www.dissercat.com/content/tekhnika-startovykh-deistviiv-futbole-i-legkoatleticheskom-sprinte>

(Дата обращения 24.03.2021)

4. Кадиров Р.Х. СОВРЕМЕННОСТЬ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ В ОБЛАСТИ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ. Педагогическое образование и наука, URL: 79-83. javascript:void.

5. Лобанов А.Л., Плыгань Г.А. О некоторых факторах, влияющих на улучшение скорости бега. Электронная библиотека БГУ (Белорусский государственный университет информатики и радиоэлектроники) 2009 год стр. 152-156.

URL: <http://elib.bsu.by>.

6. Маркин М.О. диссертация Повышение эффективности стартовых действий бегунов-спринтеров массовых разрядов. / тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 13.00.04, кандидат педагогических наук стр. 2014 год

URL: <https://www.dissercat.com/content/povyshenie-effektivnosti-startovykh-deistviibegunov-sprinterov-massovykh-razryadov>

(Дата обращения 24.03.2021)

7. Реутова О.В. Григорьева Е.Л. Оптимизация специальной физической подготовки легкоатлетов в учреждении дополнительного образования / Азимут научных исследований: педагогика и психология. 2018 г. стр. 199-201 Т. 7. № 1(22).

URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/optimizatsiya-spetsialnoy-fizicheskoy-podgotovki-legkoatletov-v-uchrezhdenii-dopolnitelnogo-obrazovaniya> (Дата обращения 18.03.2021)

8. Семенова О.Ю., Попов А.П. Совершенствование системы спортивной подготовки легкоатлетов высших учебных заведений, Наука-2020, № 1 (37) 2020 г стр. 100/184-104/184

URL: <http://cyberleninka.ru/article/n/sovershenstvovanie-sistemy>

sportivnoy-podgotovki-legkoatletov-v-vysshih-uchebnyh-zavedeniyah/
veawer.

9. Шикарова Л.И., Алексюн А.А., Анципович В.И. Формирование техники бега на спринтерской дистанции. УДК 796.0122016 г. стр. 249-253

URL: <http://elib.institutemvd.by>.

10. Юшкевич Т.П. Перспективы улучшения результатов в легкоатлетическом спринте / Мир спорта № 1 (74) -2019 годстр. 42-47

URL: <https://elibrary.ru/item.asp?id=38533448>

(Датаобращения 24.03.2021)

11. KhamidovichKR. RESEARCH DEVELOPMENT TRENDS AKTIVITIES IN UNIVERSITIES //Конференции. – 2020.

URL:<http://journals.escience.uz/index.php/conferences/issue/view/10javascript:void>.

12. Rakhmonov R.R. DISTRIBUTION OF TRAINING LOADS AT THE STGE OF COMPETITIVE PREPARATION FOR MIDDLE RUNNERS Academics: an International Multidisciplinary Research Journal.

URL: <https://saarj.com>.

Интернетсайты:

1. 8 основных упражнений по беговой форме- 8 июня 2017г.

<https://www.suunto.com/sports/News-Articles-container-page/8-essential-running-form-drills/>.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА МИЛЛИЙ ҒУРУР ҲИССИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ш. Х. Кадирова

ТерДУ, Мактабгача таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси

***Аннотация.** Мактабгача таълим муассасаларида мунтазам ташкил этиладиган, тарбияланувчиларни Ватанга садоқат, миллий ғурур ва буюк аجدодлар маънавий меросига ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар жараёнида халқимизнинг бой маънавий-маданий мероси, шарқона ва умумбашарий қадриятлар асосида мамлакат, миллат келажagini белгилайди.*

***Калит сўзлар:** инновация, мактабгача таълим, миллий ғурур, қадрият*

ФОРМИРОВАНИЕ У ДОШКОЛЬНИКОВ ЧУВСТВА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГОРДОСТИ

Ш. Х. Кадирова

ТерГУ, преподаватель кафедры методики дошкольного образования

***Аннотация.** Богатое духовное и культурное наследие нашего народа, будущее страны и нации определяет будущее страны в процессе духовно-просветительской работы, которая регулярно организуется в дошкольных образовательных учреждениях.*

***Ключевые слова:** инновация, дошкольное образование, национальная гордость, ценность*

FORMING A SENSE OF NATIONAL PRIDE IN PRESCHOOL CHILDREN

Sh. X. Kadirova

TerSU, teacher of the Department of Preschool Education Methods

***Abstract:** The rich spiritual and cultural heritage of our people, the future of the country and nation determines the future of the country in the process of spiritual and educational work, which is regularly organized in preschool educational institutions.*

***Key words:** innovation, preschool education, national pride, value*

Мактабгача таълим ташкилотлари халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятлар асосида шахс тарбиясининг инсонпарварлик йўналишини жорий қилишни тақозо қилади.

Ҳозирги давр, яъни — миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши ёш авлодда айниқса, мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида шаклланиб бораётган миллий ғурур туйғусини янада ўстириш, ри-

вож топтиришни талаб этмоқда.

Ғурур – сўзи фахр, ифтихор, фахрланиш, мағрур, қувонч, каби маъноларни англатади. Мумтоз шеърят ва насрларда, фахрия ва дostonларда, халқ оғзаки ижодида ҳам юқоридаги сўзлар маънодош (синоним) ларидан фойдаланилган.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ғурур сўзига қуйидагича шарҳ берилган. Инсоннинг бирор нарсадан мамнун бўлиб, фахрланиш ҳисси, фахр ифтихор ҳисобланади.

Миллий ғурур – муайян миллатнинг тарихий ўтмишидан, миллий қадриятлардан, жаҳон миқёсида асрлар оша тан олиниб келинаётган фан, дин, адабиёт, санъат ва маданият ютуқлари ва уларни яратган даҳолардан тарихий обида ва ёдгорликлардан миллий урф-одатларидан фахрлана олиш ҳиссидир.

Миллий ғурур туйғуси шахсда қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- миллатнинг ютуқлар, обрў-эътибори билан фахрланиш, уларнинг муаммоларига бефарқ қараб турмаслик;
- ўз эли, миллатига жонкуярлиги;
- ўз миллатининг моддий-маънавий меъросини асраб-авайлаш;
- халқ одатлари, анъаналари, қадриятларини ҳурмат қилиш, уларни бойитиш ва такомиллаштириш;
- ўз миллатига меҳр-муҳаббатини амалий фаолиятда намоён қилиш кабилар.

Ғурур сўзи ўзлигини англаш, миллий ғурур эса миллий ўз-ўзини англаш билан бевосита боғлиқдир. Тилини, динини, тарихини, аجدодларининг мазмунли ҳаётини, оламшумул кашфиётларини яхши билган, ўрганган кишига ўзининг кимлигини англаши мумкин ва унинг қалбида вужудида ва руҳида фахрланиш туйғуси вужудга келади. Зотан, миллий ғурур миллатнинг кадр-қимматини, ор-номусини, шон-шарафини тушуниб етган, англаган инсондагина бўлади. Демак, ҳар бир зиёли, ҳар бир педагог олдида ёш авлод қалбида миллий ғурурни таркиб топтириш ва ривожлантириш вазифаси турибди. Айниқса, мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида миллий ғурурни таркиб топтириш ва тарбиялаш ниҳоятда муҳим бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ғурур сўзининг иккинчи бир шарҳи ҳам бор: инсоннинг ўз кадр-қимматини билиш, уни ҳурмат қилиш ҳисси, ўз қадрини, ўзлигини билмагунча, ўзида миллатни ҳимоя қилиш туйғусини камол топтургунча, ўтмишининг ҳам, эртасининг ҳам қадрига етмайди. Ғурури бор одам халқнинг, ғурурли халқ эса Ватаннинг обрўсига обрў, шуҳратига шуҳрат қўшади.

Баъзан ғурур сўзи кибрланиш, кибру ҳаво, гердайиш, ўзига бино қўйиш, манманлик сингари маъноларни ҳам ташийди. Биз ижобий маънодаги ғурур ҳақида фикр юритамиз.

Дарҳақиқат, агар юрагида ғурур бўлса, инсон ўзидаги бор имкониятларини ишга солиб, иродасини расо ушлаб, барча хислат ва фазилатларини юзага чиқаришга интилади.

Мактабгача ёшдан болаларда миллий ғурурни тарбиялаш ақлий, ахлоқий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, эстетик, бадий, диний тарбиянинг таркибий қисмларига яхлит жараён сифатида қарашни тақозо этади. Бу омиллар болаларда миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш жараёнида уларнинг онгига ўзаро бирлик ва алоқадорликда таъсир этиши ва мазмун-моҳияти билан бир-бирига боғлиқ бўлиши лозим. Умумбашарий маданий меросдан баҳраманд бўлиш, ўз тарихи, санъати, маънавий-руҳий қадриятлари, диний билими асосида ўзлигини англаш, меҳнатсеварлик, эрксеварлик, фаоллик, ҳақиқатгўйлик, масъулиятлик, саҳийлик, камтарлик, поклик каби ахлоқий тушунчалар миллий ғурурни шакллантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг ахлоқий онги, уларнинг ҳуққатвори меҳнатсеварлик, адолатпарварлик ва бошқа юксак маънавий-ахлоқий сифатларнинг негизи ҳисобланади. Ахлоқий онг виждон, бурч, масъулият, ҳаё, ғурур каби туйғулар инсоннинг ички руҳий ҳиссиётига асосланади.

Болаларнинг ахлоқий онги ва тафаккури эстетик ҳис-туйғулари билан ўзаро алоқада шаклланади. Уларда миллий ғурурни шакллантириш жараёнида эстетик ғоя, эстетик дид, гўзалликдан завқланиш қобилияти ҳам ўсади.

Психологларнинг таъкидлашича, эстетик дид, ҳиссиёт ва ақлий турмуш тарзини узвий боғлаб турувчи шахснинг қобилияти мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг эстетик диди, унинг ўртоқлари, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, оила аъзолари, жамоатчиликнинг ҳуққатвори, хатти-ҳаракати, мулоқот маданияти, миллий ғурури, миллий ва умуминсоний қадриятларга, урф-одат ва анъаналарга, халқ доғнишмандлигига муносабатларида намоён бўлади.

Маълумки, ўзбек халқ педагогикаси ёш авлодни ҳаётта тайёрлашда кўп асрлар давомида халқ қўллаган усул ва воситалар, тадбирлар шакллари, миллий урф-одатлар ва анъаналар, халқнинг тарбия ҳақидаги ғоялари мужассамдир. Халқ педагогикасида ифодаланган ғоялар, у яратган оғзаки ижод намуналари, Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Мунис Хоразмий, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Абдулла Қодирий каби аждодларимизнинг асарларида ўз аксини топган. Таъ-

кидлаш жоизки, мактабгача ёшдаги болаларда инсоний фазилатларни миллий урф-одатларини шакллантиришда таълим муассасаларида халқ педагогикаси ҳақида тушунчаларнинг берилиши аҳамияти катта. Шунинг учун ҳар бир гуруҳ тарбиячиси болаларни миллий урф-одатлари билан таништириш бўйича давлат талаблари, яъни уларга бериладиган билимлар ҳажмини ҳамда уни амалга ошириш йўллари, услубларини билиш керак. Мактабгача таълим ёшдаги болаларга бериладиган халқ педагогикаси тушунчаларни беришда одоб ва ахлоққа доир ҳикмат, ҳикоя, насихатларидан ибратли ҳикоялар, ривоятлар, эртаклар, ҳадислардан, мазмунли суратлардан фойдаланилади. Мактабгача таълим ёшдаги болаларга халқ тарбияшунослиги тушунчалари аниқ мавзуларга бўлиб олиб борилади.

Халқ педагогикаси болаларда одоб-ахлоқ кўникмаларини шакллантириш, уларнинг қалбида инсофлилик, меҳнатсеварлик, ростгўйлик, камтарлик, диёнатлилик, иймон-эътиқодлилик, туғишганларига нисбатан меҳр-ноқибатлилик, илм-олишга қизиқиш, табиатга тўғри оқилона муносабатни шакллантириш

- Миллий кадрятлар, маданий мерос;
- Халқ оғзаки ижоди намуналарини ўзлаштириш;
- Бадиий тафаккурни бойитиш;
- Шахсида ижобий фазилатларни фаоллаштириш;
- Ёш авлодни Ватанпарвар ва янгича дунёқараш эгалари қилиб етиштириш;

- Миллий истиклол ғояси, миллий урф-одатларимизга садоқат руҳида тарбиялаш;

- Миллий кадрятлар, маънавий-маданий меросимиз дурдоналари билан яқиндан таништириш;

- Ота-оналар, маҳалла, педагогик жамоа ҳамкорлигини амалга ошириш.

- Мактабгача ёшдаги бола уйда ўзини тутиш, ота-онасининг айтганига қулоқ солиш, ака-укаларига ғамхурлик кўрсатиш;

- Тозаликка риоя қилиш, катталар олдида одобни сақлаш;

- Хайвон, ўсимликларни парваришлаш, боғ кўкартириш;

- Атрофдагилар билан ўзаро муомала одобига эга бўлиш;

- Миллий ўйинлар орқали ахлоқий кўникмаларни фаоллаштириш;

- Ҳадис, мақоллар мазмунини тушуниш, изоҳлай олиш.

Халқ педагогикасидан фойдаланишнинг моҳияти

- Ёш авлодни ҳар томонлама соғлом, илмли, ўз юртини севадиган, буюк аждодларимиз Имом-Бухорий, Амир Темур, Ал-Фарғоний, Бурхониддин Маргиноний, Мотрудидий, А.Навоий, Ибн Сино, Бобур

кабиларнинг маънавий, ахлоқий юксак меросларини эъзозлайдиган, ўрганадиган қилиб тарбиялаш;

• Одоб, ахлоқ, хулқ-атвор қоидаларини ўрганиш, уларга риоя қилиш.

Тарихдан маълумки, илмли ва маърифатли кишилар доимо иззат ва ҳурматда бўлишган. Чунки, илм ҳар қандай кишини бу дунёда ёр-биродарлари ўртасида ҳурматли бўлишига сабабчи бўладиган нарсадир. «Ёшликда олинган билим гуё тошга ўйилган нақш кабидир»-деган хикматли мақол бор. Шундай экан, фойдали илм олишга барчамиз ёшликдан ҳаракат қилишимиз керак. Ҳадисда: «Илм саҳрода дўст, ҳаёт чорраҳаларида таянч, ёлғиз дамларда йўлдош, бахтиёр дақиқаларда раҳбар, қайғули онларда мадакдор, одамлар орасида зебу-зийнат, душманларга қарши курашда қуролдир»-дейилган.

Шу аснода ўсиб келаётган авлодни бой ва бетакрор тарихимиз миллий анъаналаримиз ўғитлари асосида тарбиялаш бугунги кун талабидир. Фарзанд улғая борар экан ижтимоий ҳаёт ижтимоий муносабатлар атрофдаги ходисаларга ўз нуқтаи назари билан мослаша боради. Болада бу жараённинг кечиши шахсни ўраб турган муҳитнинг, жамоанинг, оиласининг қайдаражада миллий ва дунёвий муносабатларга муносабати асосида вужудга келади ва шу аснода жамиятни борликни, унда шаклланган онг дунёқараш орқали идрок қилади.

Худди шундай миллий табиатимизга хос бўлган меҳр оқибат, мурувват, андиша, ор номус, шарму ҳаё, ибодат, бетакрор фазилатлар ва халқимизни кўп жиҳатдан ажратиб турадиган бағрикенглик, меҳмон дўстлик оқ кўнгиллик хусусиятлари ҳам халқимиз томирига сингиб кетган бугунги кунда фарзандларимизни комил инсон қилиб тарбиялашда ушбу масалаларни тарбия мазмунининг бош ғояларидан бири қилиб қўйиш лозимдир.

Бинобарин, ўзбек халқи қадим-қадимдан инсон фазилатларининг ривожланишига, миллий урф-одатлар, анъаналарга эътибор билан қараган. Уларни фақат шахсий, хусусий иш сифатида эмас, балки бутун жамиятга дахлдор бўлган ижтимоий вазифа сифатида қадрлаган, ўзидаги билим, кўникма ва малакаларни сақлаш, кўпайтириш, қадрлай билишни, айтиш пайтда, буларнинг барчасини бошқаларга етказишни ҳам ўзи учун одат деб билган.

Ҳақиқатдан ҳам, жамиятда кишиларнинг турмушида муайян тартиб-қоидаларга амал қилишлари, ўз навбатида, уларнинг маънавий эътиқодига сингиб кетган. Шу билан биргаликда, ҳар бир янги тарихий шароитда ўзгариб, янгиланиб борган; миллий урф-одатлар ва анъаналар асосида улар объектив ҳаёт оқимида ривожланиб борган. Шу жиҳатдан қараганда, миллий урф-одатлар ва анъаналарнинг жамиятдаги қудрати

кучлидир.

Адабиётлар рўйхати

1. Қурбонова Н.Х. Ўзбек болалар маросим фольклори: -Фил. фан. номз. ... ёзилган дисс. –Т.: 1994. –125 б.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А-Д / 5 жилдли. Биринчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: —Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – 679 б.
3. Абдурахимова Д.А. Халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштириш. Пед. фан. доктори ... дисс. – Т., 2020. – 278б
4. Батурина Г. И. Народная педагогика в воспитании дошкольников. М.: Просвещение, 1995. 238 с.
5. Булатов С. Кичик мутахассислар тайёрлашда халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланишнинг назарияси ва методикаси. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. –70 б.

YOSH VOLEYBOLCHILARNI TANLASH VA TEXNIK-TAKTIK MAHORATLARINI TAKOMILLASHTIRISH TEXNOLOGIYASI

R. A. Xamirayev

*Navoiy Davlat Pedagogika instituti Jismoniy madaniyat fakulteti
«Jismoniy madaniyat» kafedrasida o'qituvchisi*

***Annotatsiya.** Maqolada yosh voleybolchilarni tanlash va ularning texnik, taktik mahoratini takomillashtirish texnologiyasi xususidagi nazariy va amaliy tajribalar bayoqe etilgan. Yosh sportchilarning trenirovka mashg'ulotlari davrlarga bo'linib tashkil etiladi. Tayyorlov davrida yosh voleybolchilar voleybol o'yini texnika va taktikasi elementlarini egallab boradilar, jismoniy fazilatlarini rivojlantiriladi. Shu bilan birga yosh sportchilarda ma'naviy, axloqiy hamda ruhiy iroda tayyorgarligi tashkil etiladi. Tayyorlov davri musobaqalar boshlangunga qadar olib boriladi.*

***Kalit so'z:** voleybolchi, tanlov, texnik, taktik mahorat, takomillashtirish, texnologiya, sport, trenirovka, mashg'ulot.*

ТЕХНОЛОГИЯ ОТБОРА И ПОВЫШЕНИЯ ТЕХНИКО-ТАКТИЧЕСКИХ НАВЫКОВ ЮНЫХ ВОЛЕЙБОЛИСТОВ

Р. А. Хамираев

Преподаватель кафедры физической культуры факультета физической культуры Навоийского государственного педагогического института

***Аннотация.** В статье описан теоретический и практический опыт отбора юных волейболистов и технологии повышения их технико-тактического мастерства. Тренировки юных спортсменов проходят поэтапно. Во время тренировок юные волейболисты овладевают элементами техники и тактики волейбола, развивают свои физические качества. При этом юных спортсменов тренируют духовно, морально и физически. Подготовительный период проводится перед началом соревнований.*

***Ключевые слова:** волейбол, соревнования, технические, тактические навыки, совершенствование, технология, спорт, тренировка.*

TECHNOLOGY OF SELECTION AND IMPROVEMENT OF TECHNICAL AND TACTICAL SKILLS OF YOUNG VOLLEYBALL PLAYERS

R. A. Khamiraev

Lecturer at the Department of Physical Education, Faculty of Physical Education, Navoi State Pedagogical Institute

Abstract: *The article describes the theoretical and practical experience of the selection of young volleyball players and the technology of improving their technical and tactical skills. Young athletes train in stages. During training, young volleyball players master the elements of volleyball technique and tactics, develop their physical qualities. At the same time, young athletes are trained spiritually, morally and spiritually. The preparatory period is held before the start of the competition.*

Key words: *volleyball, competition, technical, tactical skills, improvement, technology, sport, training.*

O'zbekistonda voleybol taraqqiyotini boshqaruvchi davlat tashkilotlari, ularning tarkibi va shahobchalari Respublikamizda voleybol taraqqiyotini boshqarish funksiyasini jismoniy tarbiya va sport bo'yicha davlat tashkilotlari tarkibiga kiruvchi tuman, shahar, viloyat shahobchalari bajaradi.

Sportchi rezervlarini va yuqori malakali sportchilarni yetishtirishni boshqarish mas'uliyati O'zbekiston Respublikasi jismoniy tarbiya va sport qo'mitasi qaramog'idagi sport o'yinlari shubasiga yuklanadi. Bunday qo'mitalar respublikamizning har bir tuman, shahar va viloyatlarda mavjud bo'lib, ular joylarda voleybol taraqqiyotini ta'minlashga javobgardirlar.

Respublikamizning milliy terma jamoalari nafaqat yuqori malakali voleybolchilarni tayyorlash, balki voleybol bo'yicha iste'dodli o'rinbosarlarni yetishtirish tadbirlariga rahbarlik qilish, ularga nazariy va uslubiy yordam ko'rsatib turishi zarur.

BO'SM larda, umumiy ta'lim maktablarida, texnikum va oliy o'quv yurtlarida voleybolni rivojlantirish vazifalari va uning ahamiyati Respublikamizning barcha o'quv yurtlarida voleybol eng ommaviy sport turlaridan biri bo'lib hisoblanadi.

Voleybol o'quv mashg'uloti sifatida barcha o'quv yurtlarining o'quv dasturidan joy olgan. Voleybolga bunchalik e'tibor kuchliligining sababi uning soddaligi va jismoniy tarbiya tizimida arzon, hammabop vosita ekanligi.

«Sport tanlovi» – bu muayyan sport turi bo'yicha muntazam o'tkaziladigan o'quv mashg'ulotlari, shu jumladan musobaqalar bilan bog'liq bo'lgan aynan shu jarayonlarda yuqori natijalarga erisha oladigan istiqbolli bolalarni izlab topishga imkon yaratadigan ko'p yillik pedagogik jarayonidir. Tanlovni maqsadga mos tashkil qilish, bolalardagi nasliy va

hayot davomida o'zlashtirgan harakat qobiliyatlari, ruhiy xislatlari hamda funksional imkoniyatlarni obyektiv baholash, voleybolga bo'lgan iste'dod va bo'lajak mahorat belgilarini aniq bashoratlash uchun turli me'yoriy test (mashqlar)lar majmuasidan foydalanish odat tusiga kirgan.

Sport tanlovi ko'p yillik sport tayyorgarligi bilan uzviy bog'liq bo'lib, sport malakalarini o'zlashtirishning dastlabki bosqichigacha boshlab eng yuqori bosqichida, ya'ni milliy terma jamoalari faoliyatida ham amalga oshiriladi. «Tanlov» tushunchasi o'z ichiga «munosiblik», ya'ni insonni bir sohaga (ma'lum faoliyatga) iste'dodi bo'yicha yarashi yoki yaramasligi masalasini kiritadi. Bu degan so'z inson nafaqat o'z imkoniyatlari (qaddiqomati, jismoniy sifatlari, ruhiy xususiyatlari va h.k.) bilan muayyan faoliyatga (kasbga, ishga, sportga va h.k.) mos kelishi kerak, balki aynan shu faoliyat mazkur inson mijoziga munosib bo'lishi maqsadga muvofiqdir (emotsiya, aktivatsiya, motivatsiya masalalari). «Tanlov» atamasi o'z tarkibiga yana sportga oid «chamalov» tushunchasini kiritadi.

Chamalash – bog'chalarda, maktablarda va sport maktablarining boshlang'ich guruhlarida amalga oshirilishi mumkin. To'g'ri chamalash murabbiyning iste'dodiga, uning bilimi va tajribasiga bog'liq. Bolaning nasliga, turmush tarzi ko'rsatkichlariga qarab chamalash ham e'tiborli ahamiyatga ega.

Sport tanlovi – ko'p yillik pedagogik jarayondir. Ko'p yillik sport tayyorgarligi tizimi o'z mohiyati va maqsadiga binoan ko'p yillik sport tanlovini o'z ichiga oladi va mazkur jarayonni 4 bosqichda amalga oshirishni taqozo etadi:

I. Dastlabki tanlov – (7-14);

II. Sportchilarni o'yin ixtisosligiga (funksiyasiga) saralovchi maxsus tanlov (15-17);

III. Yuqori jamoalarga tanlov (18-20);

IV. Terma jamoalarga tanlov.

Ko'p yillik sport tayyorgarligi tizimida tanlov jarayonini tashkiliy tartibi quyidagi blok-andozada berilgan.

Bolalarni dastlabki tanlovga tayyorlash maktab sharoitida jismoniy tarbiya o'qituvchisi tomonidan amalga oshiriladi, o'quvchilar dastur asosida va baholovchi mashqlar, harakatli halq o'yinlari yordamida saralanishi mumkin. Mazkur saralovchi vositalar aynan voleybol o'yinining mohiyatiga nihoyatda yaqin bo'lishi maqsadga muvofiq. Bunday vositalar tavsiya qilingan adabiyotlarda keng yoritilgan. Dastlabki tanlovga tayyorlash jarayonida o'quvchilar muntazam tibbiy ko'rikdan o'tib turishlari shart. Bu tadbir qanchalik sifatli va samarali amalga oshirilsa, shunchalik sport maktablarida uyushtiriladigan tanlovni sifat darajasi yuqori bo'ladi.

Dastlabki tanlov. Dastlabki tanlov odatda 3 bosqichda amalga oshiriladi

I-bosqich. Targ'ibot-tashviqot ishlarini uyushtirib, o'quvchi bolalarni

qiziqtirish, jalb qilish (suhbat, ma'ruzalar o'tkazish, voleybol musobaqalari haqida filmlar namoyish qilish).

Ko'rgazmali musobaqalar uyushtirish, taniqli sportchilar ishtirokida suhbatlar o'tkazish.

II-bosqich. Baholovchi mashqlar, harakatli va halq o'yinlari yordamida dastlabki tanlov – qabul o'tkazish (qaddi-qomat ko'rsatkichlari, jismoniy sifatlarning rivojlanganligini apparatlar yordamida aniqlash va hokazo). Jismoniy rivojlanish va jismoniy tayyorgarlik bo'yicha belgilangan me'yoriy ko'rsatkichlar 16-jadvalda aks ettirilgan.

III-bosqich. Boshlang'ich tayyorgarlik I yillik o'rgatish davrida bolalarni maxsus sifatlari, texnik-taktik malakalari, qobiliyatlari va imkoniyatlarini baholash. Ularni nasliy xislatlarini o'rganish. Texnik va taktik tayyorgarlik bo'yicha tanlov o'tkazish.

Sport to'garaklari va BO'SMlarga tanlov o'tkazishda bolalar yoshi, shug'ullanuvchilar soni va boshqa ko'rsatkichlarga standart va bir tartibda yondoshilmasa, qo'llaniladigan yuklamalar me'yorini aniqlash, ularning hajmini jismoniy va funksional imkoniyatlar dinamikasiga muvofiq «to'lqinsimon» prinsipda oshirishda jiddiy bio-pedagogik xatolarga duch kelish mumkin. Binobarin, ko'p yillik sport trenirovkasi jarayonida bunday salbiy holatlar yuzaga kelmasligi uchun sport to'garaklari va BO'SMlarga qabul qilishda bolalar guruhlarini A.G.Xripkova tomonidan tabaqalashtirilgan quyidagi yosh guruhlarini asosida tuzish maqsadga muvofiq:

- 1-guruh – 5–6 yosh;
- 2-guruh – 7–8 yosh;
- 3-guruh – 9–10 yosh;
- 4-guruh – 11–12 yosh;
- 5-guruh – 13–14 yosh;
- 6-guruh – 15–16 yosh;
- 7-guruh – 17–18 yosh.

Mamlakatimizda joriy etilgan «Alpomish» va «Barchinoy» maxsus test sinovlari ham aynan shu tabaqalashtirilgan tizimga asoslangan.

Sport to'garaklari, BO'SMlarga tanlov o'tkazish, qabul qilish hamda tayyorgarlik guruhlarini tuzishda biojismoniy jihatdan progressiv shakllangan kichik yoshdagi bola (shug'ullanuvchi) katta yosh guruhiga o'tkazilishi mumkin.

Voleybolga tanlov uslublari, me'yoriy testlar va vositalar

Pedagogik uslublari

1. Tana uzunligi va vazni
2. 30m. yugurish
3. 5x6m. yugurish
4. Joydan vertikal sakrash
5. Joydan uzunlikka sakrash

6. To'ldirma to'pni (1 kg) bosh ortidan ikki qo'llab uloqtirish B o ' y
o'lchagich, tarozi

Sekundomer

Sekundomer

Belga taqilgan o'lchov lentasi

O'lchov lentasi

To'ldirma to'plar

Fiziologik uslublar

1. Yurakni qisqarish chastotasini o'lchash: tinch holatda, 5 daqiqali sakrash yuklamasi-dan so'ng va 5 daqiga o'tgandan keyin

2. Nafas olish chastotasini o'lchash: tinch holatda, 5 daqiqali sakrash yuklamasi-dan so'ng va 5 daqiqadan keyin

Psixologik uslublar

1. Ko'zni yumib sekundomer strelkasini «0» da to'xtatish

2. Qo'l dinamometrida maksimal kuchdan 50% ni farqlash.

Sekundomer

Dinamometr

Voleybol o'yinida qo'llaniladigan harakat faoliyatlarining maqsadga muvofiq, aniq vazifalarini yechib berishga imkon yaratadigan usullari majmuiga o'yin texnikasi deb aytishimiz mumkin.

Voleybol o'yinidagi barcha harakat usullarini birlashtiriladigan bo'lsa, bulardan o'yin texnikasi tashkil topadi. Harakat texnikasini oldiga qo'yilgan turli vazifalarni amalga oshirish bilan maqsadga erishishda samarali harakat qilish bilan baholanadi. Bu baholash-texnikaning darajasi hisoblanadi. o'yindagi har bir texnik usulni bajarish bir-biri bilan chambarchas bo'lganligi va bu bog'liqlik harakatlanish tizimidan tashkil topadi. Harakat texnikasi vazifalarini aniq bir usul bilan hal etish uchun zarur va yetarli bo'lgan harakatning dinamik va knematik xususiyatlaridir ya'ni, kuchlarning muayyan izchilligi, gavdaning ayrim qismlari o'rtasidagi muvofiqlidir va hokazolar.

Texnik harakatlarni bajarishda harakatlarning vaqt jihatidan ma'lum bir fazalari farqlanadi. Odatda harakatlarning quyidagi 3 ta fazasini ajratib belgilash mumkin :

1. Tayyorgarlik fazasi

2. Asosiy fazasi

3. Yakunlovchi fazasi

Tayyorgarlik fazasini ahamiyati ushbu harakatlar mexanizmini amalga oshirishda qulayroq sharoit yaratishdan iborat. Bu sharoitlar yugurib kelish, sakrash, aylanma harakatlarni bajarish bilan yaratiladi. tayyorgarlik qismi qanchalik yaxshi bo'lsa asosiy qismni bajarish shuncha aniqroq bo'ladi.

Asosiy fazadagi harakatlar bevosita asosiy harakat vazifalarini hal etishga qaratiladi. biodinamik nuqtai-nazaridan bu fazadagi eng muhim

narsa harakatlantiruvchi kuchlardan tegishli vaziyatda, tegishli yoʻnalishda samarali foydalanishdan iboratdir.

Yakunlovchi fazadagi harakatlar gavdaning muvozanatini saqlash maqsadida soʻnib boradi yoki keskin tormozlanadi. Voleybol dinamik oʻyin boʻlganligi sababli voleybolchi turli texnik usullarni egallashi, oʻyin vaziyatidan kelib chiqqan holda ularni tanlay olishi va uni tez, aniq bajarishi lozim. Bu esa voleybolchining texnik mahoratini belgilaydi.

Voleybol rivojlanishining har xil davrlarida texnik harakatlarni bajari usullari, talablari shakli, mazmuni oʻzgardi va takomillashib bordi. Texnik oʻyin qoidalarini oʻzgarishi, taktik harakatlarni takomillashuvi, oʻyinchilarning jismoniy tayyorgarlik darajasining oʻsishi asosiy sabab boʻldi.

Voleybol oʻyining texnikasining tasniflasak u quyidagi 2 ta katta boʻlimga boʻlinadi:

1. hujum texnikasi. 2. himoya texnikasi.

Hujum zarbasini berish va toʻsiq qoʻyishda — baland, oʻyinga kiritilgan toʻpni qabul qilishda oʻrta, hujum zarbasini yoki toʻsiqdan pastlab qaytgan toʻpni qabul qilishda past holatlar egallanadi. Bunda umumiy ogʻirlik markazining holati navbatdagi harakatning xususiyatiga bogʻliq boʻladi.

Voleybol oʻyinida oʻyinchilar toʻp bilan qisqa vaqt ichida harakat qilishlari lozim. Shu sababli u yoki bu uyin sharoitida oʻyinchi toʻp bilan oʻynashi uchun yuqori tayyorgarlik koʻrishi talab etiladi. Shu maqsadda turli harakat usullarini bajarish uchun turlicha harakatni egallashi kerak.

Murakkab hujum kombinatsiyalarini tashqil qilishda, toʻp baland berilganda yoki toʻpning uchish vaqtini kamaytirish maqsadida sakrab toʻp uzatitish usulidan foydalaniladi. Bu holatda qoʻllar bosh ustidan bir oz baland koʻtariladi va qoʻllarni faol ishlashi xisobiga sakrashning yuqori nuqtasidan toʻp uzatiladi. Xuddi shu xolatda qisqa toʻp uzatishda asosiy harakat qoʻl barmoqlarining faol ishlashi xisobiga amalga oshiriladi.

Voleybol toʻgaragida 12 yoshdan oʻgʻil bolalar, 13 yoshdan qiz bolalar shugʻullanishlari mumkin. Voleybolchilarni trenirovka mashgʻulotlarini tashkil etishda ularni texnik, taktik tayyorgarliklarini amalga oshirish bilan bir qatorda jismoniy tayyorgarlik qolaversa chaqqonlik va tezkorlik fazilatlarini takomillashtirishga katta eʼtibor berish kerak.

Koʻp yillik sport trenirovkasi uzoq muddatli pedagogik jarayon boʻlib, muayyan yosh guruhlarida oʻziga xos dastur asosida mashgʻulotlar oʻtkazish bilan ifodalanadi.

Ushbu jarayon quyidagi bosqichlarda amalga oshiriladi:

- sogʻlomlashtirish guruhi – 7-8 yosh;
- dastlabki tayyorgarlik guruhi – 9-10 va 11-12 yosh;
- oʻquv-mashgʻulot guruhi – 13-14; 14-15; 15-16; 16-17 yosh;

- takomillashuv guruhi – 17-18; 18-19; 19-20 yosh;
- yuqori sport mahorati guruhi – 17 va undan katta yosh.

Shug‘ullanuvchi bolalarning nasliy va hayot davomida jismoniy, psixologik va morfofunktsional imkoniyatlariga qarab, ular kichik yosh guruhidan katta yosh guruhiga o‘tkazilishi mumkin.

Bolalarni guruhlarga qabul qilish va ularni bir guruhdan ikkinchi guruhga ko‘chirish me‘yoriy test sinovlari natijalari asosida amalga oshiriladi.

Barcha guruhlarda o‘tkaziladigan o‘quv-mashg‘ulot jarayoni quyidagi vazifalarni hal etishga qaratilishi dardkor:

- sog‘liqni mustahkamlash, chiniqtirish, jismoniy, psixologik va morfofunktsional imkoniyatlarni shakllantirish;
- hayotiy zarur harakat ko‘nikmalarini (o‘tirish-turish, yurish-yugurish; sakrash, siljish-to‘xtash; tortilish va hokazo) takomillashtirish;
- jismoniy sifatlarni (kuch, tezkorlik, chaqqonlik, chidamliqlik, egiluvchanlik) taraqqiy ettirish;
- voleybolga oid maxsus sifatlarni (sakrovchanlik, sakrovchanlik chidamkorligi, tezlik-kuch, o‘yin chidamkorligi, diqqat, xotira, iroda, zukkolik va hokazo) shakllantirish;
- texnik va taktik malakalarga o‘rgatish va takomillashtirish;
- o‘yin mahoratini o‘quv o‘yini va musobaqalarda oshira borish.

O‘quv-trenirovka jarayonida va akademik darslarda beriladigan jismoniy va texnik (voleybol) mashqlar o‘z hajmi, shiddati, murakkabligi va qaytarilish soni jihatlaridan turli yoshdagi va jinsdagi bolalarning funksional hamda jismoniy imkoniyatlarini e‘tiborga olgan holda me‘yorlanishi kerak.

O‘rgatish jarayonida qo‘llaniladigan jismoniy va texnik-taktik mashqlarning to‘g‘ri taqsimlanishi malakali voleybolchilar tayyorlash samarasini belgilaydi.

Boshlang‘ich o‘rgatish jarayonida mashqlarning aksariyat foizi bolalarning jismoniy va funksional tayyorgarligini shakllantirishga qaratilgan bo‘lishi kerak, qolgan qismi esa texnik-taktik malakalarini o‘zlashtirishga mo‘ljallangan bo‘lishi muhim shartlardan biridir. Bu bosqichda turli harakatli o‘yinlar, shu jumladan voleybol o‘yiniga ixtisoslashtirilgan harakatli o‘yinlarni qo‘llash tayyorgarlik jarayonini samarali tashkil qilishga yordam beradi. Bunday harakatli o‘yinlar o‘rgatish va takomillashtirish jarayonining barcha bosqichlarida qo‘llanilishi maqsadga muvofiq.

Takomillashtirish bosqichida asta-sekin umumiy jismoniy mashqlar foizi qisqartiriladi, maxsus jismoniy mashqlar va texnik-taktik mashqlar foizi esa ancha ortadi. Mashqlarning hajmi biroz kamaytirilib, shiddati va qaytarilish soni oshirilib boriladi.

Ko‘nikmalarni mukammallashtirish (mustahkamlash) bosqi-chida mashqlarni ijro etish shiddati musobaqa darajasiga yetkazilishi lozim.

Bu bosqichda aksariyat musobaqa mashqlari turli o'yin vaziyatlariga mos ravishda qo'llanilishi katta ahamiyatga ega. Har bir o'yin malakasini (to'pni kiritish, uzatish, to'siq qo'yish, qabul qilish, zarba berish) turli usullarda ijro etishga o'rgatish, masalan, zarba berishning o'ng va chap qo'lda nisbatan bir xilda bajara olish o'yin malakalarining ijro etish doirasini kengaytiradi va harakat zaxirasini boyitadi.

O'rgatish va takomillashtirish jarayonida o'yin malakalarini uzoq vaqt davomida jismoniy, texnik-taktik jihatdan tez, kuchli, chaqqon, aniq va vaziyatga mos samarali ijro etilishini ta'minlash uchun aksariyat hollarda mashqlar charchash asoratlari mavjud hollarda bajariladi. Lekin, bunday mashg'ulotlar nihoyatda ehtiyotkorlik bilan qo'llanilishi darkor. Chunki, me'yoridan ortiq yuklama (nagruzka) bola organizmini zo'riqishga, jarohat olishga yoki patologik holatlarga duchor qilishi mumkin.

Yosh voleybolchilarni tayyorlashda ularni psixologik sifatlarini ham parallel tarzda shakllantira borish muhim ahamiyat kasb etadi. Ma'lumki, voleybol o'yinida yoki o'yinning ayrim vaziyatlarida muvaffaqiyatga erishish barcha sifat, mahorat va qobiliyatlarni yuqori taraqqiy etganligi bilan bir qatorda tez fikrlash, tahlil qilish, farqlay bilish, to'g'ri baholash, diqqat, xotira, oldindan sezish (ansipatsiya), iroda, zukkolik hamda «ayyorlik» xislatlarining shakllangan bo'lishini talab qiladi.

Iste'dodli yosh voleybolchilarni tayyorlash samaradorligi ko'p jihatdan sport to'garaklari va sport maktablariga qabul qilishda tanlov jarayonini maqsadga muvofiq tashkil qilishga bog'liq bo'ladi.

«Tanlov» – ko'p yillik jarayon bo'lib, o'z ichiga dastlabki tanlov, qayta tanlov (guruhdan guruhga o'tkazishda saralash), o'yin funksiyalari bo'yicha tanlov o'tkazish, jamoa tarkibiga tanlov asosida qabul qilish kabi bosqichlarni kiritadi.

O'quv-trenirovka jarayonida murabbiy o'z rahbarligi ostida shug'ullanayotgan turli yoshga mansub guruh a'zolari tarkibidan qobiliyatli, boshqalarga o'rnak bo'ladigan bolalarni tanlab olishi va ularni o'ziga faol yordamchi qilib tayyorlashi nafaqat mashg'ulotlar samaradorligini oshiradi, balki sport intizomi, umuman ta'lim-tarbiya jarayonini maqsadga muvofiq tashkil qilishga yordam beradi. Ushbu masalaning yana bir ahamiyatli joyi, ya'ni yordamchi faollar joyi shundaki, yordamchi faollar ommaviy voleybolni tashkil qilishda, iste'dodli bolalarni izlab topish, turarjoylarda – mahallalardagi bolalarni voleybolga jalb qilish, musobaqalar tashkil qilish, me'yoriy mashq-testlarini hamda «Alpomish» va «Barchinoy» testlarini qabul qilishda alohida o'rin egallaydi.

Har bir murabbiyni sport to'garagi va sport maktablarida o'quv-trenirovka jarayonini maqsadga muvofiq tashkil qilishi uchun shug'ullanuvchi bolani ta'lim olayotgan maktabi, o'qituvchilari va ota-onalari bilan hamkorlikda

ishlashi muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki, murabbiy mashg‘ulotlarni samarali olib borishi, shug‘ullanuvchi bolaning mashqlarni o‘zlashtirishi, uni mahoratini shakllanishi shu bolani maktab va uydagi ahvoli, kayfiyati, dunyoqarashi, qiziqishi hamda xislat va boshqa omillarga bog‘liqdir.

Ma’lumki, shug‘ullanuvchi bolani o‘quv-trenirovkajarayonida mashqlarni ongli tushungan holda ijro etishi, yuklamani qanday ijro etayotganligini sezishi, malaka va ko‘nikmalarni hamda o‘yin sirlarini mukammal o‘zlashtira olishi ko‘p jihatdan uning nazariy-intellektual tayyorgarligiga ham aloqadordir. Demak, har bir murabbiy o‘z rahbarligi ostida shug‘ullanayotgan bola haqida barcha ma’lumotlarga ega bo‘lishi, shu bolani nafaqat malakali sportchi qilib yetishtirishga yordam beradi, balki ma’naviy-madaniy jihatdan yetuk inson qilib tarbiyalashda muhim rol o‘ynaydi.

Shug‘ullanuvchi bolalarni yoshi, o‘rgatish va takomillashtirish bosqichi hamda guruhlarining nomiga qarab nazariy va amaliy mashg‘ulotlarga ajratilgan o‘quv soatlari «pastdan» «yuqoriga» qarab taqsimlanadi.

Sog‘lomlashtirish va dastlabki tayyorgarlik guruhlarida umumiy jismoniy tayyorgarlik eng ko‘p soatlar hajmini, maxsus jismoniy tayyorgarlik – kamroq, texnik – yana kamroq va eng kam soatlar hajmini taktik tayyorgarlik egallaydi. Keyingi guruhlarda mashg‘ulotlar hajmi borgan sari ixtisoslashuvga qarab yo‘naltiriladi. Ya’ni, maxsus jismoniy tayyorgarlik soatlar bo‘yicha ustun bo‘ladi, texnik va taktik mashqlar hajmi ortib boradi.

Xulosa

Bolalarni voleybol sportiga yo‘naltirish va saralash tadbirlarini uslubiy jihatdan to‘g‘ri tashkil etish, voleybol bo‘yicha yuqori malakali sportchilar tayyorlash vazifalari bajariladi. Sport turlariga bolalarni yo‘naltirish va saralashda ularning shaxsiy qiziqishlari hamda jismoniy qobiliyatlarini etiborga olish muxim ahamiyatga ega.

Bolalarni voleybol sportiga 12-14 yoshdan yo‘naltirish mumkin. Yosh voleybolchilarni dastlabki tayyorgarlik mashg‘ulotlari ularni voleybolchilarga muvofiq bo‘lgan jismoniy fazilatlari tezkorlik, chaqqonlik sifatlarini rivojlantirishga qaratilgan bo‘lishi kerak. Voleybol o‘yini texnikasi va taktikasining asosiy shakllari bo‘yicha malaka va ko‘nikmalar egallanishi uchun tayyorgarlik olib borilishi kerak. Asosan voleybolchining sakrash, yugurish, o‘tirish va tishlanish harakatlari hamda o‘yinga to‘p kiritish, to‘p qabul qilish, to‘p uzatish harakatlari texnikasi o‘rgatiladi. Taktik harakatlardan voleybol o‘yinida ishtirok etish, soxta harakatlar, fintlar bajarish bo‘yicha malakalar hosil qilinadi.

Yosh sportchilarning trenirovka mashg‘ulotlari davrlarga bo‘linib tashkil etiladi. Tayyorlov davrida yosh voleybolchilar voleybol o‘yini texnika va taktikasi elementlarini egallab boradilar, jismoniy fazilatlari rivojlantiriladi. Shu bilan birga yosh sportchilarda ma’naviy, axloqiy hamda ruhiy iroda

tayyorgarligi tashkil etiladi. Tayyorlov davri musobaqalar boshlangunga qadar olib boriladi.

Фойдаланилган адабиётлар

1. В Mamurov, А Mamanazarov, К Abdullaev, I Davronov. Acmeological Approach to the Formation of Healthy Lifestyle Among University Students. III International Scientific Congress Society of Ambient ..., 2020. <https://www.atlantis-press.com/proceedings/isc-sai-20/125937241>
2. Bakhodir Mamurov. Scientific basis of the acmeological approach to the process of training and education. <http://pnap.ap.edu.pl/index.php/pnap/article/view/348>
3. Mamurov Bakhodir B. Forming skills of academic process design for future teachers and methods of determining its quality. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=28408580>
4. Mamurov B. B. The Need to Prepare Future Teachers to Design a Student-Centered Educational Process. Eastern European Scientific Journal, 2017. <http://journale.auris-verlag.de/index.php/EESJ/article/viewFile/600/596>
5. Mirzayeva Sayyora Rustamovna. Formation of a healthy lifestyle among students. Текст научной статьи по специальности «Науки о здоровье». <https://cyberleninka.ru/article/n/formation-of-a-healthy-lifestyle-among-students>
6. Mirzayeva Sayyora Rustamovna. Psychological features of attitudes of students to their own health in conflict situations. journal of critical reviews. ISSN- 2394-5125 VOL 7, ISSUE 17, 2020. <http://www.jcreview.com/?sec=cissue>.
7. Samarova Sh.R. Fairy Picture Of The World: Gender Scenario Of The Person [Сказочная Картина Мира: Гендерный Сценарий Личности]. <https://scientific-conference.com/h/sborniki/pedagogicheskie-nauki2/956-fairy-picture.html>
8. Айрапетьянц Л.Р. Волейбол. Учебник. 2000 г. Ташкент.
9. Акрамова Г.Р. Дидактические основы формирования концепции толерантности у учащихся начальных классов: канд. наук. дисс. авт. Т., 2007.
10. Акрамова Г.Р. Социальный аспект процесса развития критического мышления учащихся. <https://cyberleninka.ru/article/n/sotsialnyu-aspekt-protssesa-razvitiya-kriticheskogomyshleniya-uchaschihsya/>
11. Акрамова Г.Р. Эффективные методы развития критического мышления у учащихся. <https://scientific-conference.com/images/PDF/2018/1/effective1.pdf/>



12. Ачилов А.М. Акрамов Ж.А. Гончарова О.В. Болаларнинг жисмоний сифатларини тарбиялаш. Ўқув қўлланма. 2004й. Тошкент.
13. ББ Мамуров. Акмеологический подход к воспитанию молодого поколения в наследии предков. Педагогическое образование и наука, 2016. http://www.manpro.ru/manpro/publications/ped_obraz/n2016_03.pdf#page=147
14. Гончарова О.В. Ёш спортчиларнинг жисмоний қобилятларини ривожлантириш. ўқув қўлланма. 2004й. Тошкент.
15. Қўчқарова О.В., Қипчоқов В.В., Болтаев Г.В. Волейбол. ўқув қўлланма. 2001й. Тошкент.
16. Мамуров Б.Б. Акмеологический подход к воспитанию молодого поколения в наследии предков. http://www.manpro.ru/manpro/publications/ped_obraz/n2016_03.pdf#page=147
17. Маъмуров Б. Б. Бўлажак ўқитувчиларни шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойихалашга тайёрлашда қўлланиладиган тамойиллар. Современное образование (Узбекистан), 2017. <https://cyberleninka.ru/article/n/b-lazhak-ituvchilarni-shahsga-y-naltirilgan-talim-tarbiya-zharayonini-loyi-alashga-tayyorlashdallaniladigan-tamoyillar>
18. Саломов Р.С., Керимов Ф.А. Жисмоний тарбияда педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма. 2002 й. Тошкент.
19. Усмонходжаев Т.С. ва бошқа. Болалар ва ўсмирлар спорти машғулоти назарияси ва услубиятлари. 2005 й. Тошкент.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ МИЛЛИЙ ТАРБИЯ АСОСИДА МАЪНАВИЙ- АХЛОҚИЙ СИФАТ- ЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

С. Э. Усманова

Низомий номидаги ТДПУ Термиз филиали, мактабгача талим
кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш имкониятлари, афзалликлари, муаммо ва ечимлари хусусида сўз юритилади.

Калит сўзлар: мактабгача таълим, интеграция, тарбиячи, болалар, таълим, маънавий-ахлоқий тарбия, тарбия усуллари

ФОРМИРОВАНИЕ ДУХОВНО-ПРАВСТВЕННЫХ КА- ЧЕСТВ ДОШКОЛЬНИКОВ НА ОСНОВЕ НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ.

С. Е. .. Усманова

Термезский филиал Ташкентского государственного педагогического
университета имени Низами, педагог дошкольного образования

Аннотация: В статье рассматриваются возможности, преимущества, проблемы и пути решения духовно-нравственного воспитания дошкольников.

Ключевые слова: дошкольное образование, интеграция, воспитатель, дети, воспитание, духовно-нравственное воспитание, методика воспитания.

FORMATION OF SPIRITUAL AND MORAL QUALITIES OF PRESCHOOL CHILDREN ON THE BASIS OF NATIONAL EDUCATION

S. E.. Usmanova

Termez branch of Tashkent State Pedagogical University named after
Nizami, teacher of preschool education

Abstract: The article discusses the opportunities, advantages, problems and solutions for the spiritual and moral education of preschool children.

Keywords: preschool education, integration, educator, children,

education, spiritual and moral education, methods of education

Республикамизда бугунги кунда мактабгача таълим-тарбия тизими-ни тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, фарзандларимизнинг жаҳон андозалари даражасида замонавий билим, касб-хунарларни эгаллаши, маънан-ахлоқан, жисмонан етук инсонлар бўлиб улғайиши, ёш авлод қалбида Ватанга садоқат, фидойилик туйғуларини юксалтириш борасида Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш” устувор вазифа этиб белгиланган. Мана шу устувор вазифаларни амалга оширишда мамлакатимизда мактабгача таълимни янада ривожлантириш, унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинд.

Маълумки, мактабгача ёшдаги боланинг онгига сингдирилган билим ва маънавий қадриятлар унинг келгусидаги ҳаётини белгилаб бериши сабабли ўзаро ва оиладаги муносабатлар, яқин кишиларга ғамхўрлик қилиш, болалар тарбиясида миллий тарбия усуллари ва замонавий педагогларнинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиш, уйғун ривожланган бола шахсини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Инсоният яратган бебаҳо маданият дурдоналари энг аввало ҳар қайси миллатнинг фольклор санъатида мужассам топгани ҳаммамизга яхши маълум. ... Фольклор санъати, таъбир жоиз бўлса, бу – инсониятнинг болалик кўшиғидир».

Мактабгача ёшдаги болаларни ватанпарвар, инсонпарвар, меҳнатсевар, маънан етук, ахлоқан юксак инсонлар бўлиб вояга етиши кўп жиҳатдан оилада ва мактабгача таълим ташкилотида уларга берилган мана шу болалик кўшиғи бўлган фольклор асарларидан таълим-тарбия тизимида самарали фойдаланишга боғлиқдир. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ёшларни мустақил ҳаётга дунёқараши кенг, фаол фуқаролар этиб тарбиялаш мақсадида қабул қилинган «Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси»да ҳам ўз аксини топган.

Концепциянинг бешинчи бобида айнан мактабгача таълим тизимида узлуксиз маънавий тарбияни амалга ошириш, бу даврдан бошлаб болаларда ижобий ҳулқ мотивларини, «Ўзбекистон — менинг Ватаним!» туйғусини шакллантириш, уларда давлат рамзларига ҳурмат ҳиссини

тарбиялаш, ўғил болаларда мардлик, шижоат, миллий ғурур, қатъият, тадбиркорлик, орият, қиз болаларда ибo, ҳаё, қаноат, меҳнатсеварлик каби маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришда «Бола азиз, одоби ундан азиз» мавзuida эртак, матал, афсона, дoстoн, мақoллардан фойдаланиб, МТТ тарбиячи-педагоглари ва oта-oналар учун алоҳида услубий ишланмалар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш бугунги куннинг муҳим вазифалари сифатида белгилаб берилди.

Ёш мактабгача таълим даври болаларига бериладиган маънавий-ахлоқий тарбия бевосита М.Кошғарий, У.Кайковус, А.Н.Форобий, ал-Хоразмий, Абу Али Ибн Сино, А.Навоий каби шарқ мутафаккирларимизнинг нодир асарларида келтирилган алла, эртак, мақол, топишмоқларга ва халқ тилидан ёзиб олинган халқ оғзаки ижоди намуналари орқали сингдирилади.

Мактабгача таълим муассасасининг «Илк қадам» Давлат ўқув дастурида белгиланганидек, ўқув-тарбиявий жараённинг мақсади болаларда умумий асосий компетенциялар ва ривожланиш соҳалари компетенцияларини шакллантириш учун тегишли шароитлар яратишдан иборат. Мазкур ҳужжатда мактабгача ёшдаги (6-7 ёш) боланинг умумий муҳим 4та компетенцияси акс этирилган: коммуникатив компетенция – мулоқот воситаларидан турли вазиятларда фойдалана билиш; ўйин компетенцияси – боланинг ўйин жараёни ва уни ташкил қилишда тажриба, билим ва кўникмалардан ижодий фойдаланиш, у ўқув-тарбиявий жараён учун асос ҳисобланади; ижтимоий компетенция – ҳаётий вазиятларда катталар ва тенгдошлари билан мулоқотда ахлоқ қоидалари ва меъёрларига риоя қилган ҳолда ўзини тутиш; билиш компетенцияси – атроф оламни онгли идрок қилиш ва олинган билим, кўникма, малака ва қадриятлардан ўқув ва амалий вазифаларни бажариш учун фойдаланиш.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ижтимоий компетенция – ҳаётий вазиятларда катталар ва тенгдошлари билан мулоқотда ахлоқ қоидалари ва меъёрларини болалар халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида эгаллаб бориши тўғрисида қатъий хулосага келинган. Мактабгача давридан бошлаб болаларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш кўп босқичли ва мураккаб жараён бўлиб, бу жараён технологик ёндошувни талаб қилади.

Мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизими Event-технологияси асосида такомиллаштирилди. Бу технологиянинг энг эътиборли томони шундаки, у воқеалар ривожиди болаларда дастлабки одоб-ахлоқ кўникмаларини,

Коммуникативлик, креатив фикрлаш, лидерлик сифатларини шакллантиришга хизмат қилади.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда, жамиятдаги воқеликлар билан уйғунлаштирган ҳолда интеграциялашган машғулотларини ташкил этиш, ҳар бир машғулотни ўзаро уйғунлик, узвийлик ва мужассамлашган ҳолда олиб бориш мактабгача таълим муассасалари дидактикасининг бош масаласидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари” нинг мақсади мамлакатда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни, хорижий мамлакатлар илғор тажрибаси ҳамда илм-фан ютуқлари ва замонавий инфор­мацион коммуникатив технологияларни инобатга олган ҳолда мактабгача таълим тизимида маънан мукам­мал ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялаш, вазифаси сифатида миллий, умуминсоний ва маънавий кадриятлар асосида болаларга таълим-тарбия бериш, ривожлантиришнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш, таълим-тарбия жараёнига педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тадбиқ этиш масалалари белгилаб қўйилган.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш муаммоси борасида фикр юритилар экан, аввало “Маънавият”, “Ахлоқ” ва тушунчаларига тўхталиш лозим.

Фалсафа, тарих, этнография, фольклор, адабиёт ва педагогика фанларида “маънавият-маънавий”, “Ахлоқ-ахлоқий” каби атамалари жуда кўп қўлланилади. Зеро, улар инсоннинг ҳаёт ва турмуш тарзини, жамиятнинг ривожланганлиги даражасини белгилаб беради. Шунинг учун дастлаб бу атамаларнинг фалсафий, педагогик маъно-мазмунини билиб олиш зарур.

Маънавият-руҳ (дил) нинг бевосита ва фаол таъсири остида рўй берадиган инсоннинг барча хатти-харакати, юриш-туриши, муомала муносабати, турли-туман ҳолати ва фаолиятнинг мажмуаси (йиғиндиси) дир [6].

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, маънавият ўзининг мазмуни ва моҳиятига кўра интегратив соҳалар сирасига киради. Зеро, унинг таркибий компонентлари сифатида;

-биринчидан, ахлоқий меъёрлар эътироф этилди;

-иккинчидан, “Инсониятнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, диний ва шу каби тасавурлари ва тушунчалари мажмуи” [7] бўлганлиги боис ҳам кенг тармоқли, кенг қамровли, бир сўз билан айтганда интеграцион соҳа ҳисобланади.

Ўзбек маърифатпарвари Абдулла Авлоний маънавий-ахлоқий тарбияда болалар табиат ва жамият қонун-қоидаларини, табиат ҳодисаларини, уларнинг ўзаро узвийлигини билиш кераклиги, шундагина улар жамият ва халқ фаровонлиги учун хизмат қиладиган бўлиб етишишлари мум-

кинлиги ҳақида фикр билдиради.

Демак ана шу сифатларни мактабгача таълим ёшидаги болаларга мужассамлаштириб, яъни интеграциялаган ҳолда етказиш мактабгача таълим тизимининг долзарб муаммосидир.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни интеграл тарзда маънавий-ахлоқий тарбиясини ташкил этиш аниқ мақсадга қаратилган яхлит педагогик жараён бўлиб, ушбу жараёнда қуйидаги педагогик вазифалар ҳал қилинади:

Мактабгача таълим ёшидаги болаларга маънавий-ахлоқий меъёрлар ҳамда ахлоқий муносабатлар моҳияти ва уларнинг ижтимоий жамият ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида маълумот берилади.

2.Мактабгача таълим ёшидаги болаларда маънавий-ахлоқий тушунчаларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш, маънавий-ахлоқий онгни қарор топтириш.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларда ижобий мазмундаги маънавий-ахлоқий сифатлар (ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, гўзалликни хис қилиш, гўзаллик яратишга интилиш, ростгўйлик, озодалик, орасталик, ўзаро дўстлик, ахиллик, ширинсўзлик, сахийлик, жасурлик ва ҳокозоларни) қарор топтириш.

4.Мактабгача таълим ёшидаги болаларда маънавий-ахлоқий мазмундаги хулқ-атвор, характер ва иродани шакллантириш.

5.Мактабгача таълим ёшидаги болаларда маънавий-ахлоқий маданиятни шакллантириш.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда мактабгача таълим муассасаларидаги маънавий-маърифий ва тарбиявий муаммолар, мактабгача таълим ёшидаги болаларни интеграциялашган машғулотларда маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимида хизмат қилувчи ижобий омиллар билан бирга ундаги педагогик муаммоларни ҳам аниқлашга имкон беради.

Мактабгача таълим муассасаларида машғулотларни интеграциялаш орқали мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда қуйидаги педагогик муаммоларга дуч келиш мумкин:

-мактабгача таълим муассасаларида ўзига хос интеграл педагогик муҳит яратиш эҳтиёжи ва унга ташқи–ижтимоий стихияли таъсири;

-тарбиячиларни касбий компетентлиги, креативлиги ва касбий маҳоратини ошириш тизими олдида турувчи вазифалар ва ушбу вазифаларни ҳал этиш учун илмий-услубий ва дидактик таъминотнинг даражасининг етарли эмаслиги;

-тарбиячиларнинг Такомиллаштирилган “Болажон” таянч дастури ва “Илк қадам” давлат ўқув дастурларидан фойдаланишда машғулотлар мавзуларини интеграциялаш малакасига эга эмасликлари;

-мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизи-

мидаги интеграция (яхлитлик) ва дезинтеграция (бўлиниш, парчала-ниш) жараёнлари ўртасидаги зиддиятлар;

-мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнининг анъа-навий шакллари, методлари ва инновацион методларини жорий этиш ўртасидаги зиддиятларнинг мавжудлиги;

-мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий, тарбия жараёнининг ташкилий қисми, мазмуни ва тарбия жараёнини методи-каси ўртасидаги номувофиклар;

Юқоридаги педагогик муаммоларни ҳал этиш учун мактабгача таъ-лим муассасаларида интеграциялашган машғулотлардан фойдаланиш мақсадга мувофикдир, бунда:

мактабгача таълим муассасаларида интеграциялашган таълимни ташкил этишда гуруҳ тарбияланувчиларининг ёши ва билим савиясини ҳисобга олиш;

-интеграциялашган таълимга машғулотлар самарадорлигини оши-ришда ривожлантирувчи характерни шакллантирувчи восита сифатида қараш;

-барча тарбиявий тизимлар марказига бола шахсини қўйиш;

-тарбияга инсонпарвар ёндошув, умуминсоний қадриятларни шак-ллантириш;

-боланинг ижодий қобилиятларини, унинг индивидуаллигини ри-вожлантириш;

-индивидуал ва жамоавий тарбияни ҳисобга олиш;

Мухтасар айтганда, мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг бошланғич қисми ҳисобланади. У боланинг соғлом ва ривожланган шахс бўлиб шаклланишини таъминлаб, ўқишга бўлган иштиёқини уйғотади, тизимли ўқитишга тайёрлаб боради. Шундай экан, бу тизим фаолиятини янада кучайтириш, мактабгача таълим муассасаларида ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиш, уларга мактабгача ёшдаги болаларни кенг жалб этиш фарзандларимизнинг баркамол ва етук шахс бўлиб шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали ма-росимдаги нутқи // Халқ сўзи. –Тошкент, 2019. 7 апрель. – № 68.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон қарори. /Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.05.2019 й., 07/19/4307/3079-сон/.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2017—2021 yillarda

maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori. T: . 2016 yil 29 dekabr

O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni // Barkamol avlod - O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. – T.: "SHarq", 1998 yil.

Ilk va maktabgacha yoshdagi bolalarni rivojlanishiga qo'yiladigan davlat talablari - T.: 2018 yil.

Takomillashtirilgan "Bolajon" tayanch dasturi. - T.: 2016 yil.

Safo Ochilov. Nezavisimost: duxovnost i osnovi vospitaniya. Dissertatsiya na soiskanie uchyonoy stepeni doktora pedagogichiskix nauk v forme nauchnogo doklada. T.: 1998, 34-betlar.

ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ МУҲИМ ИЖТИМОИЙ - ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

*Абдуллаев Комилжон Рискулович,
Низомий номидаги ТДПУ
мустақил-илмий изланувчиси*

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақола мамлакатимизда амалга оширилаётган ватанпарварлик муаммоси масалаларига бағишланган бўлиб, унда «ватанпарварлик» ва «ватанпарварлик тарбияси» моҳияти очиб берилган. Мақолада олимларимиз ва уларнинг хорижлик ҳамкасбларининг ватанпарварлик тарбиясига доир қимматли фикрлари таҳлили ҳамда тамойиллари ўз аксини топган. Шунингдек мақолада «ватанпарварлик» ва «ватанпарварлик тарбияси» нинг ижтимоий-педагогик асослари ёритилган.

АННОТАЦИЯ. Данная статья посвящена проблемам патриотизма в нашей стране, раскрывает сущность «патриотизма» и «патриотического воспитания». В статье отражены анализ и принципы ценностных взглядов наших ученых и их зарубежных коллег на патриотическое воспитание. В статье также описаны социально-педагогические основы «патриотизма» и «патриотического воспитания».

ANNOTATION. This article is devoted to the problems of patriotism in our country, reveals the essence of “patriotism” and “patriotic education”. The article reflects the analysis and principles of the value views of our scientists and their foreign colleagues on patriotic education. The article also describes the socio-pedagogical foundations of «patriotism» and «patriotic education».

Калит сўзлар: ватанпарварлик, ватанпарварлик тарбияси, ватанпарварлик гояси, минталитет, муқаддас қудрати, ижтимоий муҳит, тарих, қадрият, маънавият, муқаддас замин, фуқаровий бурч.

Ключевые слова: патриотизм, патриотическое воспитание, патриотическая идея, менталитет, защитная сила, социальная среда, история, ценности, духовность, святая земля, гражданский долг.

Key words: patriotism, patriotic education, patriotic idea, mentality, protective force, social environment, history, values, spirituality, holy land, civic duty.

Ватанпарварлик — номусли ва назокатли туйғудир. Муқаддас сўзларни эҳтиёт қил, Ватанга муҳаббат хусусида дуч келган жойда оғиз кўпиртирма. Яхшиси — унинг фаровонлиги ва қудрати йўлида индамайгина меҳнат қил, -деб ёзади буюк педагог В. А. Сухомлинский [4. 52-б.].

Мақоламиз «ватанпарварлик» ва «ватанпарварлик тарбияси» тушунчаларининг моҳиятини очиб беришга бағишланган бўлиб, ўртамахсус, касб-ҳунар коллеж ва техникумлари ўқувчиларида ватанпарварлик тарбияси муаммосига замонавий методологик ёрдашувни очиб бериш, ватанпарвар шахсларни тарбиялашнинг долзарб анъаналарини аниқлаш ватанпарварлик тарбиясига салбий таъсир этувчи омилларни ёритиш масалалари атрофлича қамраб олинди.

Илмий манбалар таҳлиллари Ўзбекистонда ватанпарварлик ғояси ривожланиши тарихи қуйидаги жиҳатларда намоён бўладиган ўзига хос хусусиятга эгаллигини кўрсатди:

- ўзбекистон ижтимоий муҳити ва ижтимоий-маданий яхлитлигини таъминловчи асосий омил;
- ўзбек халқига хос менталитет;
- ўзбек давлатчилиги тараққиёти маънавий асоси;
- шахснинг Ватан ҳимоясига маънавий-психологик тайёрлигининг фундаментал таркиби.

Ватанпарварлик тушунчасининг мазмун-моҳиятини янада теранроқ англашда мавжуд илмий луғатларнинг ўзига хос беқиёс ўрни мавжуд.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида: “Ватанпарвар-ўз ватанини, она юртини, халқини чексиз севувчи, ватан манфаатлари учун жонбозлик кўрсатувчи. Ватанпарварлик-ватанпарварларга хос иш, хатти-ҳаракат, хислат” тарзида изоҳланади. Бугунги кунга келиб ватанпарвар сўзи фуқороларнинг ўз Ватанини севишини англатувчи рамзий сўзга айланиб улгурди [7.444-б.].

Комусий луғатда «ватанпарварлик» сўзи «ватанга муҳаббат» сифатида талқин қилинади. Луғатда «ватанпарварлик» сўзи «ўз халқи, Ватанига бўлган муҳаббат, содиқлик»ни англатиши эътироф этилади. Педагогик қомусий луғатда ватанпарварлик сўзи моҳияти “ўз ватани, қадрдон тупроғи, маданий муҳитига бўлган муҳаббати” тарзида янада ойдинлаштирилади [8.348-б.].

Фалсафий луғатда ватанпарварлик сўзига нисбатан қуйидагича изоҳ берилган: «ватанпарварлик – маънавий ва сиёсий тамойил, ватанига бўлган муҳаббат мазмунига эга бўлган чуқур ижтимоий ҳиссиёт, унинг ўтмиши ва бугуни учун фахр-ифтихор, ўз манфаатларини ўз манфаатларига бўйсиндиришга тайёрлик» [6. 543-б.].

Юқорида ифодаланган фикрлар таҳлилларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, ватанпарварлик – бу ҳар бир фуқарога хос бўлган Ватанига содиқлик, унга бўлган муҳаббатини ўз ичига олган сифат, ўз Ватанига дахлдорлик, ўз Ватани ва халқи манфаатларига виждонан хизмат қилишга бўлган интилиш, тинчлик ва уруш пайтида уни ҳар қандай душманлардан ҳимоя қилишни англатади.

Мамлакатимиз ва хориж олимлари ватанпарварлик ғояси келиб чиқишини турли босқичга ажратадилар. Масалан, С.Н. Томилина, А.Ю. Парашин сингари муаллифлар ватанпарварлик ғоялари ва унинг таркибий қисмининг шаклланиши ва ривожланишининг беш асосий босқичини тавсифлайдилар [5. С.124].

С.Ф. Подлесная ўзининг тадқиқотларида ватанпарварлик тушунчаси ўз тараққиётида етита изчилликдаги босқичлардан ўтганлигини эътироф этади [3. С.4]. Шу ва бошқа тадқиқотчиларнинг қарашлари таҳлиллари бу олимларнинг барчаси барча миллат ва халқларга хос бўлган инсоният цивилизацияси тарихининг илк даврларидан ҳозирги пайтга қадар бўлган даврини назарда тутганликларини кўрсатади. ватанпарварлик ғояларининг ривожланиши ўзбек халқи, унинг ерларини ташқи душманлардан ҳимоя қилиш зарурати туфайли босқичма-босқич шаклланиб борган;

□ ватанпарварликнинг шаклланишида халқ оғзаки ижоди, хусусан, дostonлар муҳим аҳамият касб этган. Ўзбек халқ фольклорида юрт ҳимояси, мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик азал азалдан юқори ноталарда қўйлаиб келган;

□ буюк саркардалар, озодлик ва эрк курашчиларининг Ватан ҳимоясидаги шахсий намунаси, мард ва жасурлиги турли даврларда жангчиларимизни жангларда жасурлик, қаҳрамонликка ундашнинг асосий омили вазифасини ўтаб келган;

□ ватанпарварлик ғоялари тарғиботида ислом дини, унинг муқаддас китоби, ҳадиси шарифларимиз улкан маънавий манба вазифасини ўтаб келган;

□ мамлакатимизда ватанпарварликнинг ёрқин тимсоли сифатида бизгача етиб келган тарихий–бадий обидаларимиз, роман ва қиссаларимиз, пьесаларимизнинг бекиёс ўрни мавжуд;

□ ўзбек миллий ватанпарварлик ғояларининг асосини халқимизнинг жипслиги, ватанига бўлган самимий муҳаббати, аجدодлар хотираси ҳамда келажакка бўлган улкан ишончи ташкил қилади.

Ўзбекистонда ваанпарварлик асосларининг пайдо бўлиши миллий ғоя шаклланишини таъминлаб берди. Бугунги кунда у кўпмиллатли Ўзбекистон Республикаси халқларни бирлаштирувчи, ижтимоий институтлар ва социумнинг ҳаётий фаолияти асосларини ҳаракатлантирувчи кучи сифатида намоён бўлади.

Мамлакатимиз олимлари томонидан ватанпарварлик ҳодисасини талқин қилишда замирида илмий парадигма ётадиган турли ёндашувлар мавжуд. Улар орасидан нисбатан кенг тарқалган ёндашувлар сирасига ижтимоий-фалсафий, диний, социологик, тарихий, сиёсатшунослик ва педагогик каби жадвалда келтирилган ёндашувларни киритиш мумкин.

Ватанпарварлик моҳиятини кўриб чиқишнинг асосий йўналишлари қисқача тавсифи.

Ёндашувлар	Ватанпарварликнинг асосий хусусиятлари
Ижтимоий-фалсафий	Ватанпарварлик жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларига хос бўлган энг муҳим, доимий қадриятлардан бири бўлиб, у шахснинг маънавий ривожланишининг энг юқори даражасини тавсифлайди ва ўзини Ватан фаровонлиги йўлида теран англашида намоён бўлади.
Диний	Ватанпарварлик - бу Ватанга муҳаббат ва эҳтиром, унинг фаровондиги тўғрисида ғамхўрлик ва фидоийликка тайёрликда намоён бўладиган энг юқори маънавий ва ахлоқий туйғу.
Социологик	Ватанпарварлик – кўп жабҳали ижтимоий-маданий қадрият, унинг замирида юрти манфаатлари учун фаол ҳаракатларга ундовчи Ватанга бўлган табиий боғлиқлик ва муҳаббат ётади. Ватанпарварлик – ахлоқий ва сиёсий тамойил, Ватан манфаатларини ҳимоя қилишда конкрет яратувчанлик ишларида намоён бўладиган Ватани ўтмиши ва бугуни учун фахр-ифтихор мазмунига эга бўлган чуқур ижтимоий ҳиссиёт.
Маданиятшунослик	Танпарварлик –бу юксак ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳис-туйғулар, эътиқодлар, қарашлар, интилишлар, Ватан фаровонлиги учун ҳаракат қилишга тайёрлик ва қобилият шаклланадиган маскан. Ватанпарварлик маданият тарихи ва назарияси контекстида жамоатчилик, бирлик, қариндошлар, дўстлар, ватандошлар билан бирдамлик, уларнинг тақдирига дахлдорлик туйғусини ўз ичига олади
Тарихий	Ватанпарварлик – бу ўзбек халқининг кўп арлик тамаддунининг тарихи, ижтимоий шарт-шароитлари маҳсули.
Сиёсий	Ватанпарварлик – қадрият характерига эга бўлган сиёсий ғоя, умуммиллий манфаатлар ҳимояси асоси, умуммиллий ўзлигини англашнинг сиёсий аҳамиятга молик базиси.
Педагогик	Ватанпарварлик - ўз Ватани ўтмиши, бугуни ва эртаси билан боғлиқ қадриятлари, анъаналари ва стереотипларига бўлган ҳиссиётларида ифодаланадиган халқнинг миллий ўзлигини англашининг асоси. Ватанпарварлик - бу ижтимоий-фуқароликнинг юксак шакли, ўз Ватанини кўкларга кўтариш.

Юқоридаги жадвалнинг тузилишига қарамасдан, мамлакатимиз педагогларининг ватанпарварлик моҳиятига нисбатан замонавий қарашларини бир неча гуруҳга ажратган ҳолда кенгроқ кўриб чиқиш зарурати мавжуд.

Биринчи гуруҳ олимларимиз ватанпарварликка ижтимоий-сиёсий

ва маънавий-ахлоқий ҳодиса сифатида қарайдилар. Уларнинг фикрича, ватанпарварлик юксак инсонпарварлик йўналиши, қонунларга бўлган итоат, Ватанга бўлган алоҳида муҳаббат, мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларида фаол иштирок этадиган, давлат ҳимоя қудратини мустақамлаш йўналишига эга бўлган ўзбек миллий характерининг ёрқин хусусияти сифатида характерланади.

Иккинчи гуруҳ олимлар ватанпарварликни ижтимоий онг ҳодисаси сифатида кўрадилар. Ушбу қараш нуқтаи назаридан ватанпарварлик ҳодисаси ўзбекистонда истиқомат қиладиган халқларнинг ўзаро ҳамкорликдаги тарихий ҳаётий тажрибалари асосида шаклланган маданий алоқаларини таъминлайдиган Ватанга бўлган муҳаббатлари, ундан фахр ҳиссини туйишларини байналмилал кадриятлар билан уйғунлаштирадиган миллий психологик хусусиятлари билан шартланади.

В. В. Пионтовскийнинг фикрича, «ватанпарварлик ижтимоий онг ҳодисаси сифатида» байналмилаллик ва миллийлик каби икки таркибий қисмлар фаолияти шаротидагина меъёрида фаолият юритада оладиган мураккаб динамик тизим сифатида қаралиши мумкин. Ватанпарварликнинг намоён бўлиши турли шаклларда ифодаланиши мумкин:

- ахлоқий тамойилларга асосланадиган методологик;
- ахлоқий ҳиссиётларни тарбиялаш орқали эмоционал-психологик;
- интеграциялашган ахлоқий сифат тарзида тарбияланадиган хулқий;
- ижтимоий онг орқали шакллантириладиган фалсафий [2.с.326].

Учинчи гуруҳ тадқиқотчилари ватанпарварликни ўзбек миллати вакилларига хос мажмуавий шахс сифати ва ижтимоий педагогик ҳодиса сифатида талқин қиладилар.

Ватанпарварлик ўзбек халқига асрлар мобайнида хос бўлган, унинг менталитети, тарихи, маданияти, Ватани, халқига бўлган муҳаббати, душманларига нафрати, унинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлишга тайёрлигининг ажралмас асосини ташкил қилади.

Тўртинчи гуруҳ педагоглар ватанпарварлик ижтимоий муҳитда инсон фаолияти ва хулқи йўналишини белгилаб берадиган фикрлар соҳасини қамраб олади деган қарашни илгари сурадилар.

Бешинчи гуруҳ вакиллари ватанпарварлик – бу Ватанини ташқи агрессорларнинг қуролли босқинидан ҳимоя қилиш, унинг равнақи йўлида юксак самарали меҳнат қилиш, ўз Ватанига нисбатан кадриятли муносабатда бўлиш, инсон маънавий ривожланиши ва ўзлигини англашининг юксак даражасига мос бўлган шахснинг интеграл сифатлари.

Р.А.Мавлянова ёзишича, ўзбек халқи ватанпарварлиги моҳияти за-

монавий жамиятни тартибга солишда ўз аксини топади «... жамиятнинг муносиб турмуш тарзи, унинг мавжудлигининг муҳим тизими ёки организми ҳисобланади. Айнан шу нуқтаи назардан ватанпарварлик жамиятнинг ҳаётий қодирлиги, автономлиги, ўзига хослигини сақлашини ифодалайди» [1. 64-б.].

Ватанпарварликка нисбатан берилган қоида таърифлар асосида ватанпарварлик ҳодисасининг асосий элементлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш имконини беради:

□ Ватанига, ўз туғилиб ўсган, истиомат қилаётган масканига бўлган самимий ва соф муҳаббат;

□ ўз Ватани, унинг ҳарбий ва жанговар қудрати, анъаналари, давлатчилиги, тили, тарихи, маданияти ва эришган ютуқларидан фахр –ифтихор ҳиссини туйиш;

□ Ватанига содиқлик ва вафодорлик;

□ Ватан ҳимоясига тайёр туриш;

□ Босқинчи ва душманларга нисбатан нафрат.

Демак, ватанпарварлик ҳодисаси маънавий сифат, ахлоқий-сиёсий тамойил сифатида қаралиб. Ватанпарварлик моҳияти (умумий кўринишда) Ватанига бўлган ҳақиқий садоқат, вафо, муҳаббат, унга хизмат қилиш, қўлида қурол билан уни ҳимоя қилиш кабилар билан характерланади ва таълим –тарбия жараёнида муҳим ижтимоий педагогик аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мавлянова Р.А. Умумий педагогика. Т: 2011й. «Янги авлод» 64-б.

2. Пионтковский, В. В. Патриотическое воспитание учащейся молодежи в условиях регионального образования: дисс. ... док. рождение процесса военно-патриотического воспитания флотской молодежи: монография. – Новороссийск: ГМУ им. адм. Ф. Ф. Ушакова, 2015. – 124 с.

6. Фалсафий луғат. “Фан” нашриёти.Т6 1998-543-бет.

7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.-Т:-444-бет.

8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. “Ўздавнашр” Давлат илмий нашриёти.-Т:-328-бет.

O‘QUVCHILARNING TANQIDIY TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISH ASOSIDA IJTIMOY MUNOSABATLARGA TAYYORLASH TEXNOLOGIYASI

*Akramova Gulbahor Renatovna – Buxoro davlat universiteti,
“Boshlang‘ich ta’lim nazariyasi” kafedrası dotsenti, p.f.n.*

Annotasiya. Maqolada o‘quv jarayonida o‘quvchilarda tanqidiy tafakkurni shakllantirish komponentlari: tanqidiy tafakkur yuritishga tayyorgarlik ko‘rish; intellektual (fikriy) ko‘nikma va malakalar; ilgari tajriba natijasi sifatida yuzaga kelgan bilimlar xususida fikr yuritilgan. Har bir komponentni rivojlantirish borasidagi nazariy hamda amaliy g‘oyalar atroflicha talqin etilgan.

Kalit so‘zlar: tanqidiy tafakkur, ijtimoiy munosabat, o‘quvchi, rivojlantirish, aqliy qobiliyat, muloqotchanlik, qoida, komponent.

Axborot makonining kengayib borayotgani ijtimoiy sohada, birinchi navbatda, ta’lim paradigmasini almashtirib, an’anaviy ta’lim tizimi o‘rniga innovatsion, rivojlantiruvchi, ya’ni o‘quvchi shaxsining barcha sifatlarini, jumladan, bilimi, layoqati, malakalari, aqliy harakat usullari, o‘z-o‘zini boshqarish mexanizmlari, emotsional-axloqiy va amaliy-faoliyatli sohalarini rivojlantirishga qaratilgan ta’lim tizimini tarkib toptirish asosiy maqsadimiz bo‘lib qolmoqda. Bu esa, ta’lim jarayonida o‘quvchi bilim, ko‘nikma va malakalarni shunchaki o‘zlashtiribgina qolmay, o‘zlashtirilgan bilim, ko‘nikma va malakalarni ijodiy qo‘llay bilishi, mustaqil tanqidiy tafakkur yuritishi talab etiladi.

Umumta’lim maktab o‘quvchilarining tanqidiy fikrlashlarini shakllantirish bo‘yicha ilmiy-nazariy ma’lumotlarning tahlili shuni ko‘rsatadiki, o‘quvchilarni tanqidiy fikrlashga o‘rgatish o‘qitish jarayonining eng muhim vazifalaridan biridir.

Biz o‘quvchida tanqidiy tafakkurni rivojlantirish texnologiyasini ishlab chiqishda o‘qituvchi dars jarayonida qanday o‘qitish shakl, usul va yo‘llaridan foydalanishi mumkinligi xususida tavsiyalar ishlab chiqishga harakat qildik.

Ta’kidlash joizki, tanqidiy fikrlash uchun ajralmas shart mantiq qoidalarini bilishdir. O‘quvchi tanqidiy fikrlashni o‘rganishi uchun mantiq qoidalariga amal qilish kerak. Buning uchun o‘qituvchi o‘quv jarayoniga tanqidiy yondoshish algoritmini bilishi juda muhimdir. Bunday holda o‘quvchilarning tanqidiy fikrlashini rivojlantirish uchun zarur bo‘lgan ba’zi ko‘nikmalar talab etiladi. Maktab o‘quvchilarining tanqidiy fikrlashini rivojlantirish uchun bahs-munozaralarni tashkil etish, o‘quvchilarga hikoya, asar, matnlarga sharhlar yozishni o‘rgatish va dars jarayonida muammoli ta’lim texnologiyalaridan foydalangan holda muammolarni guruh-guruh bo‘lib hal etishda ishtirok

etish orqali tanqidiy tafakkurni, tanqidiy fikrlash madaniyatini madaniyatini shakllantirishni o'qituvchi hisobga olish zarur.

Umumta'lim maktab o'quvchilari, shuningdek tanqidiy fikrlashning barqaror ko'nikmalariga ega bo'lmagan kattalarda tanqidiy fikrlashni shakllantirishning asosiy maqsadi ijtimoiy, ilmiy va amaliy muammolarni samarali hal qilish uchun aqliy qobiliyatlarni kengaytirishdir. Tanqidiy fikrlashni shakllantirish vazifalari o'quvchilarning yoshiga, bilim darajasi va oldingi tajribaga qarab farqlanadi. Tanqidiy tafakkuri rivojlangan o'quvchida zamonaviy axborot maydoniga tayanish layoqati tarkib topadi, ya'ni u olingan axborotlarning ishonchlilik darajasini baholash, shaxsiy mustaqil mulohazalar ishlab chiqish, tahlil qilish, muammoni ko'ra bilish hamda uning oqilona yechimini topa olish ko'nikmasiga ega bo'ladi. Bu esa o'quvchini ijtimoiy munosabatlarga tayyorlab, jamiyat hodisalariga, hayotiy muammolarga ijobiy reaksiya ko'rsatishiga olib keladi.

Ta'lim jarayonida o'quvchilarda tanqidiy tafakkurni shakllantirishda quyidagi uch komponent inobatga olinadi:

- 1) tanqidiy tafakkur yuritishga tayyorgarlik ko'rish;
- 2) intellektual (fikriy) ko'nikma va malakalar
- 3) ilgari tajriba natijasi sifatida yuzaga kelgan bilimlar.

O'quvchilarda tanqidiy tafakkurni shakllantirish komponentlarining har biriga to'xtalib o'tamiz.

Tanqidiy tafakkur yuritishga tayyorgarlik ko'rish jarayonida o'qituvchi o'quvchilarda tafakkur sifatini belgilab beruvchi ichki motivatsiyani yuzaga keltirishi lozim, ya'ni tanqidiy fikr yurituvchi o'quvchi o'z qarashlari, chiqaradigan qarorlarining qat'iy asoslangan bo'lishiga erishishi zarur, buning uchun esa:

- yangi farazlar, muqobil izohlar, manbalar va xulosalarni ishlab chiqishga intilishi;
- turli axborot va ma'lumotlardan xabardor bo'lishi;
- nuqtai nazarlarni o'rganishi, ularning o'z nuqtai nazaridan farqini bilishi;
- o'z dunyoqarashini kengaytirib borishi, har taraflama keng fikrlashga erishishi lozim.

Tanqidiy tafakkur mazmunining mohiyatini ifodalovchi ikkinchi o'ta muhim komponent intellektual (fikriy) ko'nikma va malakalardir. Tanqidiy tafakkurning intellektual malakalari tavsiflashga qaratilgan zamonaviy konsepsiyalarning asosiy negizini amerikalik tadqiqotchi E. Gleyzerning g'oyalari tashkil etadi. U ilk bor o'z fikriga ko'ra, aynan tanqidiy tafakkurga taalluqli bo'lgan qator malakalarni ajratib ko'rsatdi, bular: muammoni anglash va uning yechimini topish, zarur ma'lumot va axborotlar yig'ish va tartibga solish, tasdiqlanmagan faraz hamda bahoni oldindan anglash; til

vositalarini bilish va qo‘llashda aniqlik va tanlay bilish; ma’lumot va dalillarni izohlash, dalil-isbotlarni baholash, malakasiga ega bo‘lish, mulohazalarni o‘zaro bog‘lovchi mantiqiy aloqaladorlikning mavjudligi yoki aksincha mavjud emasligini aniqlash, aniq xulosa va umumlashmalar chiqarish hamda ularning shubhali ekanligini rad eta olish, o‘zining ishonch tizimini ishlab chiqish va kundalik hayot hodisalari to‘g‘risida to‘g‘ri mulohaza yuritish malakalari kabilar.

E. Gleyzer birinchilardan bo‘lib tavsiflab bergan intellektual ko‘nikma va malakalar keyinchalik R. Ennis, R. Pol, S. Norris, A. Fisherlar tomonidan chuqurroq tadqiq qilindi. Shunga qaramay, aynan tanqidiy tafakkurga tegishli bo‘lgan malaka va ko‘nikmalar tizimini belgilash masalasi hozirga qadar yakuniga yetgan emas. Chunki har bir tadqiqotchi xuddi tanqidiy tafakkurga o‘zining alohida ta’rifini bergani kabi, unga tegishli ko‘nikma va malakalar tizimini ishlab chiqishga ham o‘ziga xos tarzda yondashmoqda. Masalan, R. Ennis tanqidiy tafakkurning 12 ta asosiy ko‘nikma va malakalarini ajratib ko‘rsatgan bo‘lsa, R. Polning konsepsiyasida ular 35 tadan oshadi. Tanqidiy tafakkurni shakllantirishga qaratilgan so‘nggi konsepsiyalarga tayanib, uni shakllantirish va rivojlanishida quyidagi fikriy ko‘nikmalar muhim o‘rin tutadi deb hisoblaymiz:

- axborotlar manbaining ishonchliligini baholash;
- zarur axborotlarni ajratish ko‘nikmasi va uni qayta ishlab chiqish qobiliyati;
- faraz, xulosa, iqtibos, taxminlar va ishonchli qarashlarni tahlil qilish va baholash;
- nisbatan aniqroq ma’lumotlarni olish yoki tekshirish uchun savollar berish ko‘nikmasi;
- muammoni turlicha dunyoqarash, xar xil yondashuv va nuqtai nazarlarga ko‘ra solishtirish va aniqlash;
- o‘z nutai nazarini bayon etishda aniqlikka rioya qilish, til vositalarini to‘g‘ri tanlay bilish;
- qaror chiqarish va o‘z tanlovining to‘g‘riligini asoslay olish.

Qayd etilgan ko‘nikmalardan kundalik turmushda va o‘quv mashg‘ulotlarida foydalanish uchun uchinchi komponent, ya’ni muayyan bilim va tajribalarga ega bo‘lish zarur. Tanqidiy tafakkur – yangi bilimlarni o‘zlashtirish uchun avval egalangan bilimlardan foydalanishga imkon beradigan o‘ziga xos tarzda fikr yuritishdir. Bunda “bilim” tushunchasi keng ma’noda qo‘llaniladi. “Critical thinking and learning” asari muallifi M. Meyson tanqidiy tafakkurning bilimga oid komponentini quyidagicha tavsiflaydi: «...mazkur bilimlar tanqidiy tafakkurga taalluqli bo‘lgan asosiy tushunchalarni yoki natijasi tanqidiy tafakkur yuritishga olib keladigan u yoki bu ilmiy fanlarga oid bilimlarni qamrab oladi». R. Ennisning fikriga ko‘ra,

tanqidiy tafakkur fanlararo yoki fanga eltuvchi kategoriya bo'lib, deduktiv xarakterga ega bo'ladi: o'quvchilar tanqidiy tafakkurning intellektual ko'nikmalarini biror o'quv predmetiga bilvosita taalluqli bo'lmagan holatda egallashlari va turli bilimlar sohasida qo'llashlari mumkin. Ayni vaqtda, Dj. Mak Pekning ta'kidlashicha, tanqidiy tafakkur aniq bilim sohasi bilan chambarchas bog'liq bo'ladi, u yoki bu ilm sohasiga oid muammoni tanqidiy o'rganish uchun shu sohaga oid bilimlarni chuqur o'rganish zarur.

Ta'lim jarayonida o'quvchilarda tanqidiy tafakkurni rivojlantirish natijasida quyidagilarga erishiladi:

- o'quvchilar mantiqiy va tanqidiy fikrlashning qonunlari va usullari, tanqid va o'z-o'zini tanqid qilish asoslari to'g'risida bilimlarga ega bo'ladi;
- o'quvchilar tanqidiylik elementlari bilan induktiv-deduktiv mantiqiy fikrlashni o'zlashtiradi;
- tanqidiy fikrlashning mantiqiy protseduralarini tushunishga o'rgatish: tushuntirish va bashorat qilish, isbotlash va rad etish, dalillar, mulohazalar, baho berish va o'zini o'zi baholash, kabilar.

O'quvchilar turli xil bilim, ijtimoiy tajribaga ega bo'lib, faol ishlarga motivatsion, ijobiy munosabat mavjud bo'lganda vakolatlarga aylanadigan integral bilim va ko'nikmalarni o'rganishlari mumkin. O'qituvchilar o'quv jarayonida o'quvchilarning mantiqiy, muammoli, tanqidiy fikrlashga asoslangan integrativ fikrlash qobiliyatini shakllantirish vazifasini qo'yishlari mumkin.

Har qanday texnologiya singari tanqidiy fikrlashni shakllantirish texnologiyasi, boshqa aqliy faoliyat turlarini tanqidiy fikrlash uchun muhim bo'lgan xususiyatlarga asoslangan o'z qurilish qoidalariga ega. Biz yettita prinsipni aniqladik, ularning ba'zilar umumiy didaktik, qolganlari tanqidiy fikrlashga xosdir. Keling, har bir qoidaga qisqacha to'xtalamiz:

1. Ma'lum dalillarga, manbalarga, ma'lumotlarga asoslangan holda dalillar yoki rad javoblarini ishlatish uchun o'quv va amaliy materiallarning ma'lumotlarga boyligi.

2. Avvalroq, biz tanqidiy fikrlash ijtimoiy fikrlash ekanligini ta'kidladik, shuning uchun muhokama qilish uchun muammolar, vazifalar, mavzular tanlanishi tanqidiy fikrlashning ushbu o'ziga xos xususiyatini hisobga olgan holda amalga oshirilishi kerak.

3. Muammoni tushunish va muhokama qilish jarayonida kommunikativlik. Tanqidiy fikrlash bu individual va mustaqil fikrlashdir, ammo u bahs, munozara, muloqot, ommaviy nutqlarda namoyon bo'ladi, shuning uchun ishtirokchilar fikrlashining ushbu turini shakllantirish muammosini tushunishdagi kommunikativ qobiliyati muvaffaqiyat qozonishda hal qiluvchi rol o'ynaydi.

4. Materiallar tarkibidagi muammolar. Umumiy didaktik tamoyil tanqidiy fikrlashni shakllantirish texnologiyasini yaratishda asosiy narsalardan biridir.

chunki muammoli va tanqidiy fikrlash umumiy xususiyatlar, o'qitish usullari va texnikasi bilan bog'liq.

5. Bilim olish uchun motivatsiya va ehtiyoj. Umuman olganda, aqliy faoliyatning asosiy boshlang'ich nuqtasi va ongning tanqidiyligining namoyon bo'lishi, xususan, aks ettirishdir. Tanqidiy tafakkuri rivojlangan inson haqiqatni topishga, tushunishga, anglashga, haqiqatni aniqlashga yoki natijaga erishishga harakat qilishi lozim, aks holda ongning har qanday tanqidiy xususida gap bo'lishi mumkin emas. Aql va his-tuyg'ularning dangasaligi tanqidiy fikrlashni rivojlantirish uchun zaif asosdir.

6. Ilmiy, ishonchli va ochiq ma'lumotlar. Ushbu qoidani tushuntirishning hojati yo'q, shunchaki ma'lumotning aniqligini baholash qobiliyati tanqidiy fikrlash qobiliyatiga ham tegishli ekanligini ta'kidlaymiz.

7. Ta'lim tafakkurining uzluksizligi. O'quvchilar bilan olib borilgan tajribalarimiz shuni ko'rsatadiki, har qanday yoshda va maxsus tayyorgarliksiz, ma'lumotli odamlarning tanqidiy fikrlashlarini rivojlantirish mumkin, ko'plab ko'nikmalar an'anaviy o'qitish orqali shakllanadi. Biroq, ushbu jarayonning samaradorligi va uning natijasi, maktabdan boshlab va universitetda davom etadigan aqliy faoliyatning ushbu turini muntazam, izchil o'qitishda eng muhimdir.

Xulosa qilib aytish joizki, tanqidiy tafakkur murakkab va ko'p tomonlama hodisa bo'lib, uning tayanch komponentlari: tanqidiy tafakkur yo'l-yo'rig'i va unga tayyorlik, mazkur ko'nikmalarni qo'llash uchun o'ziga xos "maydoncha" vazifasini o'taydigan intellektual ko'nikma va malakalarni talab qiladi. O'quvchilarda tanqidiy tafakkurni shakllantirish va rivojlantirish uchun avvalo o'quvchilarda o'z tafakkuri sifatini yaxshilashga qaratilgan maqsadni to'g'ri qo'ya olishni rivojlantirish, muayyan fikriy ko'nikma va malakalarni takomillashtirish, ulardan o'quv faoliyati va kundalik turmushda foydalanishga tayyorlikni shakllantirish zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Zagashev I.O. Новые педагогические технологии в школьной библиотеке: образовательная технология развития критического мышления средствами чтения и письма // Библиотека в школе. – 2004. – №. 17. – S. 56-61.

2. Zagashev I.O., Zair-Bek S.I., Mushtavinskaya I.V. Учим детей мыслить критически. Издательство 2-е. – SPb: "Альянс "Delta" соvm. s izdatelstvom "Rech", 2003. – 192 s.

3. Nikolay Jevaxov. Vospominaniya tovarisha ober-prokurora Sv.Sinoda knyaza N.D.Jevaxova. Pervyy tom. IZD.TVO «Rodnik», 1993.

4. Stil Dj. L., Meredit K.S., Templ Ch. Obucheniye soobsha. Pos.V// Podgotovleno v ramkax proyekta «Chteniye i pismo dlya kriticheskogo myshleniya». – M.: Izd-vo «IOO». – 1997. – s. 35.

5. Xalpern D. Psixologiya kriticheskogo myshleniya. – SPb.: Izdatelstvo

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

“ОЛТИН ҚОБОҚ” ДОСТОНИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИГА ДОИР

М. Жўраев

филология фанлари доктори, профессор

***Аннотация.** Ушбу мақола Шеробод достончилик мактаби эпик анъанасида кенг тарқалган “Олтин қобоқ” достони сюжетининг шаклланиш тарихи масаласига бағишланган. Мазкур достоннинг ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архивида сақланаётган вариантларини қиёсий таҳлил қилиш натижасида бахшиларнинг индивидуал бадиий маҳорати ва бадиҳагўйлик санъати аниқланган. “Гўрўгли” туркумига мансуб ушбу достон сюжетининг шаклланиши халқ орасида кенг оммалашган “олтин қобоқ” номли анъанавий ўйин билан боғлиқлиги асослаб берилган.*

***Калит сўзлар:** фольклор, фольклор архиви, достон, бахши, вариант, эпик сюжет, достончилик мактаби, романик эпос, бадиҳагўйлик, поэтик матн.*

НА ИСТОРИЧЕСКИХ ОСНОВАХ “ОЛТИН ҚОБОҚ” ЭПОСА

М. Джураев

доктор филологических наук, профессор

***Аннотация.** статья посвящена к изучению истории становления сюжета эпоса «Олтин қобоқ», т.е. “Золотая тыква”, широко распространенного в эпической традиции Шерабадской дастанной школы. В результате сравнительного анализа вариантов этого эпоса, хранящихся в фольклорном архиве Института узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан, были выявлены индивидуальные художественные способности и мастерства импровизации народных сказителей. Сюжет этого эпического произведения, относящейся к сериалу «Гороглы», основан на популярной в народе игре «Олтин қобоқ».*

***Ключевые слова:** фольклор, фольклорный архив, эпос, сказитель, вариант, эпический сюжет, сказительская школа, романический эпос, импровизация, поэтический текст.*

Барча фольклор жанрлари қатори эртақда ҳам анъана асосий ўринни эгаллайди. Эртақдаги анъана бошламаларда яққол кўзга ташланади. Бошламалар ўзига хос сюжетга эгаки, уларни эртақдан ажратиб олса ҳам маъно ўзгармайди, лекин уларсиз эртақ тугал бўлмайди.

“Ўзбек халқ эртақлари”дан ўрин олган мумтоз эртақ намуналаридаги анъанавий бошламалар ҳайвонлар ҳақидаги эртақларда камрок, сеҳрли, маиший эртақларда эса кўпроқ учрайди.

Бошламаларда доимий такрорланувчи шакллар мавжуд: антоним жуфт сўзлар – бор-йўқ, оч-тўқ; ассиметрик тенгликлар – баковул-ясовул, қақимчи-чақимчи, карнайчи-сурнайчи ва ҳоказо. Бу шакллар барча типдаги эртақларда такрорланади. Бу ўзига хос оҳангдош фигураларни нима боғлаб туради? “Бир бор экан, бир йўқ экан...” жумласидаги “бир” сўзи ўрнига нега “Икки бор экан, уч йўқ экан” дейилмайди? Фикри ожизимизча, дунёда ҳар бир воқеа-ҳодиса, одамзод, ҳайвонот, наботот ва коинот оламидаги жами нарсалар тақдирига фақатгина бир марта бор бўлмоқ битилган. Тарихда ҳеч бир давр икки марта такрорланган эмас. Дунёю дуннинг ёзуғига ҳам бир марта бор бўлмоқ ва бир марта йўқ бўлмоқ битилган.

Бошламаларда энг кўп такрорланувчи сўз “экан” феъли бўлиб, ўзбек тили грамматикасида ушбу сўз ўтган замонни англатувчи феъл ҳисобланади ва иш-ҳаракат узоқ ўтган замонда рўй берганини ифодалаб келади. Бундан англашиладики, “экан” феъли эртақдаги воқеаларнинг узоқ ўтган замонларда бўлганлигини билдиради. Буни “экан” феъли исботлаб турибди. Чунки бу феъл билан ҳозирги ёки келаси замонни ифодалаб бўлмайди. Эртақни замон ва макон яратди. Шу сабабли унинг қайси замонданлиги ва қайси маконданлигининг номаълумлиги сирлилигига ишорадир. Мавҳумлик эртақнинг сеҳрли кучидир.

Кейинги жумла “оч экан-да, тўқ экан” бўлиб, бунда санок йўқлигига эътибор қаратамиз. Ризқ Оллоҳдандир, лекин унинг қанча миқдордалиги сир. Қанча оч юриш ва қанча тўқ бўлиш бу ёлғиз Яратганга аён. Ҳаётда бир марта бор бўлиш ва бир марта йўқ бўлиш аниқ, лекин қанча оч-тўқ юриш номаълум. Шу сабабли ҳам бу жумлада санок йўқ. Бутун бошли бир ҳаётнинг икки оғиз ҳақиқати шу.

Журналист ва ёзувчи Йўлдош Муқимов эртақ бошламаларини момоси Нурмомодан эшитган нақллар мисолида бундай шарҳлайди: “Одамнинг қоши бўлур, дарёнинг боши, ҳар кимсанинг дўсту йўлдоши... Худди шунингдек эртақлар айтилиши олдидан “дебочаси” айтилур, ажойибот-ғаройиботлар дарвозаси очилур... Жуда қадим замонда, кўз илғамас томонда бой ила камбағал ўтган экан. Бирида бор, бирида йўқ экан. Бири тўқ, бири оч экан”. Нурмомо эртақ дебочасининг навбатдасига ўтади: “Бўри баковул экан”... – “Баковул” овулнинг беги дегани. Қадимда овуллар, кишлокларнинг оксоколларини шундай атаганлар.

Аслида, энг қадим замонларда ошпазни “баковул” деган эканлар. Ошпаз овул ёки қишлоқда овқат тарқатувчи ёки пиширувчи бўлган. Овқат тарқатганлар ёки улашганлар эл аро энг обрў-эътиборли бўлганлар”. Унда бўри қандай қилиб баковул бўлиб қолган? Нурмомонинг нақлича, ўша кўз илғамас замонларда бир айёр бўри овулга ўз ўлжалари – қуён, товук ёки кийикми келтириб ташлайверган. Соддадил одамлар бундан беҳад хурсанд бўлиб, бўрининг айёрлигидан беҳабар уни ўзларига баковул этиб сайлашган. Овулда бўри баковул бўлганда, тулки унга ясовуллик қилган, ёрдамлашган экан. Шунинг учун бўри тулкини ўша овулга қўриқбон, посбон этиб қўйган экан. Одамлар хушёрликни бой бергач, бўри асл мақсадига ўтган, яъни қўрадан сигиру хўкизларни, қўй-эчкиларни ямламай юта бошлаган. Ҳамма овулдан бош олиб кетиб, бўри ҳам қаёққадир даф бўлган бўлса-да, бу нақл шундан қолган экан.

“Қарға қақимчи” жумласини Нурмомо “даво бағишловчи” дея изоҳлайди. Нақл қилишича, қора қуш – қарға қақимчиликни касб қилиб, одамларни даволай бошлабди. Иситма, терлама, безгак, тентак – барисини даволайверибди. Кимнингдир елкасини қоқиб, томирларини тортиб қўяр, кимнингдир бошида қанот қоқиб турар, айрим беморларни ётқизиб, теварагида гир айланиб зикр ўқир, алланималар деб таъбир тўқир, жину ажиналарни чўқир, қарғаб, тепиб ҳайдар эди. Лекин қора қушнинг қақимчилиги узокқа чўзилмади, сабаби у тузатган беморлар ўлаберди, берган гиёҳларидан заҳарланаверди. Охири эл уни қарғаб “қарға” деб ном берди, “шумоёқ”, “шумқанот” деган лақаблар олди.

Шу ўринда “қақимчи” сўзини келиб чиқишига назар ташласак. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ушбу сўзнинг “қоқимчи” шаклига дуч келдик. Сўзга шундай таъриф берилади: “Қоқимчи – қоқим қилиб даволовчи табиб. Бир бор экан, бир йўқ экан, қарға қоқимчи экан, чумчук қақимчи экан. Эртақдан”. Ушбу атама табобатга оид термин бўлиб, “табиб”, “ҳақим” сўзлари билан бирга “эмчи”, “қушноч” каби маъноларни ҳам билдиради. Лекин эртақ формуласида “қақимчи” шаклида учрайди. Бунга икки хил омил сабаб бўлиши мумкин. 1. “Қақимчи” сўзи билан қофиядош бўлиши учун; 2. Аслида қипчоқ лаҳжасида “қоқимчи” деб тўғри талаффуз қилинган сўз кейинроқ “о” ҳарфининг “а”лашган варианты бўлиши мумкин.

Чумчуқнинг қақимчилиги сабаби унинг одамларга содиқ бўлмагани билан изоҳланади. Ривоятга кўра, чумчук ҳам худди қалдирғоч каби одамларга яқин яшаган, аммо у синовга чидамай, у уйдан бу уйга гап ташиб, қақимчилик қилган. Охири чумчуқнинг қилмиши фош бўлгач, одамлар уни тушовлаб, боғлаб қўйган. Бироқ безори чумчук ипни узиб қочади, аммо оёғидаги тушов ечилмай қолади. Шунинг учун чумчуқлар сакраб-сакраб юрар, емиш кўрса тўрт томонга аланглаб, апил-тапил дон

чўқир экан.

“Ғоз карнайчи экан, ўрдак сурнайчи экан” иборасини Нурмомо ғозу ўрдакларнинг одамларга тақлид қилганидан келиб чиққан дея таърифлайди. Одамларнинг тўй-томошаларда карнай-сурнай чалганини кўрган кушлар “Биз ҳам Яратгандан орзуларимизни шу тариқа сўрайлик, хоҳласак ерда, хоҳласак сувда сузайлик, осмонда учайлик” дея “ға-ға-ға”лашар экан.

Й.Муқимов “Тошбақа тарозибон экан, қурбақа ундан қарздор экан” нақлини бадий бўрттириб ифодалайди. Нурмомо тилидан айтилган ушбу ибора таърифнинг ўзи бир эртак. Унга кўра “қадим замонларда тошбақа ва қурбақа ҳали инсон қиёфасида бўлган пайтларда бир-бирини севишаркан. Тошбақа беклар авлодидан, қурбақа эса малика экан. Уларни унаштирибдилар. Куёв томон келинга карвон-карвон сандиқлар, совға-сарпо юбораверибди, келин эса яна шунча сарпо сўрайверибди. Қарашса, хазина бўшаб қолибди. Бу орада ота оғир дардга чалиниб, вафот этибди, бекзодани эса хазинани совурди деб юртдан ҳайдашибди. Бекзода бошқа юртда қассобчилик билан шуғуллана бошлабди, аммо тарозидан уриб қоларкан. Бир куни бир бечора кампир унинг шу қилмиши учун қарғабди: “Илоё тарозингни икки палласи икки ёғинга ёпишиб, тўрт оёқли маҳлуқдай эмаклар қол”. Кампирнинг ноласи Яратганга етиб бориб, қассоб тош қалпоқлар исқанжасига тушиб, ер бағирлаб юрадиган тошбақага айланибди ва чўлу биёбонга бош олиб кетибди. Эл аро “Хурбека” дея танилган малика эса бошқа шахзодаю бекзодалардан қоп-қоп сарпо-суруқ олар экан-у, лекин ваъдасида турмас экан. Норози бўлган халқ уни ҳам қарғабди. Гўзал малика бир куни тонгда бадбашара бўлиб уйғонибди. Эллар аро донғи кетган малика юзлари буришган, кўзлари бақрайган, ҳалқуми шишган қурбақага айланибди. “Хурбека” дея аталган эъзозли ном “қурбақа”га айланибди ва унинг жойи сассиқ ботқоқ бўлибди” .

Асарда эртакнинг зачин қисми юқоридаги каби бадий образлар орқали ифодаланганини кўриш мумкин. Бундай шаклларни маросим фольклорида ҳам кўплаб учратиш мумкин, демак эртак бошламаларидаги лирик шакллар ҳам қадимда эртак айтиш маросимига киришиш, тараддудланишни билдирган. “Эртак эпосининг эрта шаклланиш босқичларида инициал ва финал формулалар магик аҳамият касб этган, аммо кейинги йилларда бошлама ва тугалламалар кулгули, кишига завқ берувчи шаклга тушиб қолган” . Буни, ўз навбатида, эртакнинг тунда айтилиш шарти, эртакчиларнинг магик ҳаракатлари, эртакдаги чегаравий формулалар ҳамда ўзгармас қолип сўзлар ҳам исботлайди. Эртак қанча қадимий бўлса, унд анъана ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Лекин эртакдаги қадимий шаклларни ўзида сақлаб келаётган асосий фи-

гура – эртақчига кўп нарса боғлиқ. Чунки трансформатор ҳисобланган ижодкор ижрочи юқоридаги шаклларни аудитория қайфиятига қараб чўзиброқ айтиши ёки қисқартиши мумкин.

Эртақлар бошламасида эпик макон ва замон ноаниқ шаклда “Бор экан-да, йўқ экан, қадим замонда...” кўринишида келади. Кўринадики, бу хусусият эртақни жанр сифатида шакллантирувчи белгилардан бири бўлиб хизмат қилади. Бундай талқин фольклорнинг бошқа жанрларида қўлланилмайди. Эртақларнинг кириш қисми асосий матнга боғланмаган бўлади, шу сабабли уларни алоҳида ўрганиш мумкин. Бошламалар эртақчи ва тингловчиларнинг ўзаро мулоқотга киришиш воситаси бўлиб, ўзига хос динамик кучга эга. Зачинни “ушлаб турувчи” феъл шакллари “бор экан”, “йўқ экан”, ...яшаган экан” бўлиб, бу сўзлар кўпроқ бош қаҳрамоннинг ота-онасига боғланиб келади: “Бор экан-у, йўқ экан, замонларнинг замонида бир подшо яшаган экан. Унинг бир ўғли бор экан”. Эртақ бошламасида иштирок этувчи персонажларнинг ижтимоий мавқеи – подшо, бой, чол, кампир, деҳқон, камбағал ва ҳоказо. “Бор экан-у, йўқ экан, қадим замонда бир чол билан кампир яшаган экан. Улар жуда камбағал экан. Чол билан кампирнинг фарзанди йўқ экан”. Бундай зачинлар бир вақтнинг ўзида эртақдаги воқеалар ривожига замин яратади.

Бошламалардаги кейинги битишув ота-оналарнинг нимаси бор-у, нимаси йўқлиги ҳақида кетади: “Қадим замонда бир бой яшаган экан. У бойнинг фарзанди йўқ экан”, “Қадим замонда бир подшо бор экан. У подшонинг қирқта хотини бор экан”.

Бошламаларнинг шаклий тузилиши барқарор эмас, балки ўзгарувчан бўлиб, у ҳикоя қилнаётган воқеанинг “бир замонда”, “замонларнинг замонида”, “бурунги замонда”, “кунлардан бир кун”, “эски замонда”, “узок ўтган замонда”, “қадим замонда”, “ўтган замонда” содир бўлганидан дарак беради.

Шунингдек, эртақларнинг кириш қисми сюжет воқеалари билан алоқадор эмас, асосан хабар функциясини адо этади. Бир-бирини инкор этувчи “бор экан, йўқ экан” жумлалари ноаниқ сирлилик, умумийликни англаиб, воқеаларнинг уйдирма эканидан дарак беради. Энг муҳими, ижрочи ҳам, тингловчи ҳам эртақни ҳақиқат эмас, ёлғон, деб билади. Бундан ташқари, “бор бўлиш учун яшаш” мавзуси деярли барча эртақлар тематикасига хос. Барчаси шу принцип атрофида бирлашади.

Эртақларнинг бошламаси сюжетнинг алоҳида қисми бўлиб, унинг мукамал намунаси профессионал эртақчилар репертуарида учрайди. Бошламалар анъанавий формула шаклини олган ва улар эртақнинг тимсолий маъносига ишора қилади. “Эртагию эртаги, эчкиларнинг бўртаги, қирғовул қизил экан, куйруғи узун экан, кўк музга минган экан, мурути

синган экан, ғоз карнайчи экан, ўрдак сурнайчи экан, ола қарға азончи, қора қарға қозончи, чумчуқ чақимчи экан, тўрғай чорловчи экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, эртагимни эри бор, етти кунлик ери бор, етти кунлик ерида думи калта бўри бор” . Профессионал ижрочи Ҳайдар Бойчаев репертуаридаги бундай бошламанинг вазифаси эртақнинг таъсир кучини ошириш, хаёлий фон яратиш, тингловчини эртақ тинглашга жалб этишдан иборатдир.

Шунингдек, эртақнинг кириш қисми рамзий маъно касб этиб, ҳазиломуз, тимсолий тўқималарга бойлиги билан ажралиб туради. “Бор экан-у, йўқ экан, оч экан-у, тўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қарға қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан, тошбақа тарозибон экан, қурбақа ундан қарздор экан” , “Бор экан-у, йўқ экан, оч экан-у, тўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қарға қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан, ғоз карнайчи экан, ўрдак сурнайчи экан, товук тоқ этди, билмадим қаёққа кетди” . Мана шундай анъанавий бошламаларни наманганлик эртақчи Султонхожи Раҳимов бисотидаги ҳар бир эртақда учратиш мумкин.

Эртақларда бошламалар анъанавий формула шаклида бўлиб, асосан воқеа вақти ва маконини аниқлатади. Эртақ сюжети доимо ўтган замонда рўй берса-да, улар чалқаш ва тартибсиз эмас, балки аниқ ва мантиқан бир-бири билан боғлиқ воқеалар тизимидир. “Эртақ сюжетига сарфланадиган эпик замон доирасида икки хил вақт кузатилади. Уларнинг бири реал вақт, иккинчиси эпик замондир. Эпик замон реал вақт сингари чексиз эмас. Унинг чегаралари сюжет воқеалари доирасига тенг келади. Сюжет воқеалари тугаши билан эртақ вақти ҳам тугайди” . Дарҳақиқат реал вақт эртақчи учун бўлса, эпик замон эртақ воқеалари учун ажратилган муддатни билдиради.

Инициал формулада келадиган “қадим замон” воқеа ва ҳодисаларнинг узоқ ўтмишга тегишлилигини, шу билан бирга ҳеч қайси замонга тааллуқли эмаслигини ҳам ифодалайди. Чунки эртақдаги воқеалар “туя ёнғоқ думалатиб, эчки уни терганда, юртга одам, ўрмонга айиқ, сувга балиқ, тоққа аждарҳо подшолик қилганда” юз беради .

Бошламаларда персонажлар тизими, уларнинг касб-кори айтиб ўтилади: “Ўтган замонда уч оғайни бор экан, тўнғичининг оти Юлдузсанар, ўртанчасининг оти Дарёбоғлар, кенжасининг оти Қиличқора экан” , “Бир бор экан, бир йўқ экан, ўтган замонда бир подшо бор экан. Унинг Баҳром деган биттаю битта ўғли бор экан. Бу бола ёшлигидан ҳунар ўрганишга кизиқиб, темирчилик, дурадгорлик, тивувчилик, сартарошлик каби олтмиш тўққиз ҳунарни ўрганибди” .

Бундан ташқари, бошламалар баъзан воқеа юз берган макондан хабар беради. Бу ҳодиса эртақнинг пайдо бўлган жойини англатиши мумкин. “Қадим ўтган замонда, Хоразм мамлакатада бир подшо бор экан”, “Ўтган замонда Қўқон шаҳрида бир подшо яшаган экан”, “Бир бор экан, бир йўқ экан, ўтган замонда Балх шаҳрида Маҳмуд деган бир ямоқчи қари онаси билан яшар экан”, “Ўтган замонда Самарқандда бир катта бой ўтган экан”, “Ўтган замонда Ўзган томонда Каримбой деган бадавлат киши ўтган экан”, “Қадим замонда Бухоро шаҳрида Хондархон деган подшо ўтган экан”, “Бор экан, йўқ экан, Қўқон томонда Янгиқишлоқ билан Тошкент гузари ўртасида Тожиқишлоқ деган жой бор экан”, “Хивада Эралихон деган подшо ўтган экан”, “Қадим замонда Ўзган шаҳрида Тўйдибой деган бир одам ўтган экан”, “Қадим замонда Фарғона мамлакатада Одилхон деган бир подшо ўтган экан”. Бундай бошламалар маиший мавзудаги эртақларда кўпроқ учрайди. Эртақларда келтирилган аниқ макон номлари аксарият ҳолларда инсоният маданияти тарихида ном қолдирган машҳур шаҳар ёки мамлакат бўлиб, шу жойлар халқ ижтимоий ҳаётида катта роль ўйнаганини ҳам билдиради.

Маиший эртақларда кириш қисми ҳажман қисқа, воқеликни аниқ, тўлиқ, мазмунан ҳаётини ифодалайди. Бошламада воқеа юз берган маконни кўпинча конкрет эмас, номсиз, анъана шаклида “бир шаҳар”, “бир мамлакат” тарзида тавсифлайди. “Бир бор экан, бир йўқ экан, ўтган замонда, бир шаҳарда бир кал бор экан”.

Шунингдек, зачинлар маиший эртақларда персонаж касб-кори, ўзига хос хусусиятидан хабар беради. Воқеа вақтини англатган жумла яқин ўтган замонни билдириб, ҳаётини ифодалайди. “Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда ўнта ака-ука қариндошлар бор экан. Уларнинг тўққизтаси дангаса, биттаси абжир экан, ҳаммасининг касби аравасоз экан”, “Бир замонда Соқи мумсик билан Боқи мумсик деган икки киши яшаган экан”, “Бир қози билан, бир камбағал бор экан. Қозининг лақаби “эшак”, камбағалнинг лақаби кал экан”. Бу хил бошламалар эртақнинг ҳажвий характерини белгилаган. Фольклоршунос К.Имомов бу ҳақда шундай аъкидлайди: “Маиший эртақларда тасвирланган қаҳрамонлар реал, ҳаётда мавжуд камбағал қосиб, хизматкор, бой, қози, домлаларнинг прототиплари сифатида юзага келган. демак, эртақ қаҳрамонларининг тарихий асослари бир томондан, мифологик образ, аجدодлар культига бориб тақалса, иккинчи томондан реал шахсларга бориб боғланади”

Бошламасиз келган эртақларда ҳаракат воқеликнинг ўзидан бошланади. “Бир камбағал чол дашт-биёбонлардан ўтин териб, уни сотиб кун кўрар экан”, “Бир деҳқон кўш ҳайдаб турган экан, подшонинг

кушбегиси от миниб катта йўлдан ўтиб қолибди” , “Бир тентакка отасидан подшолик мерос қолибди. У тентак гап-сўзга йўқ экан” , “Бир куни етти аҳмоқ бозорга чиқишибди” , “Подшонинг ёлғиз бир ўғли бор экан, йиллар ўтиб, подшонинг ўғли улғайибди. Бир куни у тушида бир қизни кўриб, ошиқ бўлиб қолибди” , “Кунлардан бир кун бир камбағал деҳқон қариган чоғида ўғли Рафиқни ҳунар ўргатиш учун дурадгорга шогирд қилиб бериб, одат бўйича “Эти сизга, суяги бизга, шу болани сизга топширдим” дебди” , “Бир чўпон даладан қайтаётганда, катта ариқнинг нариги ёғидаги тўқайга ўт кетганини кўрибди” , “Чивинбой учиб борди-да, янтоқ устига қўнди. Янтоқнинг тикони унинг тумшугига кирди” , “Бир куни тулкибой чангалзорда овқат қидириб юриб бир ангишвона топиб олибди” , “Чумчуқ учиб кетаётди, йўлдан бир ғўза топиб олибди” каби бошламаларда эртақ тугуни шу қисмда юз беради . У воқеаларни ҳаракатлантиради, унинг ривожини, ечимини таъминлайди. Тугун оддий, лўнда ифодаланган, воқеаларга сабабчи ҳодисани белгилайди. Бундай бошламалар кўпроқ маиший эртақларда учрайди, содда ва ҳаётий бўлади.

Адабиётлар рўйхати

1. Зеленин Д.К. В статье “Религиозно-магическая функция фольклорных сказок” // К 50-летию научно-общественной деятельности. – Л., 1934. – С. 218.
2. Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Т.: Б.110
3. Қодиров К. “Ўзбек сеҳрли эртақларида замон ва макон талқини” ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т.: 2004. – Б. 11.
4. Муқимов Й. Оталар сўзи. – Тошкент: Маънавият, 2011. – Б. 44.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Қ ҳарфи – Т.: 2006. – Б.355.
6. Элзод билан Гулхумор. Гулиқоҳқаҳ. – Т., 1988. – Б. 126.
7. Ўзбек халқ эртақлари. – Т.: 2013 Ўқитувчи. “Камбағал қиз” эртаги. Б.100. “Соҳибжон билан Аҳмаджон” Б. 186. “Девбачча”. Б. 158. “Ялтиллама сопол товоқ”. Б. 150. “Тулки билан товус” эртаги Б. 60. “Соҳибжон билан Аҳмаджон” эртаги. Б. 186. “Бўри билан мерган” эртаги. Б. 20. “Қиличқора” эртаги Б. 370. “Баҳром ва Шерзод” эртаги. Б.27. “Шаҳзода Асад”. Б. 260. “Жонон пиёла” эртаги Б.9. “Маҳмуд ямоқчи” эртаги. Б.79. “Нурилла бойвачча” эртаги. Б.81. “Каримбой билан хизматкор” эртаги. Б. 107. “Тухмат балоси” эртаги. Б.120. “Гаранг” эртаги. Б. 193. “Эралихон ва уч ўғри” эртаги. Б.231. “Тўқлибой” эртаги. Б. 264. “Бектемир ботир” Б.350. “Бахтли кал” Б. 165. “Тўққиз дангаса” Б. 366. “Боқи мумсик билан Соқи мумсик” Б. 112. “Деҳқон”. Б. 115. “Тентак подшо”, Б. 143. Етти аҳмоқ. Б. 174. Ҳунарнинг хосияти. Б. 38. Илоннинг иши заҳар солмоқ. Б. 42. Чивинбой. Б. 67. Тулкибой. Б. 70. Чумчуқ. Б. 58.

O‘ZBEK VA NEMIS PAREMIOLOGIYASIDAGI IKKI KOMPONENTLI MAQOLLAR

F. S. Bafoyev

O‘zR FA O‘zbek tili, adabiyoti va folklori instituti tayanch doktoranti

Annotatsiya: Maqolada xalq maqollarining strukturasi tadqiq etilgan. Bu borada folklorshunos olimlar fikrlari va qarashlari o‘zaro qiyoslangan, tahlil qilingan va muayyan xulosalarga kelingan. Xalq maqollari komponentlar nuqtai nazaridan qayta tasnif etilgan. Tuzilish jihatidan qo‘shma deskriptivli maqollarning o‘ziga xos xususiyatlari, semantik munosabatlari qiyosiy metod orqali tahlil etilgan. Maqolada qo‘yilgan masalalar o‘zbek va nemis xalq maqollari misolida o‘rganilgan va xulosalar chiqarilgan.

Калит со‘злар: maqollar strukturasi, sodda deskriptivli maqollar, qo‘shma deskriptivli maqollar, oddiy ziddiyat, murakkab ziddiyat, maqol “tema”si va “izoh”i.

ДВУХКОМПОНЕНТНЫЕ ПОСЛОВИЦЫ В УЗБЕКСКОЙ И НЕМЕЦКОЙ ПАРЕМИОЛОГИИ

Ф. С. Бафоев

докторант Института узбекского языка, литературы и фольклора
Академии наук Республики Узбекистан

Аннотация: В статье исследуется структура народных пословиц. Сравниваются, анализируются мнения и взгляды фольклористов, делаются определенные выводы. Народные пословицы переклассифицированы по составной части речи. Структурные особенности составных описательных предложений анализируются сравнительным методом семантических отношений. На примере узбекских и немецких народных пословиц исследованы вопросы, изучаемые в статье, и сделаны выводы.

Ключевые слова: структура предложения, простые описательные предложения, сложные описательные предложения, двухкомпонентные единицы, простое противоречие, сложное противоречие, «тема» и «комментарий» пословиц.

TWO-COMPONENT PROVERBS IN UZBEK AND GERMAN PAREMIOLOGY

F. S. Bafoyev

doctoral student at the Institute of the Uzbek Language, Literature and Folklore of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Abstract: The article examines the structure of folk proverbs. The opinions and views of folklore scholars are compared, analyzed and certain conclusions are drawn. Folk proverbs are reclassified in terms of component



speech. The structural features of compound descriptive sentences are analyzed by a comparative method of semantic relations. The issues studied in the article are studied on the example of Uzbek and German folk proverbs and conclusions are drawn.

Key words: *sentence structure, simple descriptive sentences, compound descriptive sentences, two-component units, simple contradiction, complex contradiction, proverb's "topic" and "comment".*

Xalq og‘zaki ijodidagi har bir janr uni yaratuvchisi bo‘lgan xalqning madaniyati, dunyoqarashi, milliy o‘ziga xosligini ko‘rsatuvchi ko‘zgidir. Ularni qiyosiy jihatdan o‘rganish, targ‘ib qilish bugungi kun folklorshunoslik fani oldida turgan muhim vazifalardan sanaladi. Xususan, folklorning o‘ziga xos janrlaridan bo‘lgan xalq maqollarini qiyosiy jihatdan o‘rganish xalqlar orasidagi madaniy aloqalarni yanada mustahkamlashda muhim vosita bo‘lib xizmat qiladi.

Xalq maqollari strukturasi ularning g‘oyaviy-badiiy xususiyatlarini ochib beradi, tildan-tilga o‘tishi va yashovchanligini ta‘minlaydi. Shu sababli ham ularning strukturasi chuqur o‘rganish paremiologiya ilmining muhim vazifalaridandir. Turli xalq maqollari tuzilishini qiyosiy jihatdan o‘rganish esa muayyan xalq folkloridagi janriy o‘ziga xosliklarni aniqlash, xulosalar chiqarishda katta yordam beradi. Shu sababli ham biz ushbu maqolada maqollar strukturasi e‘tibor qaratib, o‘zbek va nemis folkloridagi ikki komponentli maqollarni qiyosiy jihatdan tahlil etdik. Mavzuni yoritishda analiz va sintez, qiyosiy-tipologik tahlil kabi metodlardan foydalandik.

Shu paytga qadar o‘zbek folklorshunosligida xalq maqollarining strukturasi fundamental jihatdan o‘rganilmagan. Ba‘zi tadqiqotlarda maqollar tuzilishi haqidagi tahlillarga o‘rib berilgan[11,12]. M.A. Cherkasskiy “Funksional modellarni tuzish tajribasi” maqolasida har bir maqol biri ikkinchisiga qarama-qarshi turuvchi ikki qismdan iborat tuzilishga ega ekanligi, bulardan biri muayyan xabarni o‘zida mujassam etgan semiotik fokus bo‘lsa, ikkinchisi yagona matnda mavjud bo‘lgan, turli vaziyatlar uchun mos keluvchi semiotik fondan iborat ekanligi ko‘rsatiladi [18:47]. Ammo bu “qolip“ hamma maqollar strukturasi ham to‘g‘ri kelavermaydi va izohda aniqlik yetishmaydi. Maqollar strukturasi belgilash va tasniflashda Kaliforniya universiteti professori Anal Dandis qo‘llagan metod e‘tiborga sazovor. U maqollarni bir tema (mavzu) va bir izoh (tahlil) ga ega bo‘lgan deskriptiv elementlar asosida tavsiflaydi[5:21]. Tadqiqotchi fikricha, har qanday maqol kamida ikki qismdan iborat bo‘ladi. Bular hukm uchun asos qilib olingan voqelikni harakatlantiruvchi kuch, vosita - kishi, narsa yoki hodisa hamda uni amalga oshirilishi (yoki oshirilmaligi) uchun asos. Masalan, “Issiq jon isitmasiz bo‘lmas“ maqolida „issiq jon“ voqelikni harakatlantiruvchi kuch, vosita, “isitmasiz bo‘lmas”ligi esa hukmni amalga

oshirilish asosi. Olim M.Kuusi ushbu ikki qismni, ya'ni "mavzu"ni subyekt yoki obyekt, "izoh"ni esa "predikat" deb ko'rsatib o'tadi. Bizningcha, ushbu ikki qismni "mavzu" va "izoh" kabi qismlarga ajratish sodda va tushunarlidir. Odatda, maqoldagi ushbu ikki tarkibiy qism (mavzu, izoh) bir so'z yoki so'z birikmasidan iborat bo'lishi mumkin. Masalan, "O'ylamagan o'kinar", "Yangini eski topar" o'zbek maqollarida "mavzu" (o'ylamagan, yangini) bir so'zdan tashkil topgan, "Maslahatsiz ish – o'rinsiz tashvish", "Besh qo'l og'izga sig'mas" maqollarida "tema" (maslahatsiz ish, besh qo'l) so'z birikmasidan iborat. Xuddi shuningdek, nemischa "Geld regiert die Welt" (Pul dunyoni boshqaradi) maqolida „mavzu“ (pul) bir so'zdan iborat bo'lsa, "Kleine Geschenke erhalten die Freundschaft" (Kichik sovg'alar do'stlikni saqlab qoladi) maqolida "mavzu" (kichik sovg'alar) so'z birikmasidan iborat.

Shunday qilib, maqollarni struktura jihatidan A.Dandis ta'biri bilan aytganda, bir deskriptivli va ikki hamda undan ortiq diskriptivli birliklarga ajratish mumkin. Masalan, bir deskriptivli "Do'st kulfatda bilinadi", "Bolali uyda sir yotmas", "Hisobli do'st ayrilmas"; ikki deskriptivli "Avval o'yla, keyin so'yla", "Yoridan ayrilgan yetti yil yig'lar, Yurtidan ayrilgan o'lguncha yig'lar", "Do'st achitib gapirar, dushman – kuldirib"; uch deskriptivli "Yomon erga mol bitsa, Yoniga qo'shni yo'latmas, Yo'latsa ham tindirmas"; to'rt deskriptivli "Yomon bilan yursang, yomon bo'lasan, yaxshi bilan yursang, omon bo'lasan", "Arzon bo'lsa, oluvchidan insof ketar, qimmat bo'lsa - sotuvchidan". Bizningcha esa maqollarni tuzilishiga ko'ra quyidagicha tasniflash masqadga muvofiq:

- a) sodda deskriptivli;
- b) qo'shma deskriptivli;
- c) murakkab deskriptivli.[2:655]

Bularning birinchisiga bir "mavzu" va "izoh"dan iborat maqollar, ikkinchisi – qo'shma deskriptivliga ikki "mavzu" va "izoh"dan iborat maqollar va nihoyat, uchinchi guruhga ikkidan ortiq "mavzu" va "izoh"dan iborat maqollar kiradi.

Masalan, nemis paremiologiyasidagi "Der Appetit kommt beim Essen"[6:80] (Ishtaha ovqat paytida keladi), "Abwechslung macht Appetit" (Rang-baranglik ishtaha ochadi), "All Ding währt seine Zeite" (Hamma narsaning o'z vaqti bor) kabi maqollarni bir deskriptivli; "Arbeit gibt Brot, Faulheit gibt Not" (Mehnat rizq keltiradi, dangasalik qayg'u keltiradi), "Adel sitzt im Gemüt, nicht im Geblüt" (Oliyjanoblik qonda emas, qallda bo'ladi), "Armen haben Kinder, Reiche haben Rinder" (Kambag'alning bolalari, boylarning mollari bor) kabilar qo'shma deskriptivli; "Das ist das Leiden in der Welt, der eine hat den Beutel, der andere hat Geld" (Bu dunyo azobli, kimdir karmanga ega, boshqasi pulga ega), "Glaube nicht alles, was du hörst, sagt nicht alles, was du weißt, gib nicht alles, was du hast, verlange



nicht alles, was du siehst, tue nicht alles, was du kannst” (Eshitganlaringni hammasiga ham ishonma, bilganlaringni hammasini aytma, o‘zingda borini hammasini berma, ko‘rgan narsangni bo‘rttirma, qo‘lingdan kelgan hamma narsani bajarma), “Glück macht Freude, Unglück prüft Glück und Glas wie leicht bricht das” (Baxt quvonch keltiradi, baxtsizlik baxtni sinovdan o‘tkazadi, u xuddi shishadek oson sinadi) kabilar esa murakkab deskriptivli maqollar sirasiga kiradi. Kuzatuvlarimiz natijasi shuni ko‘rsatadiki, o‘zbek xalq maqollarining asosiy qismini qo‘sh, ya‘ni ikki deskriptivli maqollar tashkil etsa, nemis paremiologiyasida esa sodda deskriptivli maqollar asosiy o‘rinni egallaydi. Murakkab deskriptivli maqollar esa har ikkala xalq paremiologiyasida juda kam uchraydi.

Endi esa maqol deskriptivlari orasidagi munosabat masalasiga to‘xtalib o‘tsak. Maqollardagi “mavzu” va “izoh” orasidagi mazmuniy-mantiqiy munosabat asosan ikki xil shaklda bo‘ladi. Ushbu holatni A. Dandis noziddiy (to‘g‘ri) va ziddiy (qarama-qarshi) munosabat deb atagan [12:43]. “Noziddiy munosabat maqolning “mavzu”si bilan “izoh”i o‘rtasidagi mantiqiy mutanosiblikka asoslanadi. Ya‘ni deskriptivdagi “izoh” “mavzu”ning semantik tasdig‘i sifatida yuzaga chiqadi” [12:48]. Ya‘ni maqol “mavzu”sida ilgari surilgan fikr, hukm “izoh” orqali mantiqiy mustahkamlanadi. Bu holatda biror hayotiy misol, kuzatish orqali beriladi. Masalan, “Birlikda baraka bor” [15:8] maqolida “izoh” qism (baraka bor) “mavzu”dagi fikr (birlik) tasdiqlash orqali kontekstdagi mazmuni yuzaga keltiryapti. Bu holatni nemischa “Lügen haben kurze Beine” (Yolg‘onning oyog‘i qisqa) maqolida ham kuzatishimiz mumkin. Maqol “izoh” (“oyog‘i qisqa”) ida “mavzu” (yolg‘on)ning sifati ochib berilmoqda. Yolg‘onning oyoqlari qisqaligi, kichikligi va bu orqali u uzoqqa bora olmasligi, tez orada “qo‘lga tushishi”, oshkor bo‘lishi, umrining qisqaligi tasdiq shaklida, xabar berish orqali istioraviy yo‘l bilan ochib berilmoqda. Ushbu tipdagi maqollar strukturasi “A=B” modeliga asoslangandir.

Deskriptivlar orasidagi semantik bog‘lanishning ikkinchi turi esa mantiqiy ziddiy munosabatdir. U deskriptiv “mavzu”si bilan “izoh”i o‘rtasidagi nomutanosiblikni, mantiqiy inkorni bildiradi. Masalan, o‘zbekcha “Bugungi ishni ertaga qo‘yma”, “Nomardda nomus bo‘lmas” maqollari, nemischa “Das Heute soll dem Morgen nichts borgen” (“Bugun ertaga qarzga berilmaydi”), “Schönheit kann nicht essen” (“Go‘zallikni yeb bo‘lmaydi”) maqollarida “bugungi ishni><ertaga qo‘yma”, “nomardda><nomus bo‘lmas”, “bugun><qarz berilmaydi”, “go‘zallikni><yeb bo‘lmaydi” so‘zlari mantiqiy ziddiyatni vujudga keltirgan. Ushbu mantiqiy ziddiy munosabatning umumiy modeli esa “A><B” shakli bilan ifodalanadi. Ushbu maqolamizda ikki diskriptivli maqollardagi sematik bog‘lanish turlari va tuzilishiga kengroq to‘xtalamiz.

Ikki komponentli maqollarda esa bunday tuzilishning turli shakllarini

uchratiş mumkin. Chunki ular ma'no va shakl jihatidan ancha murakkab tuzilishga ega bo'ladi. B.Soatov o'zigacha maqollar strukturasi o'rgangan olimlar fikriga tayangan holda, noziddiy munosabat bilan birikkan maqollarni "A>B" yoki "B<A" tuzilishiga ega bo'lishini ta'kidlaydi. Bunda "A" maqolda ilgari surilgan asosiy fikr "mavzu"ni ifodalasa, "B" fikrni to'ldirib keluvchi yordamchi vosita – "izoh"ni bildiradi. Ammo bizningcha, qo'sh komponentli(deskriptivli) maqollarni bunday formula asosida belgilash tahlil jarayonida chalkashlikni keltirib chiqarishi mumkin. Boisi, har bir komponent ichki tuzilishiga ko'ra, "mavzu" va "izoh"ga bo'linadi. Oldingi tahlillarda "mavzu" ni "A", "izoh"ni "B" shaklda belgilab olish qabul qilingani haqida aytib o'tgan edik. Shu sababli bir necha komponentli maqollarning har bir komponentini yana "A" yoki "B" shaklda izohlashni ma'qul ko'rmadik. Bizningcha, har bir komponentni "AB" tarzida belgilab olish maqsadga muvofiq. Komponentlar orasi esa "<", ">", "=" va "→" belgilari bilan ajratiladi. Biz tahlillarimiz davomida shu shaklda belgilashdan foydalanamiz.

B.Soatov ikki komponentli noziddiy munosabat asosida birikkan maqollarni garchand ikki komponentdan iborat bo'lsa-da, mazmunan bitta butunlikni tashkil etishini ta'kidlab o'tadi. Masalan, o'zbekcha "Ayron osh bo'lmas, Nodon – bosh", nemischa "Den Esel kennt man an den Ohren, an die Rede den Toren"("Eshakni qulog'idan taniydilar, ahmoqni – so'zidan") maqollarida kontekstda aytilmoqchi bo'lgan asosiy fikr(nodon odamning jamoaga bosh(rahbar) bo'la olmasli, ahmoq odamni aytgan so'zidan tanish mumkinligi) ikkinchi komponentda ifodalanmoqda. Birinchi qism esa ikkinchi komponentda ilgari surilayotgan fikrni obrazli ifodalash uchun yordamchi vosita vazifasini o'tayapti. Bunday tuzilishdagi maqollar "AB<AB" shaklida ega. Bu noziddiy munosabatli maqollarning birinchi tipi. (Buni B.Soatov A<B formulasi orqali ifodalangan.)

Ikki komponentli maqollarning ikkinchi – "AB>AB" tipiga esa o'zbeklardagi "El egasiz bo'lmas, To'n – yoqasiz", nemis folkloridagi "Der Mensch ist zur Arbeit geboren, wie der Vogel zum Fliegen"("Odam mehnat uchun tug'ilgan, Qush uchish uchun") maqollarini misol sifatida keltirish mumkin (Bunda asosiy fikrni beruvchi komponent tomonga "kattalik" belgisi qo'yiladi). Ularda asosiy fikr birinchi komponentda ifodalangan, ikkinchi komponent esa kontekstdagi fikrni to'ldirish, boyitish uchun xizmat qilgan. Kuzatuvlarimiz natijasida shu narsa ma'lum bo'ldiki, bunday tipdagi ma'qullar har ikki xalq ijodida ham juda kam uchraydi. Boisi, fikriy xulosa, odatda, so'z yakunida chiqariladi va bu esa tinglovchi e'tiborini ko'proq tortadi, hissiy ta'siri ham ko'proq bo'ladi.

Ikki komponentli maqollarni mazmun va tuzilish jihatidan tavsiflashda folklorshunos B.Sarimsoqov fikrlari juda ahamiyatli. Olim ikki komponentli maqollarning struktural-semantik xususiyatlarini kuzatar ekan, ularni ikki

tipga ajratadi:

“1. Birinchi komponenti qiyoslash, qarama-qarshi qo‘yish yoki o‘xshatish uchun xizmat qiluvchi, ikkinchi komponenti esa asar zaminida yotgan asosiy fikrni ifodalovchi maqollar.

2. Har ikki komponenti ham maqol semantikasini tashkil etishda teng ishtirok etuvchi maqollar”[11:350].

Haqiqatdan ham, ushbu ikki tip biz yuqorida tahlil etgan qo‘sh deskriptivli maqollarning mazmun jihatidan asosiy semantik-struktural shakllarini o‘zida ifoda etadi. Ushbu tasnifdagi birinchi tipga biz yuqorida tahlilga tortgan – “AB>AB” tuzilishli “Suvning oqishiga qara, Xalqning xohishiga qara” yoki “Qush qanoti bilan tirik, Odam — mehnati bilan” kabi maqollarni kiritish mumkin. Ushbu tipdagi maqollarda birinchi deskriptiv (Suvning oqishiga qara, Qush qanoti bilan tirik) ikkinchi qismda ilgari surilayotgan asosiy fikrni qiyoslash orqali to‘ldirishga xizmat qiladi. Bu holatni biz nemis xalq maqollarida ham kuzatishimiz mumkin. Masalan, “Arbeit bringt Brot, Faulheit Not” (Mehnat non keltiradi, dangasalik muhtojlik), “Scharfe Schwerter schneiden sehr, scharfe Zungen noch viel mehr“ (O‘tkir qilichlar yomon kesadi, o‘tkir tillar esa yanada yomonroq) maqollarida birinchi komponentlar ikkinchi qismda ifodalangan fikrni qiyoslash, zidlash orqali to‘ldirish vazifasini o‘tagan. Tadqiqotchi M. Temirova fikricha, bunday tipdagi maqollarda birinchi komponent o‘z ma‘nosida kelsa, ikkinchi komponent ko‘chma ma‘noda qo‘llanadi[13:108]. H.Homidiy boshchiligida tuzilgan “Adabiyotshunoslik terminlari lug‘ati”da yuqorida izohlangan tipdagi ikki komponentli hodisaning obrazli ifodasi va hikmatli yakunidan iborat bo‘lishi ta’kidlab ketiladi va misol sifatida quyidagi maqol beriladi: “Ishkamba go‘sh t bo‘lmas, Savdogar do‘st bo‘lmas”[1:106].

Folklorshunos olim B.Sarimsoqov tomonidan qilingan tasnifning bir mulohazali tomoni bor. Ya’ni birinchi guruhga kiruvchi maqollarda har doim ham birinchi komponent qiyoslash, qarama-qarshi qo‘yish yoki o‘xshatish uchun, ikkinchi komponenti asosiy fikrni ifodalash uchun xizmat qilmasligi mumkin. Ya’ni ularning o‘rni almashishi – asosiy fikr birinchi komponentda, to‘ldiruvchi qism ikkinchi komponentda kelishi mumkin. Biz yuqorida tahlil etgan “AB>AB” shaklli maqollarni ana shu guruhga kiritish mumkin.

B.Sarimsoqov tasnifidagi ikkinchi guruhga “Qo‘rqoqning ko‘zi katta, Dangasaning — so‘zi”, “Poraxo‘rning tavbasidan qo‘rq, Mug‘ombirning yig‘isidan”, “Bilmaganni bildim dema, Qilmaganni qildim dema” kabi birliklar kiradi. Ushbu maqollardagi har ikki komponent ham biri ikkinchisini to‘ldiradi va bir-biridan ayro holatda ishlatilishi mumkin hamda “maqol semantikasini tashkil etishda teng ishtirok etadi“. Bu kabi maqollarni nemis folklori namunalari orasida ham uchratish mumkin: “Fleiß erwirbt, Faulheit verdirbt“ (Tirishqoqlik tuzadi, dangasalik buzadi), “Ein gebrauchter Pflug

blinkt, stehendes Wasser stinkt“ (Ishlatilgan omoch yaltiraydi, turgan suv sasiydi). Bu kabi maqollarda har ikki komponent ham mustaqil ma’noga ega va alohida qo’llana oladi.

Ikki komponentli maqollarning yana shunday turi ham borki, ular yuqoridagi ikki tipdan tubdan farq qiladi. Masalan, „Qiyg‘ir uchsa, chumchuqni tirqishda ko‘r“ o‘zbek maqolida yoki “Wer mit Hunden ins Bett geht, steht mit Flöhen auf” (“Kim itlar bilan uxlasa, burga bilan uyg‘onadi”) maqollarida ikki komponent qo‘shilib, bir fikrni hosil qilgan. Maqol qismlari o‘zaro mustaqil qo’llana olmaydi. Yuqorida tahlilga tortganimiz ikki komponentli birliklar singari qismlari orasida qiyos, zidlash munosabati ham, o‘zaro mustaqil qo’llana olish sifati ham yo‘q. Ularni “AB→AB” shaklida ifodalash mumkin.

Shuni ham alohida aytib o‘tish mumkinki, nemis maqollari orasida shunday strukturaga ega paremiologik birliklar ham borki, ular yuqorida izohlab o‘tilgan qo‘shma deskriptivli maqollardan farq qiladi: “Andere Zeiten, andere Sitten” [4:525] (Boshqa payt, boshqa urf-odat), “Böser Anfang, böser Ende” (Yomon boshlanish, yomon tugash). Ushbu turdagi maqollarda “mavzu” takrorlanadi va “izoh” o‘zaro ziddiy munosabat hosil qiladi. Shu oraqali, prof. B.Sarimsoqov ta’kidlab o‘tgan qo‘sh deskriptivli maqollarning biri ikkinchisini zidlash yoki qiyoslash orqali yuzaga kelgan yoki har ikkala qism maqol ma’nosini tashkil qiladigan, biri ikkinchisidan alohida holatda ham qo’llana oladigan paremiologik birliklardan farq qiladi. Keling, ushbu tipga mansub yana bir maqolni ko‘rib chiqsak: “Mehr Geld, mehr Sorgen“ (Ko‘proq pul, ko‘proq tashvish). Maqolda insonning puli, boyligi ko‘payishi uning tashvishi ortishiga, xotirjamligi yo‘qolishiga sabab bo‘lishi ikki aniqlovchili birikmalarni yonma-yon qo‘yish orqali ochib berilgan va shu orqali ikki komponentli, atigi to‘rt so‘zdan iborat maqol orqali hayot haqiqati qisqa, lo‘nda jumlada ifodalangan. Ushbu tipdagi maqollarning o‘ziga xosligi shundaki, ularda maqol komponentlari ikkalasi birlashgandagina yaxlit ma’no ifodalaydi. Qismlar nutqda alohida ishlatila olmaydi. Ularni yuqorida izohlab o‘tganimiz – “AB→AB” formulali birliklar qatoriga kiritish mumkin. Shu tipga yaqin “Oz gapir – soz gapir” [16:82] o‘zbek maqoli ham bir qaraganda yuqoridagi nemis maqoli strukturasi eslatsa-da, ammo bu kabi maqollarda “mavzu” emas, “izoh” takrorini hosil qilgan. Qismlarining har biri alohida ma’no anglatadi, grammatik jihatidan mustaqildir.

B.Soatov ikki deskriptivli maqollarni o‘rganar ekan, ularda ziddiy munosabatning ikki xil ko‘rinishi farqlanishini ta’kidlaydi. Birinchisi, oddiy ziddiyat, ikkinchisi esa murakkab ziddiyatdir. “Oddiy ziddiyatda maqolning mazmuni ikki hodisaning inkoriy qiyosiga asoslangan bo‘lsa-da, deskriptivlardagi ikkita so‘zgina o‘zaro qarama-qarshi holda qo‘llanib, qolgan so‘zlar takror yoki betaraf holatda bo‘ladi [10:56]. Masalan, “Ko‘p gapning ozi yaxshi, Oz gapning sozi yaxshi” maqolidagi sakkiz so‘zdan “ko‘p”

va “oz” so‘zlarigina bir-birini mantiqan inkor etadi. Murakkab ziddiyatli deskriptivlarda esa takror so‘zlardan boshqa hamma so‘zlar mantiqiy kontrast holatida bo‘lishi aytiladi. Masalan, “Birlashgan o‘zar, birlashmagan to‘zar” maqolida “birlashgan↔birlashmagan”, “o‘zar↔to‘zar” kabi barcha so‘zlar o‘zaro zidlashgan.

Ziddiy munosabatning ushbu ikki turini nemis xalq maqollari orasida ham uchratish mumkin: “Armen haben Kinder, Reiche haben Rinder” (Kambag‘alning bolalari, boylarning mollari bor) maqolida “kambag‘al↔boy”, “Alt werden steht in Gottes Gunst, jung bleiben, das ist Lebenskunst” (Keksalik Xudoning tuhfasi, yoshlikni asrab qolish hayot san‘ati) maqolida “keksalik↔yoshlik”, “Was du heute kannst besorgen, das verschiebe nicht auf morgen” (Bugun qilishing kerak bo‘lgan ishni ertaga qoldirma) maqolida esa “erta↔bugun” so‘zlari o‘zaro oddiy ziddiyatni hosil qilgan. Maqollarda qo‘llangan boshqa so‘zlar esa betaraf so‘zlardir. Nemischa „Fleiß erwirbt, Faulheit verdirbt“(G‘ayrat o‘zdiradi, yalqovlik to‘zdiradi) maqolida „g‘ayrat↔yalqovlik“, „o‘zdiradi↔ to‘zdiradi“ so‘zlari o‘zaro zidlanib, murakkab ziddiyatni hosil qilgan.

Shunday qilib, ikki komponentli maqollarni qismlar orasidagi semantik-struktural jihatdan quyidagicha tasniflash mumkin:

1. Har ikkala qismi o‘zaro mustaqil qismlardan iborat maqollar: $AB=AB$ („Achchiq til – zahri ilon, Chuchuk tilga – jon qurbon“, “Ein gebrauchte Pflug blinkt, stehendes Wasser stinkt” (“Ishlatilgan shudgor yaltiraydi, turgan suv hidlanib qoladi”));

2. Birinchi qismi zidlash, qiyoslash vazifasidagi, ikkinchi qismi asosiy ma‘no tashuvchi maqollar: $AB<AB$ („Yontoqdan atir chiqmas, Qo‘rqoqdan – botir“. “Das Pferd beim Zaum, den Mann beim Wort”(“Ot yugani bilan ko‘rkam, kishi so‘zi bilan”);

3. Birinchi qismi asosiy ma‘noni ifodalovchi, ikkinchi qismi qiyoslash, zidlash ma‘nosida keluvchi maqollar: $AB>AB$ (“Yot yoqadan olar, It - etakdan”, “Der Mensch ist zur Arbeit geboren, wie der Vogel zum Fliegen”(“Odam mehnat uchun tug‘ilgan, Qush uchish uchun”));

4. Ikkalasi birlashib, bir yaxlit ma‘no ifodalovchi maqollar: $AB↔AB$ („Qiyg‘ir uchsa, chumchuqni tirqichda ko‘r“, “Wie wir heute arbeiten, so warden wir morgen leben”(“Bugun qanday ishlasak, ertaga shunday yashaymiz”));

Xulosa qilib aytganda, maqollar strukturasi xalqning uzoq yillik tajribalari o‘laroq yuzaga kelgan turg‘un formulalarga ega bo‘lib, ulardagi har bir so‘z maqol badiiyatini boyitishda hamda uning emotsional, ekspressiv funksiyasini bajarishda alohida ahamiyatga ega. Ikki xalq folkloridagi qo‘sh komponentli maqollar o‘zaro qiyoslanganda, yuqoridagi tansiflardan birinchi va ikkinchi tip har ikkala xalq maqollari orasida ko‘pchilikni tashkil qiladi. Uchinchi tip esa o‘zbek folklorida ham, nemis folklorida ham kam uchraydi. To‘rtinchi tip esa nemis maqollari orasida ko‘proq uchrashini kuzatdik.

Xalq maqollari qaysi xalq og‘zaki ijodiga tegishli bo‘lmasin, ulardagi komponentlar o‘sha tilning ichki imkoniyatlari, grammatik me‘yorlar asosida shakllangan bo‘ladi va bu shakllar maqollar semantikasini ochib berishda

muhim rol o'ynaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'uxati

1. Адабиётшунослик терминлари луғати. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967.
2. Bafojev F. STRUCTURE OF FOLK PROVERBS (EXAMPLE OF UZBEK AND GERMAN PROVERBS) // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. № 7, –India, 2020. –P. 654-659.
3. Duden, Redewebdungen und sprichwörtliche Redensarten. Avtor: Günther Drosdowski. –Mannheim-Leipzig-Wien-Zürich, 1998.
4. Deutsches Sprichwörter-Lexikon. Karl Friedrich Wilhelm Wander. – Leipzig: F. A. Brockhaus, 1880.
5. Дандис. А. О структуре пословицы. – Паремнологический сборник. – Москва, 1978.
6. Elke Gerr. 4000 Sprichwörter und Zitate. – Berlin. 2001.
7. Madayev O. O'zbek xalq og'zaki ijodi. – Toshkent, 2010.
8. Маҳмудова Н., Шарипова Н. Sprichwörter. Proverbs. Пословицы. Мақоллар. – Қарши, 2008.
9. Nemischa-o'zbekcha maqol va matallar. Tuzuvchi: Nazarov P. – Samarqand, 2001.
10. Nemischa-o'zbekcha maqol va matallar lug'ati. Tuzuvchilar: Imyaminova Sh., Kamolova Sh. – Toshkent, 2013.
11. Саримсоқов Б. Халқ тафаккурининг олмос қирралари // Ўзбек халқ мақоллари. Иккинчи нашр. – Тошкент, 1984.
12. Соатов Б. Ўзбек халқ мақолларининг жанр хусусиятлари ва поэтикаси. – Тошкент, 1994.
13. Темирова. М. Ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари типологияси: филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)...дисс. – Toshkent., 2018.
14. Зарипов Ҳ. ва б. Ўзбек фольклори очерклари. (Уч томлик. Биринчи том). –Тошкент, 1988.
15. О'zbek xalq maqollari. Tuzuvchilar: T.Mirzayev, A.Musaqulov, B.Sarimsoqov. – Toshkent, 2005.
16. О'zbek xalq maqollari. Tuzuvchilar: T.Mirzayev, A.Musaqulov, B.Sarimsoqov. – Toshkent.: Sharq, 2013.
17. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. (Маънолар шарҳига бағишланган китоб). – Тошкент, 2018.
18. Черкасский М.А. Опыт построения функциональной модели одной частной семиотической системы (Пословицы и афоризмы) – Паремнологический сборник. – Москва, 1978.

DEVELOPMENT OF STUDENTS' SOCIO-CULTURAL COMPETENCE IN ENGLISH TEACHING THROUGH AUTHENTIC VIDEO MATERIALS

P. Omanov

Independent researcher, the Uzbekistan State University of World
Languages, Uzbekistan

***Abstract:** The article discusses the issue of developing the content and forms of developing students' socio-cultural competence in online education through authentic video materials and electronic textbooks.*

The aim of the research work. The purpose of the study is to develop students' socio-cultural competence while teaching English language through authentic video materials.

Results and considerations. The development of socio-cultural competence implies the training of future professionals in a multicultural personality. The process of becoming aware of the national and cultural features of the social and speech etiquette of language speakers, their customs, rules of conduct, social stereotypes, history and culture, and using this knowledge in communication is a two-way activity. It also helps them to master the features of the language. Therefore, every lesson in a foreign language is a crossroads, a point of intercultural communication. The use of authentic video materials in the development of students' socio-cultural competence is the most effective tool not only in offline education, but also in the process of distance learning in the process of gaining popularity. has unlimited opportunities to enter the social life, national-cultural environment of the representatives of the country where the language is studied.

Conclusion. In the conclusion and comments section, the analysis showed that English language curricula for general secondary and secondary special education, authentic texts on the social life and cultural life of the people of the country where the language is studied, were selected according to the topics, exercises and assignments were developed according to the age of students. However, the fact that higher education curricula are not coordinated with lower education curricula requires further improvement of the content and forms of education aimed at developing students' socio-cultural competence in teaching foreign languages in higher education.

***Key words:** authentic materials, electronic textbooks, socio-cultural competence, intercultural crossroads, authentic video materials, to preserve once cultural world, distance learning.*

РАЗВИТИЕ СОЦИОКУЛЬТУРНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ СТУДЕНТОВ В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ АУТЕНТИЧНЫХ ВИДЕОМАТЕРИАЛОВ ПРИ ОБУЧЕНИИ

Р. Оманов

Самостоятельный соискатель, Узбекский государственный университет мировых языков, Узбекистан

Аннотация: В статье рассматриваются содержание и форма развития социокультурной компетенции студентов при онлайн обучении с использованием аутентичных видеоматериалов и электронных учебников.

Цель исследования. Целью исследования является развитие социокультурной компетенции студентов при обучении английскому языку посредством аутентичных видеоматериалов.

Выводы и обобщения: развитие социокультурной компетенции подразумевает подготовку будущих профессионалов многокультурной личностью. Процесс ознакомления национально культурными особенностями, речевым этикетом носителей языка, их традициями, правилами поведения, социальными стереотипами, историей и культурой, и использование этих знаний в коммуникации как двухсторонняя деятельность. Также, данные знания способствуют улучшению уровня владения языком. Именно поэтому, каждый урок иностранного языка — это пересечение, точка межкультурной коммуникации. Использование аутентичных видеоматериалов в развитии социокультурной компетенции студентов является наиболее эффективным способом не только в офлайн образовании, но и набирает популярность и в дистанционном обучении.

Аутентичные видеоматериалы открывают безграничные возможности ознакомиться с социальной жизнью и национально культурной средой представителей страны изучаемого языка.

Заключение. В части заключения и рекомендаций анализ показал, учебная программа Английского языка в среднем и в средне специализированном образовании, аутентичные тексты о социальной жизни и культурной жизни людей страны изучаемого языка были выбраны в соответствии темам, а также упражнения и задания соответствует возрасту учащихся.

Однако тот факт что программа высшего образования не координирована с программой среднего образования, усовершенствования содержание и формы образования направленной на развитие социокультурной компетенции учащихся при обучении иностранному языку в

учреждениях высшего образования является приоритетной.

Ключевые слова: аутентичные материалы, электронные учебники, социокультурная компетенция, межкультурное пересечение, аутентичные видеоматериалы, сохранить собственный культурный мир, дистанционное обучение.

Introduction. Today, new requirements are set for teachers of higher education institutions to improve the quality of learning a subject. In this regard, different methods are used in the teaching of English, the main purpose of which is to improve the teaching of English. The e-textbook plays an important role in teaching English, explaining its topics and organizing exhibitions, effective use of modern information technology and modern educational technology tools in the most effective and appropriate places. One of the tools of modern information technology is the organization of teaching English through various animations, programs in this multimedia environment.

This necessitated a system of exercises for selecting, adapting and developing ethnographic texts, as well as teaching students the vocabulary of the subject. The following principles were followed:

- Ensuring the principle of growth of the system of exercises from simple to complex, this serves to develop the socio-cultural competencies of students;
- Ensuring continuity in the range of topics;
Кон ичинда жавоҳири кони.

Фош ҳикмат шукуҳи зотидин,
Етти юз йил ўтуб ҳаётидин.

Не жаҳондин анга умед, не бийм,
Деб отин халқ Файлакус ҳаким (212-213-бетлар).

Бу лавҳа Раҳматулла Юсуф ўғли айтган «Гўрўғлининг болалиги» достонидаги қаҳрамоннинг Ғовсил-ғиёс ҳузурига бориши мотивига ўхшаб кетади. Унинг макони ҳам ғор, Гўрўғли «ассалому алайкум», деб ғорга кириб борди. Қараса, ичкарида ўтинхона, обхона, бир ёғида борхона, бир ёғида оловхона, ўртада гулхан, энди ўчиб, чўғ бўлибди. Гулхан атрофида бўлса, қирқ киши, бир катта қозон темир ўчоқнинг устида биқтирилиб турибди. Гўрўғлининг оти Ғирот ҳам ана шу ғорда экан.

Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» достонини ёзишда халқ оғзаки бадий ижоди асарларининг тили, услуби ва поэтик воситаларидан ҳам кенг кўламда фойдаланган. Достондаги ҳикоятларда бир воқеадан иккинчи воқеага ўтишда ҳам халқ оғзаки ижоди намуналаридан, жумладан, мақол, матал, афоризмларни кўллаган. Шоир халқ мақоллари намуналарини «Сабъаи сайёр» достони ҳикоятларининг моҳиятидан келиб чиқиб, гоҳ айнан, баъзан эса муайян ўзгаришлар билан мазмунини сақлаган:

«Ҳар кишиким бировга қозгай чоҳ,
Тушгай ул чоҳ аро ўзи ногоҳ».

Бошқа бир ўринда эса, суқир киши ёруғликни пайқамаслиги ҳақидаги ҳақиқатни мақол ўрнида кўллаб, кўршапалакнинг тунда учгани боис қуёшнинг чароғон нур манбаи эканлигидан беҳабарлиги тўғрисидаги ибратли ҳикматни яратган:

Чун кўриб ақл ройи мухталифи,
Кўзини кўр этиб қазо алифи.

Кўр билмас ёруғ эканин қуёш,
Кундуз учмоғ ғариб эрур хуффош (9-бет).

«Сабъаи сайёр»да ишлатилган бир қатор матал ва мақоллар асарнинг ғоявий мазмунини ва персонажларнинг характерини очиб бериш билан бирга ғоятла нафис фикрларни ифодалаш учун ҳам хизмат қилган.

Навой халқ иборалари даражасига кўтарилган теран мазмунли, ўткир маъноли ҳикматларни ҳам яратиб, ўз достонига сингдириб юборган:

Хушдурур боғи коинот гули,
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули.

«Сабъаи сайёр» достонининг тили халқ жонли тилига яқинлиги, халқчиллиги, образлилиги, бадий юксаклиги билан ўзбек мумтоз адабиёти вакилларининг асарлари орасида алоҳида ажралиб туради. Алишер Навоий бир томондан, ўзигача халқ ўртасида тарқалган афсона ва ривоятларни қайта ишлаб ўз асарларига киритиш орқали уларга янги рух ва умр бахш этган бўлса, иккинчи томондан, ўзининг ўлмас асарлари билан фольклорнинг бадий ривожига ҳам улкан ҳисса қўшган.

Шоирнинг «Сабъаи сайёр» достонидаги фольклор материалларининг таҳлили шуни кўрсатадики, фольклор шоир асарининг негизида, уларнинг асосидадир. Бу нарса Алишер Навоийнинг янада халққа яқинлигини кўрсатади. Алишер Навоий фольклорга хос мотивлардан фойдаланиш орқали меҳнаткаш омма нуктаи назаридан ўз замонасининг шахс эркинлиги, ижтимоий адолат ва тенглик, вафо ва садоқат каби муҳим муаммоларни ўртага қўйди ва уларни ўз дунёқараши доирасида бадий жиҳатдан ҳал қилиб берди.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий халқ оғзаки ижодиёти эпик жанрларининг анъанавий мотивлар таркибидан ҳам самарали фойдаланган. Жумладан, «Сабъаи сайёр» достонида ов, сафар, туш, шарт қўйиш каби мотивлар, сюжетни ташкил этувчи асосий воқеалар тизимининг қолипловчи ҳикоя атрофига уюшиши сингари эпик усуллар учрайдики, буларнинг барчаси тарихий-генетик жиҳатдан фольклор анъаналари таъсирида шаклланган. Фольклоризмларнинг асосий вазифаси асарда тасвирланган ҳаётининг воқеликнинг тўлақонли поэтик талқинини яратиш ҳамда асар персонажларининг характери, қиёфаси ва ички кечинмаларини тасвирлашга хизмат қилишдан иборат.

ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИ ҚИССАЧИЛИГИ РИВОЖИДА САФАР БАРНОЕВ АСАРЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Х. Ч. Нусратова,
Низомий номидаги ТДПУ доценти, ф.ф.б. PhD

***Аннотация.** Мақолада истеъдодли адиб С.Барноев қиссалари таҳлили мисолида ўзбек болалар қиссачилигининг ривожланиши ҳақида фикр юритилади. Ўзбек болалар қиссачилигини ривожлантиришида, турли мавзулар билан бойитишида истеъдодли адиб Сафар Барноевнинг ўрни, ёзувчи яратган қаҳрамонлар образи, қиссалар орқали китобхонда урушга қарши нафрат туйғусини уйғотиши, уларни курашчанлик ва Ватанни севиши руҳида тарбиялаши ҳақида таҳлиллар берилган.*

***Таянч сўзлар:** қиссачилик, ўзбек болалар адабиёти, уруш ва болалик мавзуси, характер, бола қалби, ҳаётий воқелик, саргузашт-фантастик, уруш даври болалари, туркум ҳикоялар, қисса жанри, бош қаҳрамон.*

УЗБЕКСКАЯ ДЕТСКАЯ ЛИТЕРАТУРА РАЗВИВАЕТСЯ МЕСТО ТВОРЧЕСТВА САФАРА БАРНОЕВА

Х.Ч. Нусратова
ТГПУ имени Низами
доценты, ф.ф.б. кандидат наук

***Аннотации.** В статье рассматривается развитие узбекского детского повествования на примере анализа рассказов талантливого писателя С.Барноева. Роль талантливого писателя Сафара Барноева в развитии узбекского детского повествования, обогащение различными темами, созданный писателем образ героев, рассказы, вызывающие у читателя ненависть к войне, воспитывающие в духе борьбы и патриотизма.*

***Ключевые слова:** рассказы, повесть, узбекская детская литература, война и детство, персонаж, детское сердце, реальная жизнь, приключенческая фантастика, дети военного времени, цикл рассказов, жанр рассказа, главный герой.*

UZBEK CHILDREN'S LITERATURE IS DEVELOPING THE PLACE OF SAFAR BARNOEV'S WORKS

H. Ch. Nusratova

TDPU named after Nizami, associate professors, f.f.b. PhD

Abstract: *The article examines the development of the Uzbek children's story on the example of the analysis of the stories of the talented writer S. Barnoev. The role of the talented writer Safar Barnoev in the development of Uzbek children's storytelling, enrichment with various themes, the image of heroes created by the writer, stories that arouse the reader's hatred of war, educate in the spirit of struggle and patriotism.*

Key words: *stories, novella, Uzbek children's literature, war and childhood, character, children's heart, real life, adventure fiction, wartime children, cycle of stories, genre of story, protagonist.*

Болаларнинг ўзига хос мураккаб дунёси унинг бетакрор ва турли-туман ажойиботларга бой саргузаштлари болалар ижодкорлари эътиборидан четда қолмайди. Ўзбек болалар қиссачилиги ўз ривожини давомидан болаларнинг илмий-маърифий онгини ўстириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиат ва ундаги жониворларга меҳр ҳиссиётларини тарбиялаш ҳамда дўстлик, тинчлик, биродарлик каби ғояларни илгари суришга ҳаракат қилди. Болалар қиссачилигидаги мавзулар, образ ва характерлар, зиддиятлар ва уларнинг бола ахлоқи, одоби, маънавий дунёси нозикликларини гўзал бадиий либосларга буркаб ифода этишларига замин яратди.

70-80-йиллар ўзбек болалар насрида бошқа жанрлар қатори қиссачилик ҳам ривожланди. Уларда ўсмирлар ҳаёти хилма-хил жиҳатлардан бадиий тадқиқ этила бошланди. Қиссаларда ўсмирлар маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришга эътибор кучайди, уларнинг мактаб билан боғлиқ ҳаётини тасвирлаш кўламини кенгайтирди. Ҳаким Назир, Х.Тўхтабоев, Э.Раимов, Ҳ.Пўлатов, А.Пардаев каби қиссанависларнинг мазкур мавзуга бағишланган асарлари сирасида С.Барноев қиссалари ҳам айрича ўрин тутди. П.Шермухаммедов “Кичкинтойлар нигоҳи” мақоласида адибнинг “Нур ёғилган кун” ва “Туташ йўллар” қиссаларининг ютуқ ва камчиликларига тўхталса [4,105], М.Ҳусайнов 70-80-йиллар болалар адабиёти таҳлилига бағишланган обзор мақоласида адибнинг

“Эгизаклар” қиссасини тилга олиб ўтиш билан чекланган[5, 123].

Адиб уруш ва болалик мавзусини янада кенгроқ талқин этиш ниятида бу жанрга мурожаат қилган эса-да, аслида қиссалари мавзу кўлами кенг, уларда бола характерининг турли қирралари бадий тадқиқ қилинган. Бинобарин, қиссаларни мавзу йўналишига кўра қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Ҳаётий воқеликнинг реалистик тасвирига оид қиссалар. Булар ҳам, ўз навбатида, мавзу- мазмунига кўра:

а) уруш мавзусидаги қиссалар: “Нур ёғилган кун”, “Янги кунлар”.

б) мактаб ҳаётига оид қиссалар: “Эгизаклар”, “Оқ лайлаклар”.

в) бола ва ижтимоий воқелик муносабатлари талқинига бағишланган қиссалар: “Туташ йўллар”, “Биринчи табассум”.

2. Саргузашт- фантастик қиссалар: “Кичкина Хўжа Насридин”.

Бу асарларда болалик оламининг беғубор онлари, болалик ҳаёллари ифодаланади, ҳаётдаги барча воқеа-ҳодисаларга бола нигоҳи билан қараб баҳо бериш устуворлик қилади. С.Барноев ижодини бошқа ёзувчилар ижодидан ажратиб турадиган муҳим хусусият – хоҳ шеърлятида бўлсин, хоҳ насрида бўлсин, хоҳ публицистикасида бўлсин, қарийб барча асарларида уруш асоратлари, уруш одамлари, уруш даври болалари ҳаёти, орзу-ўйлари, ота соғинчи, кураш ва ташвишларига мурожаат этилганлигидир. Сирасини айтганда, бу мавзуда ўзбек болалар насрида “Рустамжоннинг саргузаштлари” қиссаси (Ғайратий), “Лочин қанотлари”(Ҳаким Назир), “Беш болали йигитча”(Х.Тўхтабоев) романлари яратилган бўлиб, уларда ўсмирларнинг уруш давридаги ҳаёти қаламга олинган.

Сафар Барноевнинг қиссаларида ҳам айнан уруш даври одамлари, болалари ва уларнинг ҳаётга, катталарга муносабатини тасвирлаш етакчилик қилади. Буни адибнинг илк қиссалар тўплами “Биринчи табассум”га киритилган асарлар мисолида яққолроқ кўриш мумкин.

Тўпламга учта қисса киритилган. Уларни бир-бирига боғлаб турувчи ҳалқа – мавзунинг умумийлиги: мактаб ўқувчилари ва ўсмирлар ҳаётини тасвирлаш. “Биринчи табассум”да болаларнинг мактабдаги ҳаёти, бир-бирига, ўқитувчисига муносабати тасвирланса, “Нур ёғилган кун” қиссасида болаларнинг уруш давридаги ҳаёти - уларнинг ота-оналарига берган улкан ёрдами қаламга олинади.

“Биринчи табассум”да барча воқеалар Алиқул образи атрофи-

да, унинг характерини очиш асносида тасвирланади. Қиссадаги нуқсонлар ҳақида гапирар экан, П.Шермухаммедов “Муаллиф қаҳрамонларининг ҳаётига доир барча икир-чикирларни эринмасдан бирма-бир баён қилади. Шу сабабли Алиқул ҳам турли хил тафсилотлар ичига кўмилиб қолган” [4,107], - деб ёзади. Бу фикрда жон бор. Аммо танқидчининг асар бош қаҳрамонига нисбатан “қайси фазилатлари билан ўқувчиларга намуна бўла олиши, уларни ўз орқасидан эргаштира олиши” каби саволларга жавоб топиб бўлмайди деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки қиссада дўстлик, биродарлик ғояларини талқин этиш асосий ўринда туради. Қисса қаҳрамони Алиқул – раҳмдил, кўнгилчан бола. Мактабда аъло баҳоларда ўқийди. Ғоят меҳнатсевар: мактаб боғига ҳаммадан кўп кўчатни Алиқул ўтқазган. Унинг ақлли эканлиги гап-сўзларидан ҳам кўриниб туради. Ундан нега ўнта кўчат ўтқаздинг деб сўрашганида: “- Бу мендан мактабимга хотира. Ўнтаси ўсиб улғайса, қандай соз бўларди. Мен шу мактабда ўн йил ўқидим, деган нишона бу”,-деб тушунтиради. Мактаб ўқувчилари Газлига саёҳат қилишганида уларнинг синфидан битта Алиқулнинг ўзи танлаб олинади. У уйда ҳам доимо отасининг гапларига қулоқ солади, айтганларини бажаришга ҳаракат қилади. Дўсти Омон бировларнинг гапига кириб, уни урганида ҳам сабр билан кутиб, охири калаванинг учи ечилганида дўстини босиқлик билан кечиради. Шу томонларни ҳисобга оладиган бўлсак, танқидчининг фикрларида асос йўқлиги ўз-ўзидан равшанлашади. Қиссани ўқиган ўқувчилар бош қаҳрамон характерига яхши фазилатлардан ўртак ола билдилар. Аммо қаҳрамонлар орасидаги зиддиятларнинг осон ҳал этилиши асардаги драматизмни бироз сусайтирган.

“Нур ёғилган кун”да адибнинг ижодидан бош чизик бўлиб ўтадиган уруш қолдирган асоратлар, урушни қоралаш мотиви яна етакчилик қилади. Аслида бу қисса адибнинг “1947 йил ҳикоялари” туркумининг узвий давоми ҳисобланади. Бу туркумни бирлаштирувчи муштарак жиҳатлар уруш даври болалари, улар қалбининг турфа жилоларини кўрсатиш ва урушга қарши курашишдан иборат. Ана шу мотив “Нур ёғилган кун”да ҳам давом эттирилади. Кейинчалик бу қисса “Каримжон Карлсон” тўпламига “Янги ой” номи билан киритилган.

Қиссада урушни болалар нигоҳи орқали тасвирлаш ва қоралаш руҳи кучли. Қисса қаҳрамони - урушга кетган отасини интиқлик билан орзиқиб кутаётган бола. У уруш даҳшатини ўз кўзи билан кўрмаган, шу боис ўз хаёллари орқали бориб дадасига ёрдам ҳам

бермоқчи бўлади: “Немис дегани қанақа одам экан? Отам роса адабини бераётгандир. Бунинг устига отам полвон.” Полвон дадаси билан фахрланиб юрган Каримжонни бобоси қишлоққа олиб кетади. Қиссадаги воқеалар, асосан, қишлоқда рўй беради. Қишлоқ болалари билан тезда тил топишиб кетган қахрамон уларга қўшилиб, фақат яхшилик қилишга ҳаракат қилади: одамларнинг ўтларини ўриб бериб, томларини сувоқ қиладилар, ҳеч кими йўқ қариялардан бохабар бўладилар, кексаларнинг дуоларини оладилар. Бу қахрамонларни урушнинг ўзи улғайтирган, ақлли бўлишга, болалик ўйинқароқликларини йиғиштириб, меҳнат қилишга, катталарга ёрдам беришга ундаган. Улар бундан оғринмайдилар, ўзларини катталар билан ёнма-ён қўйиб, ҳатто хаёлларида ҳам уларга эргашадилар. Китобхон эътиборини тортадиган ва миллийлик руҳи билан йўғрилган бир лавҳа жуда таъсирчан чиққан: болалар дастурхонга омин қилган пайтда, пичирлаб, дуо қиладилар. Уларнинг дуоларида ҳам урушга муносабат ёрқин акс этган:

-Карим, биз ичимизда дуо ўқидик, сен нима деб дуо ўқидинг?

- Олдин ўзинг айтгин!

- Мен Гитлер ўлсин, отам келсин дедим.[1, 51]

Қиссада ҳар бир воқеа –ҳодисага бола нигоҳи орқали баҳо бериш руҳи кучли. Халқ оғзаки ижодининг таъсири мақоллар, қарғишлар ва олқишлардан фойдаланишда яққол кўринади. Болалар ўзларини эртақлардаги уч оғайни ботирларга ўхшатадилар. Бу виси ҳам уларга шундай ном қўяди.

Адиб рамзийликдан маҳорат билан фойдаланади: бобоси шипга ин қўйган қалдирғочнинг болаларини егани учун келган илоннинг ярмини -белидан ўроқ билан қирқиб ташлайди. Болаларга душман ҳам илонга ўхшаган нарса, йигитларимиз ҳозир унинг ярмини чопдилар деб тушунтиради. Содда қахрамон Гитлернинг ярмини чопган отасининг келишига ишонади. Болаларнинг ўзларидайд содда мулоҳазалари табиий ва самимий тасвирланган. Бу йўл билан адиб Гитлернинг кимлигини болалар тушунчасига мослаб, баён этишга эришади. Аммо ёзувчи баёнчиликка йўл қўйган ўринлар -да, учрайди.

Қиссани ёзишда А.Гайдарнинг “Тимур ва унинг командаси” асаридан илҳомланганини С.Барноев танқидчи С.Матжон билан қилган суҳбатида таъкидлаган экан[3,10]. Ҳақиқатан бу асар мамлакат бўйлаб машҳур тимурчилар ҳаракатини бошлаб берган эди. Гайдар ғояларидан илҳомланганини ёзувчи нафақат қиссалари, балки бошқа жанрдаги кўпчилик асарлари яққол намоён этади.

Қисса қаҳрамонлари тимурчилар сингари одамларга яхшилик қилишни истайдилар ва буни жон диллари билан амалга оширадилар.

Танқидчи С.Матжон “Тимур, Асет ва Соғиндиклар асар воқеаларида актив иштирок қиладилар. Бугина эмас, улар асар воқеасининг асосчиси ва ташкил қилувчи кучи сифатида намоён бўладилар. “Янги ой” қиссаси қаҳрамонларининг бундай хусусиятлари алоҳида бўртиб турмайди”, - деб ёзади. Бу фикрга қўшилиш қийин. Чунки қисса қаҳрамонлари қишлоқдагиларнинг беминнат дастёрига айланишади. Асар қаҳрамони Карим қишлоққа келиб дўстлар орттиради, уларнинг ишларига ёрдамлашади. Давлат билан кечгача бувасига қарашади: пиёз ўтоқ қилиб, помидор, бодринг узадилар. Эчкига ўт ўриб, полизга қоровуллик қиладилар. Энг муҳими, уларнинг одамларга фойдаси тегиши: Эргашнинг буғдойини ўришга ёрдамлашадилар. Уч оғайни - ботирлар фақат одамларга яхшилик қилишга келишиб оладилар ва бунинг учун қасам ичадилар. “Бўлмаса, - дейди Давлат, - ҳаммага яхшилик қиламиз. Шундай иш қилайликки, ҳамма бизни яхши болалар десин. Қишлоқдаги қолган болалар ҳам бизга қўшилади. Ким ёлғон гапирса, алдаса, ёки ишдан бош тортса, яхшиси, бизга қўшилмасин”[1,237]. Тўғри, бу фикр қиссанинг бош қаҳрамони Каримдан эмас, унинг дўсти Давлатдан чиқади. Улар одамларнинг ўтларини ўриб берадилар, томларини сувоқ қиладилар, ҳеч кими йўқ қариялардан бохабар бўладилар. Шу тариқа кексаларнинг дуоларини оладилар. Ёш тимурчилар қишлоқда кичкина ўроқчилар деб ном оладилар. Уларнинг дўстона муносабатларига ҳамманинг ҳаваси келади Хуллас, болалар катталарнинг кичкина ёрдамчилари бўлиб, фақат олқиш оладилар. Буни асардан олинган куйидаги мисол ҳам тасдиқлайди: “Бугун ҳам биз ўзимиз билан овора бўлдик, хотин-қизлар далада ўтоқ қилаётгани учун катта боғдаги ўрикларни териш асосан бизга қолди. Ҳатто кичкина болалар ҳам ёрдамга келишди”[1,240]. Асардан олинган бу мисоллар танқидчининг юқоридаги мулоҳазалари асоссиз эканлигини кўрсатади. Аммо қиссанинг конфликти бўш. Шу боис, бизнингча, Карим Темурдек қони қайноқ, қалби шижоат билан тепиб турадиган бола образи даражасига кўтарилмаган. Чунки тинчлик фақат истак ёки овоз бериш билан қўлга киритилмайди- да!

Адибнинг “Янги кунлар” қиссасидаги Абдурахмон ҳаёт воқеаларига фаол аралашиши билан Гайдарнинг тиниб тинчимас қаҳрамонларига ўхшаб кетади. Қисса бугунги болалар турмуши

ҳақида бўлиб, унда яратилган образлар орқали замонамиз болаларининг урушга нафратини, дунё воқеаларига қизиқишини; нафақат ўз Ватани, балки она сайёрамиз тақдири ҳам уларнинг диққат марказида эканлигига амин бўламиз.

Кўринадики, С.Барноев ижодий маҳоратининг ўсишида рус болалар адабиётининг, айниқса, А.Гайдарнинг таъсири катта бўлган.

“Болалар китоби, – деб ёзган эди болалар адабиётининг тадқиқотчиси И.Мотяшов,- ўзига хос ойна бўлиб, ёш китобхон дунёни биринчи марта шу ойна орқали кузатади...Болалар ҳаётни қандай бўлса, шундай - гўзал ва хунук, қувончли ва қайғули, ёрқин ва қабих томонларини кўра билсин”[2]. Бу мулоҳазага таянадиган бўлсак, С.Барноевнинг мазкур қиссасини ўқиган ёш китобхон уруш даврида авлодларимизнинг яшаш тарзини билибгина қолмай, балки болаларнинг меҳнатсеварлиги, ўзаро тотувлиги, ҳаммага яхшилиқ қилиш истаги билан яшашларини кўриб завқланади, уларга эргашади. Шу жиҳатдан қаралса, ёзувчи қиссада муҳим ғояларни кўтариб чиққанлиги яққол кўринади.

Қиссанинг таъсирчанлигини таъминлаган омиллардан бири унинг бўёқдор тилидир. Адиб асарнинг боши ва якунида боланинг ойга мурожаатини келтиради. Қаҳрамон асар бошида куёшдан, оймомодан, юлдузлардан отасини сўрайди, улар кўрдик деб жавоб беришади. Асар якунида эса отасидан қора хат келган бола янги ойдан сўрайди: “Янги ой! Сен айтгин, отам келадиларми? Негадир янги ой жимиб турибди. Қотиб қолгандек. Илож бўлса, ўзини булутлар орасига олмоқчи...”. Адиб унинг холати тасвирини боланинг руҳий кечинмаларига мослаштиради. Чунки боланинг отаси қайтмайди. Шунинг учун “юлдузлар ҳам жавоб бериш ўрнига лип лип учаётгандек, осмон қаърига кириб кетаяпти” [1,205]. Бола қалбида ҳали умид бор, шунинг учун эртага куёшдан сўраайди. Аммо онаси ва холасининг аҳволини кўргач, ҳамма нарсага тушунади. Шу куни “куёш ҳам унинг кўзига нурсиздай кўринади”.

Асарнинг қизиқарли чиқишини таъминлаган омиллардан яна бири унга турли маталлар, ривоятларнинг маҳорат билан сингдириб юборилишидир. Олтин хумча топиб олган уч оғайни ҳақидаги афсона (бобоси уни “ушук” деб атайдиган) болаларни бирликка, дўстлика чорлаши билан аҳамиятлидир.

Адиб қиссадан қиссага ўтган сари қаламининг чархланиб бораётганлиги “Туташи йўллар” асарида яққол сезилади. Асар олдинги қиссаларга нисбатан анча муваффақиятли чиққанлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Қисса композицияси ҳам ўзига хос қурилган. “Нур ёғилган кун”да барча воқеалар қаҳрамон “мен”и тилидан

ҳикоя қилинса, бу қиссада эса “мен” иккита: яъни асарнинг ўзи худди мумтоз адабиётдаги каби қолипловчи ҳикоя ва уни тўлдирувчи ҳикоячалар асосида тартиб берилган. Аниқроғи, воқелар биринчи -“мен” – ўқитувчи ва унга мактуб ёзган собиқ ўқувчи –“иккинчи -“мен” тилидан ҳикоя қилинади. Шу боисдан қиссанинг бош қаҳрамони образини қолипловчи ҳикоядаги образ тўлдиришга хизмат қилади.

Асар қаҳрамони Тўлқинжоннинг ҳаётга болаларча боқиши, онасидан ажралган пайтдаги руҳий олами ёрқин чизиб берилган. Танқидчи П.Шермуҳаммедов қиссага муносабат билдира туриб, “Унинг қаҳрамони ҳам Алиқул сингари кундалик дафтар тутади”, - деб ёзади [4,160]. Аслида у кундалик тутмайди. Ўзининг бошидан кечирган воқеалар ҳақида ўқитувчисига хат ёзади. Ўқитувчи ўзига келган хатни унинг синфдошлари ҳам ўқисин деб ошкор қилаётганини айтади. Аслида бу С.Барноевнинг қисса композицион қурилишида қўллаган янгича бир усули бўлиб, асарнинг ўқимишли ва табиий чиқишини таъминлаб берган.

Асарда Тўлқинжоннинг кўча болаларига қўшилиб кетишига йўл қўймаган, уни тушунишга ҳаракат қилган Собир ака меҳрибон, ғамхўр, барча мактабларда учрайдиган бағрикенг ўқитувчиларнинг типик образи сифатида гавдалантирилган. Бола ҳаётининг яхши ёки ёмон томонга бурилиб кетишида атрофдагиларнинг таъсири катта. Тўлқинжоннинг ҳаётида қиссадаги Жорж –Жамил образи ана шундай роль ўйнайди. Сал бўлмаса, унинг таъсири остида Тўлқинжоннинг ёмон йўлга кириб кетиши образнинг ҳаққонийлигини таъминлаган ва ўқувчини ишонтириш кучига эга. Жиноят йўлига кирган одамларнинг баъзилари хатоларини тушунишса-да, яна қайта-қайта жиноят қилишаверади. Баъзилари эса хатоларини камдан-кам ҳолларда тушуниб, кўпинча бошқа одамлар кўмагида бу йўлдан қайтадилар. Собир аканинг ёрдамида яхши йўлга тушиб қолган Жорж ана шундай одамларнинг тимсолидар. Ахир, ана шундай одамлар қанчадан-қанча болаларни йўлдан уриб, жиноят йўлига бошлаганлари кундай равшан-ку! Шу боис ёзувчи болаларнинг жиноят кўчасига киришлари, кўча болаларининг кўпайиши каби иллатларга қарши курашади. Унинг бугунги кунда ҳам ниҳоятда долзарб мавзуга қўл уриши қиссанинг ютуқларидан биридир.

“Туташи йўллар” қиссасидан қалби эзгуликка ташна одамларнинг йўллари ҳамиша бир-бирига боғланган бўлади, бир-бирига туташиб кетади деган ғоя сизиб ўтади. Ва бу ўқувчини яхши инсон

бўлишга, қалби очик одамлардан ўрнак олишга ундайди. Қиссадан чиқадиган ҳисса мана шу.

Адибнинг қиссалари мавзу жиҳатдан ҳикояларига ўхшаса-да, образлар хилма хиллиги, савияси ва воқеалар талқини жиҳатидан фарқ қилади. Инчунин, унинг “Янги ой” асарини олайлик. Қисса конфликтини уруш туфайли туғилган зиддиятлар ташкил этган бўлиб, булар Карим образида жамланади. Қиссада болаларнинг ғолиб оталарини интиқлик билан кутишлари қолипловчи ҳикоя вазифасини ўтайди ва асар сюжетини бирмунча тутиб туришга хизмат қилади. Барча ўртоқлари қатори, асарнинг бош қаҳрамони Каримнинг ҳам орзуси битта: тезроқ уруш тугасин, отаси келсин. “Эргашнинг отаси ҳам. Ҳамма, ҳамманинг отаси”. Каримнинг дил сўзлари бутун инсоният билан бир сафда туриб, тинчликка ўз ҳиссасини кўшаётган болаларнинг тилаклари бўлиб жаранглайди. Аммо қиссанинг конфликтини бўш. Гайдарнинг “Темур ва унинг командаси” асаридаги Темурдек қони қайноқ, қалби шижоат билан тепиб турадиган бола образи даражасига Карим кўтарилмаган. Чунки тинчлик фақат истак ёки овоз бериш билан қўлга киритилмайди- да!

Абдурахмон – динамик образ, у қисса давомида ўсиб боради. Ўлими бутун дунёни ларзага солган Саманта Смитнинг фалокатли вафот этганини эшитиб, у қаттиқ қайғуради ва буни бобосига сўзлаб беради. Бобоси Собир ота Абдурахмондаги ўзгаришларни кўриб қувонади ва хаёлан ўзининг болалиги билан солиштиради: “Қизиг-а. Ҳозирги болалар дунёдан бохабар. Америка қайда ю, Ромитон қаерда?... Ўзи ўсган даврни қаранг. Қўшни қишлоқда нималар бўляпти, билмасди. Бу бўлса зиғирдек жони билан Американи ўйлайди, куюнади”.

Ёзувчининг катта ютуғи шундаки, у болалардаги янгича анъаналарни, янгича қарашларни, фаолликни сеза олган. Ўзининг бутун ҳайратини Собир отанинг сўзлари орқали акс эттирган. Адиб ўз қаҳрамонлари (Абдурахмон, Хосият, Нодир, Рашида) характерида пайдо бўлган байналминал дўстликнинг манбаларини тасвирлашга ва шу орқали халқнинг маънавий қудратини кўрсатишга алоҳида эътибор берган.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек болалар қиссачилигини ривожлантиришда, турли мавзулар билан бойитишда истеъдодли адиб Сафар Барноев ўрни муҳим эканлиги эътиборлидир. С.Барноев қаҳрамонлари – содда, ақлли, баъзан жуда ўйинқароқ, аммо уларни ичдан нурлантириб турадиган инсоний туйғулар жуда табиий тас-

вирланганки, бу адибнинг барча жанрда яратилган образларига хос фазилатлардир. Шунинг учун бу ҳикояларда ёзувчи яратган бош қаҳрамонлар ёш китобхонлар қалбига яқин бўлиб қолган. Зеро, китобхонда урушга қарши нафрат туйғусини уйғотган, уларни курашчанлик ва Ватанни севиш руҳида тарбиялаш мавзусида ёзилган асарлар ҳеч қачон эскирмайди, замонавийлигини йўқотмайди. Ақидапарастлик, террорчилик, дин ниқоби остида миллат раўнақиға таҳдид солиш авж олаётган тезкор давримизда С.Барноевнинг бу ҳикоялари ёш китобхон қалбида урушга, жаҳолатга қарши нафрат ўтини ёқа олади. Ёзувчи ижоди шу жиҳатлари билан ёш авлод учун ўқишли ва муҳим бўлиб қолади.

Адабиётлар:

1. Барноев С. Каримжон Карлсон. Тошкент. “Ёш гвардия”. 1988. 337 - б.
2. Мотяшов И. Крылатые книжки. “Учительская газета”, 19 июля, 1972 г.
3. Сафо Матжон. Тириклик суви. Т.” Ёш гвардия”, 1986. – Б. 10 .
4. Шермухаммедов П. Ижод дарди. Тошкент. адабиёт ва санъат. 1973. 158 б.
5. Ўзбек болалар адабиёти ва адабий жараён. Тошкент. “Фан”, 1989. 223 б.
6. Турдиева К. Ҳозирги ўзбек болалар шеърлятида маънавият масалалари. Фил.ф..номз....дисс. Т. 1994. – Б. 54.
7. Шарипова Л. XX асрнинг 70- 80- йиллари ўзбек шеърлятида фольклоризмлар. НДА. Т. 2008. - Б.15.

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ШОҲ ҒАРИБ МИРЗО (ҒАРИБИЙ)

С. Ғ. Ҳалимов

Самарқанд давлат университети тадқиқотчиси

Аннотация: Мазкур мақолада темурийлар даври адабий муҳити намоёндаларидан бири шоир Шоҳғариб Мирзо-(Ғарибий)нинг ижодий фаолиятини ўрганишга эътибор қаратилган. Тадқиқотчи темурийлар даври адабий муҳити намоёндаларидан бирининг ижодини ўрганар экан, Ғарибий ижодида Алишер Навоийнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини, ёш ижодкорнинг раҳнамози ва маслакдоши бўлганлиги ҳақида маълумотлар келтиради.

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида кўплаб темурий шаҳзодалар қатори Шоҳғариб мирзо Ғарибий ижодига ҳам тўхталиб ўтади, унинг ижодидан намуналар келтирилганлиги, «Хамса»нинг «Фарҳод ва Ширин» достонида ҳам Шоҳ Ғариб мирзо Ғарибий ҳақида фикр юритилганлиги, унинг ҳам инсон сифатида, ҳам ижодкор сифатидаги ўзига хос хусусиятларини тавсифланганлиги, бадиий ижодда ёш бўлса-да, кўпчилик ижодкорлардан устунликка эгаллигини, илму ҳикматда ўзига хослиги, ўткир зеҳнли эканлигини эътироф этади.

Тадқиқотчи мазкур мақола орқали яна бир темурий шаҳзода ва шоирнинг ижодини бевосита Алишер Навоий билан боғлиқ жиҳатларига тўхталиб ўтган.

Калит сўзлар: Шоҳғариб Мирзо, Алишер Навоий, Хусайн Бойқаро, темурий шаҳзода, нозиктаъб, жаҳон боғи, илм нури.

АЛИШЕР НАВОИ И ШАХ ҒАРИБ МИРЗО (ҒАРИБИЙ)

С. Г. Халимов

научный сотрудник Самаркандского государственного университета

Аннотация: данная статья посвящена изучению творческой деятельности поэта Шахгариба Мирзо-(Гарибия), одного из проявлений литературной среды тимуридского периода. Пока исследователь изучал творчество одного из проявлений литературной среды тимуридского периода, он выяснил, что Алишер Навои имел особое значение в своем странном творчестве, что молодой творец был пионером и коллегой.

В произведении Алишера Навои «Мажолис ун-нафуа», серии мно-

гих тимурийских шедевров, также затрагивается творчество Шахгариб-ба Мирзо Гарибия, представлен пример его работы, идея «Фархада и милого» друга Хамсы, а также короля Гариба Мирзо Гарибия, описывающего его отличительные черты и как человека, и как творца, хотя он молод в художественном творчестве, он признает, что у него есть специфика, острый ум.

В этой статье исследователь затронул аспекты творчества другого тимурского князя и поэта, непосредственно связанные с Алишером Навои.

Ключевые слова: Шахгариб Мирзо, Алишер Навои, Хусейн Интернэшнл, принц Темурий, мировой сад, свет знания.

ALISHER NAVOI AND SHAKH GARIB MIRZO (GARIBIY)

S. G. Khalimov

Researcher of the Samarkand State University

Abstract: this article is devoted to the study of the creative activity of the poet Shahgarib Mirzo-(Garibiya), one of the manifestations of the literary environment of the Timurid period. While the researcher was studying the work of one of the manifestations of the literary environment of the Timurid period, he found out that Alisher Navoi had a special meaning in his strange work, that the young creator was a pioneer and a colleague.

Alisher Navoi's work «Majolis un-nafua», a series of many Timurian masterpieces, also touches on the work of Shahgarib Mirzo Garibiy, presents an example of his work, the idea of «Farhad and the dear» friend of Hamsa, as well as King Garib Mirzo Garibiy, describing his distinctive features both as a person and as a creator, although he is young in artistic creativity, he admits that he has a specific, sharp mind.

In this article, the researcher touched upon aspects of the work of another Timur prince and poet, directly related to Alisher Navoi.

Keywords: Shahgarib Mirzo, Alisher Navoi, Hussein International, Prince Temuriy, nozikta'b, world garden, light of knowledge.

Introduction. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятини темурийлардан айро ҳолда тасаввур қилиб бўлмади. Алишер Навоий асарларида шоир яшаган давр сиёсий воқеалари, давлат бошқаруви, Хусайн Бойқаро саройидаги зиддиятлар, фитналар ҳам ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам Алишер Навоийнинг темурий подшоҳлар ва шахзодаларга бўлган муносабати унинг асарларида у ёки бу тарзда намоён бўлади. Али-

шер Навоий нафақат арбоб ёки салтанатдаги масъул шахс, балки оддий инсон сифатида мамлакат тинчлиги, юрт ободлиги учун жон куйдирди. Ўзининг асарларида бадиий образларни намуна қилиб келтириш ёки Шарқ адабиётига хос бўлган адресатга мадҳия ўқиш билан Султон Ҳусайн Бойқаро ва унинг фарзандларини тўғри йўлга бошқаришга интилади. Шоирнинг бу борадаги тўғри ва аниқ фикрлари унинг туркий тазкирачилигининг илк намунаси бўлган “Мажолис ун-нафоис” (“Гўзал мажлислар”) асарида яққол кўзга ташланади. Асарнинг эътиборли жиҳати шундаки, унда Алишер Навоий темурийлар ҳукмронлиги остида бўлган Ҳуросон ва қўшни мамлакатларда яшаган 459 та шоирлар ва олимлар тўғрисида маълумот берилган. Бу ҳақда Иззат Султон тўғри таъкидлаб ўтганидек “Ҳақиқатан санъат ва адабиётга ишқибозлик, шеър машқ қилиш ёки шеърлар эшитиб, шеърият ҳақида музокара олиб бора билиш темурийлар орасида одат тусига кирган эди, ҳақиқий гўзал ҳаётнинг нормаси бўлиб қолган эди.”

Materials and methods. Навоий назарига тушган ва унинг меҳри ва ҳурматига сазовор бўлган темурий ижодкорлардан бири Шоҳғариб мирзо Ғарибий эди. Навоий ўзининг кўплаб асарларида бу темурий шахзода тўғрисида маълумотлар берган, жумладан, «Мажолис ун-нафоис» асарида кўплаб темурий шахзодалар қатори Шоҳғариб мирзо Ғарибий ижодига ҳам тўхталиб ўтади, унинг ижодидан намуналар келтиради. Навоий назарига тушган ва унинг меҳри ва ҳурматига сазовор бўлган. “Хамса”нинг «Фарҳод ва Ширин» достонида ҳам Шоҳ Ғариб мирзо Ғарибий ҳақида фикр юритади, унинг ҳам инсон сифатида, ҳам ижодкор сифатидаги ўзига хос хусусиятларини тавсифлайди, бадиий ижодда ёш бўлса-да, кўпчилик ижодкорлардан устунликка эгаллигини, илму ҳикматда ўзига хослиги, ўткир зеҳнли эканлигини эътироф этади:

Ғариб ўлғай ниҳоятдин зиёда,
Бу янглиг гулким ўлғай шоҳзода.
Қаю шаҳзода, ул кони малоҳат,
Такаллум вақти дарёи фасоҳат.
Фасоҳат бобида шаҳқа қариб ул.
Бори шаҳлар ғариби Шоҳ Ғариб ул.
Зихий нутқунг такаллум вақрш жонбахш,
Масиҳо янглиғ анфосинг равонбахш.
Не маъни булса диққатдин нихонинг,
Ҳал айлаб они шабъи хурдадонинг.
Кичик ёшда қилиб табъинг самора,
Хирад пийрини тифли шийрхора.
Сенинг зотинггадур бу сўз фуруқи,

Кичик ёшдип улуғларнинг улуға.
Эрурда кавкаби бахтинг ёнги ой,
Эрурсен бадр янглиғ оламорой.
Қачонким бадрлиқ топса ҳилолинг,
Қуёшдин бўлғай ортиқроқ камолинг ...

Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида Шоҳ Ғариб Мирзога ўта нозик жумлалар билан кўпдан кўп насихатлар қилади, уни илм олишга даъват этади, мамлакат бошқаришдаги шоҳ эътибор бериши лозим бўлган муҳим томонларни баён этиб, темурийлардан бўлган Мирзо Улуғбекни таъриф у тавсифлаш билан ундан ўрнат олишга чақиради. Қуйида ушбу насихатларнинг айрим жиҳатларига эътибор қаратамиз.

Навоий Шоҳ Ғарибни кишилар билан муносабатда бўлишда ширинсўзли, малоҳатли бўлишга чақиради:

Жаҳон боғи Чин нақшининг ҳавасини келтирадиган даражада гўзал бўлиб, жаннат ҳам унга рашк билан қарайди. Бу боғда шошмасдан айланган киши унинг ҳар бир чамани саҳнидан юз хил гулларни топиши мумкин. Бу гулларнинг ҳар бирида ранг ва ҳид бўлса-да, лекин унда шу ранг ва ҳидга яраша гаплашиш - сўзлашиш хусусияти йўқ. Очилган гул табассум билан боқиб турса ҳам аммо булбул каби куйлаш қобилиятига эга эмас. Шундай бир гул бўлсаки, унинг ранги, ҳиди билан бирга дилрабо гап-сўзи ҳам бўлса, ташқи кўринишда гулдай бўлса-ю, гап-сўзда булбулдай бўлса!

Шундай бўлса, ниҳоят даражада қизиқ бўлар эди. Шундайбир гул шаҳзодадир. У шаҳзода эмас, малоҳатнинг конидир. У гапга кирганда эса уни равонлик денгизидеб атагинг келади. Чиройли гаплари билан у шоҳга тенгашиб қолган бўлиб, у барча шоҳларнинг ичида энг ажойиби, исми Шоҳ Ғарибдир.

Results and discussion. Алишер Навоий Шоҳ Ғарибнинг ёшлигидан илмли, ақлли бўлганлигига эътибор қаратган. Бу унинг унга нисбатан “кичиклигиданок улуғларнинг улуғи бўлган” лигини эътироф этишида ҳам кўринади:

Ҳа, сен сўзлар экансан, сўзларинг жон бағишлайди. Нафасинг эса Исоникига ўхшаб ўлганни тирилтира олади. Қандай бир яширин маъноли гап бўлмасин, сенинг билимдон таъбинг уни ҳал қилмай қўймайди. Кичик ёшингдаёқ сенинг табиатинг ақл пирини она сути оғзидан кетмаган деб ҳисоблар эди. Мен порлаб турган бу сўзларимни кичиклигиданок улуғларнинг улуғи бўлган сенинг зотингга бағишлайман.

Алишер Навоий Шоҳ Ғарибга умри давомида комилликка интилишни маслаҳат беради, қуёш бўлишни истаган кишининг камол касб этиши лозимлигини уқтиради:

Сенинг бахт юлдузинг янги ойдай бўлиб, сен ўзинг эса оламга оро берган тўлин ойсан. Сенинг бу янги ойинг бора-бора тўлин ойга айланар экан, сенинг камолотинг эса қуёшниқидан ҳам зиёда бўлажак. Агар янги ой ҳар кеча қуёшдан нур касб этмаса, у тўлин ой бўлишдан маҳрум бўлур эди. Агар сен қуёш бўлишни истасанг, камолот касб эт. Камол касб этганингагина, сенга ҳеч қандай уқубат юзланмайди. Ёимки ўқиш-ўрганишдан эринса, илм аҳли олдида ўзи хижолат бўлиб қолади. Фараз қилайлик, бир одам ўзи золим амалдор бўлса-ю, лекин ҳар қандай мушкул масалаларни еча олувчи донишманд бўлса, бундай ҳолда ҳатто художўйликка берилган кишилар ҳам одамлар орасидан бориб, ундан у-буни сўрашга мажбур бўлади. Кимки, олимларга таъзим қилса, у гўё пайғамбарга таъзим қилгандек бўлади.

Навоийнинг фикрича, биргина шоҳ бўлиш билан инсон илмли ёки барча нарсадан огоҳ бўлиб қолмайди. Ҳар нарсадан огоҳ бўлган кишигина шоҳ бўлади. Буларнинг барчаси замирида эса илм ётади. Демак, шоҳлик мақоми илм билан барқарор бўлади. Навоий Шоҳ Ғарибга бу ҳақда шундай насиҳат қилади: Агар сен ҳар нарсадан огоҳ экансан, сен –шоҳсен! Гапира-гапира тўти, ҳар нарсани биладиган бўлди. Шундан кейингина халойиқ уни “шоҳ тўти” деб атайдиган бўлди. Товуснинг минг беағи бўлгани, зийнат билан бошида тожи ҳам бўлгани билан, бу тожнинг ўзинигина ҳисобга олиб ҳеч ким уни шоҳ демайди. Чунки у асли ёмон, ҳиндистонликдир. Илм ҳайвоннинг отини шоҳ қилар экан, у инсонни шоҳ қилса, бунга ажабланиш керакми?!

Навоий Шоҳ Ғарибга илм ва ҳикмат эгаси бўлиш осон эмаслиги, бу йўлда заҳмат чеккан искандарнинг билимларидан замонлар оша донишмандлар баҳраманд бўлиб келаётганлиги, темурийлар орасида Улуғбекдан инсон ўтмаганлиги, унинг илми ва ишларидан ўрнак олиш кераклигини қайд этади: Илм нури билан вужуди порлаган шоҳнинг қиёматгача яхши номи қолади. Илму ҳунарларни эгаллаган Искандар ер ва қуруқликларни қандай эгаллаганини томоша қил! Унга ўхшаган подшоҳлар кўп бўлган. Аммо бундай ишлар уларнинг қай бирининг қўлидан келган? Орадан икки минг йил ўтиб кетди. Лекин ҳамон юз минглаб донишмандлар Искандарнинг ҳикматларидан баҳраманддирлар. Темурхон наслидан бўлган Улуғбекдай султонни ҳали олам кўргани йўқ. Ундан дунёга келган фарзандлар ҳам ўтиб кетди. Бу замон одамларидан ҳеч бири уларнинг бирортасини эсга олмайди. Бироқ Улуғбекнинг ўзи илмни чуқур эгаллаган бўлиб, унинг кўзи олдида осмон паст бўлган эди. У боғлаган расад жаҳоннинг кўрки бўлиб, жаҳоннинг ичидаги янги бир жаҳондир.

Алишер Навоий «Сабъаи сайёр»достоида Ҳусайн Бойқаронинг

турмуш ўртоғи Хадичабегимни васф этар экан, Ғарибийни ва Музаффар Хусайн Мирзони «икки саъд ахтар фарзанди», «бири фазлда жаҳон нодирию бири лутф илажаҳон жони» деган иборалар билан таърифлайди:

Эй, ҳариминг сипихри иззу жалол,
Андин ўтголи йўқ, малакка мажол.
Ойу кун йўқ агарчи монандинг,
Икки саъд ахтар, икки фарзандинг.
Фазл аро нодири жаҳон бириси,
Лутф бирла жаҳонга жон бириси.
То жаҳон бўлғай, ул икков бўлсин,
Қўллариға жаҳрн гаров бўлсин.
Тонг эмас бўлсалар Масихрдам,
Ким аларнинг оносидур Марям.
Икки ёнингда оташин гавҳар,
Дур ики, ёнида саман гавҳар .

Навоийнинг Шоҳ Ғариб мирзо -Ғарибий вафоти муносабати билан ёзилган марсиясида унинг бу ижодкорни қай даражада севганлиги, ўзига ва ижодига ҳурмат билан муносабатда бўлганлиги маълум бўлади. У бутун салтанат, ижод аҳли чуқур қайғуда эканлигини таърифлар экан, ўзини улардан-да қайғули деб билади:

Барча ғамгин, боридин менда фузун ғамзадалиқ,
Рўзгоримни қалиб тийра бу мотамзадалиқ.
У ўз туйғуларини, дардли ҳиссиётларини ана шу таркиббанднинг
биринчи бандини куйидагича ифодалайди:

Дахр ботда ажаб тафриқадур, эй афлок,
Халқ ичи лола киби крн, яқоси гул киби чок.
Кўзга олам қорадур, кийди магар олам ҳам,
Мотам ийлар тўнину айладиўзни ғамнак.
Сарсари ҳодиса шад эсди, доғи совурди,
Айш гулзорини ҳар сори, нечукким хошок.
Ул Масихеки улус жон топар эрди сўзидин,
Бордию халқни ўз фурқатқин қилди халок.
Не ажаб, олам эли тики агар дарёдур,
Кирди чунбаҳри фано қаърида ул гавҳари пок.
Тушти, яъни адам иқлимига ногоҳ Ғариб,
Шоҳлар мажмаъининг нодираси Шоҳ Ғариб.



Conclusion. Юқорида айтилганлардан маълум бўладики, темурий шаҳзодалар орасида Ғарибий нозиктаъблиги, бадий ижодда ўз услуби ва йўлига эга бўлган шоир ҳисобланади. Шоҳ Ғариб Мирзони бу даражага етишига Алишер Навоийнинг ҳиссаси катта бўлганлиги унинг асарларида ўз аксини топган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. Ғ.Ғулом номидаги Бадий Адабиёт нашриёти. – Т., 1969. – Б. 28.
2. Алишер Навоий. «Хамса», «Фарҳод ва Ширин», www.ziyouz.com кутубхонаси
3. «Хамса», «Сабъаи сайёр», 287-бет.
4. Ҳамид Сулаймон. «Алишер Навоийнинг Ғариб Мирзо вафотига ёзган марсияси» // «Адабий мерос» журнали, 2-сон, Тошкент, 1971, 177-бет.

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ЎҚИТУВЧИ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАЛҚИНИ

Ш. Р. Самарова

ТВЧДПИ кафедраси в.б.доценти, психология фанлари номзоди.

С. Р. Мирзаева

ТВЧДПИ психология кафедраси в.б.доценти, психология фанлари
буйича фалсафа доктори (PhD).

Аннотация. Мазкур мақолада ўқитувчи билан кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўзаро муносабатлари юзасидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижалари таҳлили берилган. Бунда хориж психологиясида ўқитувчи билан ўқувчилар ўзаро муносабатлари муаммосини ўрганишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтилган. Шунингдек, ўқитувчи билан ўқувчилар муносабатини аниқловчи ва назорат тажрибалари натижаларининг корреляцияси натижалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар. Бошланғич синфлар ўқитувчилари, ўқувчи, ўзаро муносабат, корреляция коэффициентлар, коммуникатор, реципиент.

ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ВЗАИМО- ОТНОШЕНИЙ УЧИТЕЛЯ С УЧЕНИКАМИ МЛАДШЕГО ШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА

Ш. Р. Самарова

и.о. доцента ТВЧДПИ, кандидат психологических наук.

С. Р. Мирзаева

и.о. доцента кафедры психологии ТВЧДПИ,
Доктор философии (PhD) по психологии.

Аннотация. В статье анализируются результаты исследования взаимоотношений учителей и учеников младших классов. Подробно обсуждается исследовательская работа по зарубежной психологии, направленная на изучение проблемы взаимоотношений преподавателя и ученика. Также были проанализированы результаты корреляции ре-



зультатов экспериментов, определяющих взаимоотношения учителя и учеников.

Ключевые слова. Учителя начальных классов, ученик, взаимодействие, коэффициенты корреляции, коммуникатор, получатель.

PSYCHOLOGICAL INTERPRETATION OF TEACHER RELATIONSHIPS WITH SMALL SCHOOL AGE STUDENTS

Sh. R. Samarova

Acting Associate Professor of TVChDPI,
candidate of psychological sciences

S. R. Mirzaeva

Acting Associate Professor of Psychology, TVChDPI,
Doctor of Philosophy (PhD) in Psychology.

Abstract: *This article analyzes the results of research on the relationship between teachers and primary school students. There is a detailed discussion of research work in foreign psychology, aimed at studying the problem of teacher-student relations. The results of the correlation of the results of the experiments, which determine the relationship between the teacher and the students, were also analyzed.*

Key words. *Primary school teachers, student, interaction, correlation coefficients, communicator, recipient.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 июндаги “Ёшлар - келажагимиз” Давлат дастури тўғрисида” ги Фармонида “Замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш мамлакатни барқарор ва илдам ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир”, деб алоҳида белгиланган. Бундай муҳим ва истикболли масалаларни ҳал қилиш бўйича кўпгина илмий, илмий-услубий, услубий ва шу каби илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ана шундай муаммоларни оқилона ҳал қилишнинг дастлабки чораларидан бири бошланғич синфларда ўқув тарбия жараёнларини такомиллаштиришнинг оптимал йўллари қидиришдир. Бундан кўринадики, таълим-тарбия жараёнида бола шахсига таъсир кўрсатувчи таълим-тарбия муҳити, болага нисбатан атрофдагиларнинг муносабати, ҳамда биринчи навбатда, ўқитувчи таъсири-

нинг психологик томонларини ўрганиш зарурати мавжуд.

Бошланғич синф даври 6-7 ёшдан 9-10 ёшгача давом этади. 6-7 ёшли боланинг бошқа ёш даврдаги болалардан фарқли бўлган муҳим психик хусусиятларидан бири, унда ўзига хос эҳтиёжларнинг мавжудлигидир. Бу эҳтиёжлар ўз моҳиятига кўра фақат муайян билим, кўникма ва ма-лакаларни эгаллашга қаратилмай, балки ўқувчи бўлиш истагини акс эттиришдан иборатдир. Шу эҳтиёжлар асосида боланинг ўз портфелига, шахсий ўқув қуролларига, дарс тайёрлаш столига, китоб қўйиш жавонига эга бўлиш, катталардек ҳар куни мактабга бориш истаги ётади. Ана шу эҳтиёж бола шахсининг шаклланишида, шунингдек унинг ижтимоийлашувида катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Бунда ўқитувчи билан ўқувчилар ўзаро муносабатлари алоҳида аҳамиятга эга.

Хориж психологиясида ўқитувчи билан ўқувчилар ўзаро муносабатлари муаммосини ўрганишга йўналтирилган илмий-тадқиқотларни ўрганар эканмиз, уларнинг аксариятида ўқувчи шахсининг тўлақонли шаклланишида ўқитувчи билан ўқувчи муносабатларининг ўзига хос психологик хусусиятларини эътиборга олиш зарурлигини алоҳида қайд этадилар.

Жумладан, Р.Пломин ва Х.Хермансларнинг (1997) илмий таҳлилларига кўра, аслида шахсининг баркамол шаклланиши учта асосий омил таъсири билан белгиланади: 1) Шахсда мавжуд бўлган биологик имкониятлар - бунда одамларнинг ўзаро муносабатлари жараёнларига темперамент типининг таъсири назарда тутилади. 2) Шахсининг субъектив, яъни психологик имкониятлар жараёнининг стратегиясини тузади; ўзаро муносабатга киришишни шахсан ўзи танлайди ҳамда ижтимоий турмушда уларни тўлдиради ва такомиллаштиради. 3) Шахслараро муносабатлар жараёни – бу муносабатлар ва шахсининг ижтимоий - маданий, маънавий - ахлоқий шаклланишига таъсир кўрсатади. Ижтимоий-маданий муҳит шахслараро муносабатлар учун бош механизм сифатида шахсининг шаклланишини таъминлайди. Аммо учала омил ҳам ўзаро узвий боғлиқликда бир-бирига таъсир этади. Бу узвийликсиз шахсининг баркамол тараққиёти юзага келмайди [6].

А.Бандуранинг (1997) тадқиқотларига кўра, шахслараро муносабатлар жараёнида аста-секин ижтимоий-когнитив ёндашув асосида шахсда ички стандарт ва ўзини-ўзи бошқаришга нисбатан қобилият намоён бўла боради. Натижада, ҳамкорлик фаолияти жараёнида ўқитувчилар, ота-оналар ва тенгдошлари ўқувчининг имкониятларини ўрганган ҳолда унга ақлий салоҳиятини фаоллаштириш, шахсий стандартини шакллантириш, ўз қобилиятларини текшириб кўриш ва ўзини намоён қилишга ёрдам беришлари лозим [5].

Дж. Капра ва бошқаларнинг (1999) тадқиқотлари таҳлилларига

кўра, ўзаро муносабатларда ижтимоий феъл-атвор меъёрларига амал қилиш шахсларда ўзаро ҳамкорлик ва бир-бирига ёрдам кўрсатишга имконият яратади, яъни, ўзаро симпатияни ҳосил қилади, таълим жараёнига ҳалақит қилувчи депрессияга ҳамда муаммоли феъл-атворга қарши курашишга ундайди. Шахслараро муносабатлар жараёнида ёшларга ўзидаги интеллектуал имкониятни рўёбга чиқаришга ёрдам кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолат шуни тасдиқлайдики, ижтимоий ва интеллектуал ривожланиш нафақат мазкур ўқувчида, балки тенгдошларида ҳам кучайиши кузатилади [6].

Хорижий психологлардан яна бири Бомринд болалар психологиясини ўрганишга доир кўплаб изланишлар олиб борган. Унинг таъкидлашича ота - оналар бола тарбиясига кўпинча уч хил услубда ёндашдилар. Булар: ҳурмат - обрўга эгалик, авторитарлик ва либераллик усуллари бўлиб, улар болага ижобий, баъзи ҳолатларда эса салбий таъсир кўрсатади. Унинг фикрича, бола тарбиясида 1-усул, яъни ҳурмат - обрўга эгалик энг яхши натижа берган. Демак, таълим жараёнида ўқитувчининг ҳурмат - обрўга эга бўлиши ҳам ижобий натижага олиб келади, шубҳасиз.

Шелер тадқиқотларида ўз “мен”и бор одамларни “йўқ”ни айтишни удралайдиган инсонлар деб таърифлайди. Ҳаётнинг учинчи йилида ҳосил бўладиган “мен”ни айтиш даври – ўжарлик, қайсарлик ёши дейилади. “Мен” бизнинг онгимизда намоён бўлиб қолмасдан, балки у бевосита бошдан кечирилади, ўзлаштирилади. Бу ўзлаштириш, идрок қилиш эса онгимиз “мен”идан ҳам чуқурроқ жой олган бўлади. У бизнинг руҳиятимиз, ҳиссиётларимиз билан бевосита боғлиқдир. У ҳатто биз у ҳақда ўйламаганда ҳам бор бўлади, йўқ бўлиб қолмайди. “Мен”ни аниқ ҳақиқат сифатида қабул қилиш болада 10 ёшлар атрофида пайдо бўлади. Пубертат олди даврида кучаяди. Бу даврда бола ўз шахсий “мен”ини ташқи дунёдан ажралиб қолган чуқур бир фалокат, фожеа каби ҳис қилади. Пубертатга эришгандагина эски “мен”и янгига алмаша бошлайди. “Мен эркин ва озодман”, “Мен иродалиман”, деб идрок қилиниб, бундаги ирода “мен”ни юзага чиқариш учун интилишга ундайди [8].


Ўқитувчи билан ўқувчи муносабатларининг психологик хусусиятларини ўрганган рус психолог олимларининг илмий тадқиқотлари алоҳида эътиборга лойиқ. Таниқли рус олимларидан В.М.Бехтерев, Б.Г.Ананьев, В.М.Мясишев, Ю.М.Забродин, А.Н.Харитонов, А.К.Беляева, Г.М.Кучинский, В.Б.Ольшанский ва бошқалар, ижтимоий ҳамкорликнинг инсон психологияси билан боғлиқ механизмлари ва қонуниятларини тадқиқ қилган бўлсалар, яна бир гуруҳ олимлар таълим жараёнида ўқитувчи билан ўқувчи муносабатларининг психологик жиҳатларини ўргандилар (Л.С.Виготский, Д.Б.Эльконин, А.В.Петровский, А.А.Бодалев, В.Я.Ляудис, С.В.Кондратьев, Я.Л.Коломинский, И.Кон, Н.Ф.Маслова, В.Л.Леви ва бошқалар).

В.М.Бехтерев ва В.М.Мясишевларнинг [5] тадқиқотлари натижалала-

рига кўра, шахс – ўзаро ҳамкорлик ва бошқалар билан муносабатнинг маҳсули сифатида намоён бўлиб, у бундай ҳамкорлик ва муносабатлар субъектларининг қизиқиш даражасини, ҳаяжон кучини, хоҳиш ёки эҳтиёжини тавсифлайди ҳамда уларнинг хулқ-атворида, хатти-ҳаракатида, кечинмаларида вужудга келади. Шахснинг муносабатлари ҳамкорликда турли даражадаги фаоллик, танловчанлик ҳамда ижобий ёки салбий томонлари билан акс этади. Мазкур омилларни эътиборга олиш эса ҳамкорлик фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлайди.

А.В.Петровскийнинг таъкидлашича, шахслараро муносабатлар жамоадаги фаолиятдан келиб чиқиши лозим, таълим жараёнида ўқитувчининг ўқувчилар билан самарали муносабатини ташкил қилиш фақат уларнинг мулоқотга, муомалага бўлган эҳтиёжини қондириш воситаси эмас, балки ўқув материални ўзлаштиришнинг ҳам муҳим воситасидир [9].

Д.Б.Эльконин бола ва жамият ҳамкорлигига бошқачароқ қарашни таклиф қилади. Унинг фикрича, “Бола ва жамият” тизими деб эмас, балки “Бола жамиятда” деб қаралса тўғрироқ бўлади ва бунда бола социумга қарши қўйилмаган бўлади. Унингча, “Бола-катта ёшдагилар” тизими “Бола-катта ёшдаги жамоатчи” тизимига айланади. Бунга сабаб боланинг ўзи бўлиб, у жамиятга фойдали бўлган аниқ бир ишларни қилувчи сифатида гавдаланади. Катта ёшдагилар иш жараёнларида ҳар хил вазифаларни бажарадилар, бунда ўзлари бошқалар билан муомалада бўлишади. Катта ёшдагилардаги ўзаро муомала қилиш одоби, турлари ва вазифаларини болалар ўз фаолиятларида ўзлаштириб оладилар. Д.Б.Эльконин боланинг “Бола – жамоатчилик предмети” ва “Бола – катта жамоатчи” тизимидаги фаолияти бола шахсининг боланинг жамиятдаги ўсиши ва ривожланишида муҳим ҳисобланган бу тизимни тарихий жараёнларда икки томонга ажратади. Мактабда бу алоқаларнинг янги шакллари пайдо бўлиб, “Бола – катта ёшдаги одам” тизими қуйидагича тус олади [8].



Б.Г.Ананьев, Л.И.Божович, И.С.Славицалар ўз тадқиқотларида “Бола - ўқитувчи” тизими боланинг ота-оналар ва болалар билан алоқасини аниқлаб беради деб баҳолайдилар. Уларнинг фикрича, бу тизим бола ҳаётининг марказига айланиб, ҳаёт қулайликлари, шарт-шароитлари ҳам шунга боғлиқ бўлиб қолади.

Бу масалага А.А.Бодалев [5] бошқачароқ ёндашади ва ўқитувчи билан ўқувчининг муносабати уларнинг самарали ҳамкорлигини вужудга келтириш учун зарур асос деб ҳисоблайди. Бунинг учун ўқитувчилар ўқувчиларнинг шахсига хос хусусиятлари ва фазилатларини, мақсад ва эҳтиёжларини ҳисобга олишлари шартлиги, жамоа мўътадил фаолият кўрсатиши учун унда руҳий вазият осойишта, дўстона, бир-бирига ҳайрихоҳ бўлиши зарурлигини уқтиради. Жамоада бундай психологик муҳитни ташкил этиш учун синфда ўқитувчининг педагогик маҳорати, ишлаб чиқаришда раҳбарларнинг бошқариш қобилияти муҳим аҳамият касб этади.

Э.Ғ.Ғозиев (1994 - 2000) таълим жараёнида кичик ёшдаги ўқувчиларни ўз фаолиятини бошқаришга ўргатиш, бола шахсининг ахлоқий ва ақлий жиҳатларини онгли равишда идора қилиш масалаларига тўхталиб ўтади. Таълим жараёнида ўқитувчи ўқувчига ўзининг таъсирини ўтказиш орқали унда мустақиллик ва онглилик каби шахс сифатларини таркиб топтириши, бунда ўз-ўзини бошқариш “ўқитувчи-ўқувчи” модели тарзида намоён бўлиши, ўқитувчи бу ўринда “ахборотчи”, ўқувчи эса “қабул қилувчи” ролида майдонга чиқиб, ўқувчи ташқи қабул қилишдан ўз фаолиятини мустақил уюштиришга ўсиб ўтишини кўрсатиб берган. Ўқувчида бошқариш уқуви маълум тизимдаги усулларни эгаллагандан сўнг вужудга келади. Демак, кичик ёшдаги ўқувчиларни ўз-ўзини бошқаришга ўргатиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу шахснинг уйғун тарзда тараққий этишига ижобий таъсир қилади. Бунинг учун бошланғич синф ўқитувчиси ўқув фаолиятини режалаштиришга, мантиқий фикр юритишга ирода сифатларини такомиллаштиришга, билишга қизиқишни идора қилишга, китоб билан ишлаш уқувини таркиб топтиришга, жамоа қидирув фаолиятига раҳбарлик қилишга, ўқувчилар ўртасида ўзаро ёрдам фаолиятини уюштиришга, мустақил фаолиятни ташкил этишга кўмаклашишга ҳаракат қилмоғи, шундагина уларда шахсий, ахлоқий ҳамда ақлий фаолиятларини онгли бошқариш малакаси вужудга келиши мумкинлигини алоҳида қайд этади [10].

Г.Бердиевнинг (2000) бошланғич синфларнинг ақлий ривожланиши сустралашган ўқувчиларида шахслараро муносабат ривожланиши динамикасининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бағишланган илмий - тадқиқот ишида умумтаълим ва ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг ўзаро муносабатлардаги ўрни, ҳолати ва муносабатлар динамикасида юз берадиган ўзгаришлар сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлил этилган [3].

Методика. Бошланғич синф ўқитувчиси билан ўқувчиси муносабатларини тадқиқ этишимиз борасидаги тажриба-синов ишларимизнинг асосий босқичи, яъни назорат тажрибалари бўйича олиб борган ишларимизнинг якунида биз айнан ўқитувчи билан ўқувчилар ораси-

даги муносабат даражасини ўрганишга яна бир бора муурожаат қилдик. Бунинг учун Ю.Я.Рижонкиннинг “Коммуникатив оралиқни ўрганиш методикаси”дан фойдаланиб, диагностик ва назорат тажрибалари ишларидан кейинги натижаларини ўзаро статистик таққослашга эътибор қаратдик.

Тажриба-синов ишлари.

Тадқиқотимизнинг диагностик, яъни аниқловчи тажриба-синов натижалари ўқитувчи билан ўқувчи муносабатлари тизимида ўқитувчи мулоқот субъекти сифатида ўқувчи эса индивидуал ҳолларда фақат ахборот қабул қилувчи позициясида гавдаланганлиги ҳамда мулоқотда ўз имкониятларини юзага чиқаришда қийналадиган комплексга эга бўлган болалар учраганлиги билан характерланган эди.

Ўқувчиларнинг ўқитувчилар билан муносабати натижалари корреляцияси бу муносабатларда ижобий ўзгаришларга эришилганлигини яна бир бора тасдиқлади(1-жадвал). Корреляция коэффициентлари орасида ўқувчиларнинг коммуникаторлик, реципиентлик, гуруҳдаги коммуникатив зона бўйича натижаларида ўқитувчиларнинг айнан ушбу шкалалари бўйича тўғри ижобий боғланиш ҳосил қилганлигига гувоҳ бўлинди: ўқувчиларда коммуникаторликнинг ўсганлиги ($r=0,486$; $p<0,05$) ўз ўқитувчилари билан муносабатда ишонч ва хайрихоҳлик ортишига олиб келиш билан бир қаторда, улар ўқитувчиларидан ҳам ўзлари кутган жавобни олишга муяссар бўлишларидан далолат бермоқда. Ўз навбатида реципиент сифатида ҳам ўқитувчилари билан самимий ва ишончли муносабатга шерик сифатида ўзларини намоён этишга эришишлари мумкинлиги қайд этилди ($r=0,610$; $p<0,01$).

1. – жадвал

Ўқитувчи билан ўқувчилар муносабатининг аниқловчи ва назорат тажрибалари натижаларининг корреляцияси

		Ўқитувчилар			
		Коммуникатор - L_k	Реципиент - L_p	Гуруҳдаги коммуникатив зона	Гуруҳдаги коммуникатив зона бўйича ўзгариш
Ўқувчилар	Коммуникатор- L_k	0,486**	0,513**	0,372*	0,172
	Реципиент- L_p	0,610**	0,815**	0,108	0,220
	Гуруҳдаги коммуникатив зона	0,412*	0,395*	0,805**	0,217
	Гуруҳдаги коммуникатив зона бўйича ўзгариш	0,175	0,060	0,105	0,243

Шу билан бирга ўқувчиларнинг реципиент сифатида устозларига диққат-эътибор билан қулоқ тутишлари, ўқитувчиларининг ҳам худди шу сингари мурожаат этишларига имкон беришларига ($r=0,815$; $p<0,05$) гувоҳ бўлдик. Бу эса ўқитувчининг ўқувчиларини шахс сифатида эътироф этиши, уларнинг кечинмалари ва муаммоларини тинглаши даража-сидаги муносабатидан далолат беради.

Бу айнан педагогнинг ўқувчилари билан мулоқот ўрнатишидаги асосий усуллардан бири сифатида гавдаланади. Бундан кўринадики, ўқувчилар ўқитувчилари билан муносабатлари жараёнида интернал назоратни шакллантиришга муяссар бўлишади. Чунки уларни ўзига нисбатан ишончнинг шаклланиши, хулқ-атворидаги олдинги нуқсонларни бартараф этиш бўйича ўзида имконият ҳосил қила олганлиги, уларнинг шахс сифатида камолатини белгилайди.

Ўқувчиларда интерналликнинг камол топиши уларда ҳаётий ва шахслараро муносабат билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда ўзларига кўп нарса боғлиқлиги тўғрисидаги тасаввурни шакллантиради. Бу билан бизнинг психологик тузатиш ишларимиз ўқувчиларнинг когнитив фаолиятдан кўра, уларнинг хулқ-атворида ўзгаришлар олиб кира олганлигининг гувоҳи бўламиз. Агар уларда экстерналлик ҳолати сақланиб қолганда эди, ўқувчилар оддий муносабат шароитларида ҳам ўзларида табиий мавжуд бўлган ишонч туйғусига нисбатан ўқитувчи ёки бошқа бирор бир киши томонидан берилган танбех таъсирида “гардиш эффекти” таъсири юз беришидан халос бўла олмас эдилар.

Хулоса ва тавсиялар

1. Ўқитувчи ўқувчига ёш бола сифатида қарамаслиги керак, балки унинг туйғу ва кечинмаларини ҳисобга олиши, ўзини намоён этишга имкон бериши лозим. Болаларнинг руҳий зўриқиши мактабгача даврда ёки бошланғич синфнинг дастлабки кунларидаги салбий тондаги муносабат оқибатида узоқ вақт сақланиб қолиши мумкин. Бу “биринчи эффект” ҳисобланади ва боланинг ўқитувчига муносабати мазкур таассурот туфайли сақланиб қолади.

2. Ўқувчилар билан муносабатда ўзини мулоқотда намоён қила олмайдиган, психологик шаклланиши ва асаб тизими бўш болалар гуруҳдан ажралиб, ёлғизликка мойил бўладилар. Уларнинг муносабатга киришишини таъминлаш учун индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганиб, рағбатлантиришдан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш лозим бўлади.

3. Ўқитувчининг меҳнат фаолияти ортиқча руҳий зўриқишни тақозо этганлиги сабабли, у ўқувчилар билан муносабатда сержаҳллик, аффект ва портлашлардан чекланиши зарур. Бундай ҳолатлар комплексга эга бўлган болалар психикасига ўша заҳоти салбий таъсир ўтказди.

4. Ўқитувчи билан ўқувчи муносабатида индивидуал муомала мароми педагог касбий фаолиятининг муҳим компонентларидан бири саналади. Болалар билан муносабат жараёнида уларнинг психологиясини ҳисобга олиш ўқитувчининг муносабат тактлари камол топишига ҳамда иш услуби ўсишига олиб келади.

5. Педагогик фаолияти мураккаб муносабатнинг турли вазиятларига бой бўлганлиги сабабли, ўқитувчи бошланғич синф ўқувчилари билан ишлашнинг психологик хусусиятларини билиши ва педагогик маҳорат мактаби борасидаги психолог маслаҳатларидан ўринли ва тизимли фойдаланишни одатга айлантириши лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Азаров Ю.П. Тайны педагогического мастерства. – Москва, 2004. - 432 с.

2. Butaeva U. A., Avlaev O.U., Abdumannotova N. Scientific and practical studies of psychological maturity of students Journal of critical reviews. Scopis. JCR. 2020; 7(12): 3063-3070 doi: 10.31838/jcr.07.12.463

3. Бердиев Г. Бошланғич синф ўқувчиларида шахслараро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари (аклий ривожланиши сустлашган болалар мисолида). Психол. фанл. номз. автореферати. – Тошкент, 2000. - 21 б.

4. Бекназарова Л.С. Таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи хамкорлигининг психологик хусусиятлари (педагогика коллежлари ми-



- солида). Психол. фанл. номз. автореферати. – Тошкент, 2007. - 22 б.
5. Богомолова Н.Н. Массовая коммуникация и общение. – Москва: Знание, 1986. - 78 с.
6. Грищенко Л.А. Дети, не оправдывающие ожиданий. – Свердловск: Издат.-во.Урал Ун-та. - 1991. - 64 с.
7. Коломинский Я.Л. Педагогическая диагностика в школе. – Москва, 1987. - 223 с.
8. Нуруллаева Б.Б. Развитие моделирующей мыслительной деятельности дошкольников в общении со сверстниками: Автореф. дис... канд. психол. наук. – Ташкент, 2008. - 25 б.
9. Обозов Н.Н. Психология межличностных отношений. – Киев, 1990.- 191 с.
10. Ғозиев Э.Ғ. Муомала психологияси. – Тошкент: Университет, 2001. -140б.

ТАЛАБАЛАР ВАЛЕОЛОГИК ОНГИНИНГ РИВОЖЛАНГАНЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ЕТАКЧИ ОМИЛЛАР

С. Р. Мирзаева

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, психология кафедраси доценти, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

***Аннотация:** ушбу мақолада талаба валеологик онгининг ривожланганлигини белгиловчи етакчи омиллари баён этилган. Бунда Олий таълим муассасалари талабаларида валеологик онгини ривожлантиришнинг амалий-технологик тизими такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилган. Талабаларнинг “Ҳаёт тарзи” тушунчаси антоним сифатларини баҳолаш натижаларининг факторли таҳлили ҳам келтириб ўтилган.*

***Калит сўзлар:** валеологик онг, талаба, факторли таҳлил, педагогик механизмлар, соғлом турмуш тарзи.*

РАЗВИТИЕ ВАЛЕОЛОГИЧЕСКОГО СОЗНАНИЯ СТУДЕНТОВ ОПРЕДЕЛЕНИЕ ВЕДУЩИХ ФАКТОРОВ

С. Р. Мирзаева

Чирчицкий государственный педагогический институт Ташкентской области, доцент кафедры психологии, доктор философии (PhD) по психологии.

***Аннотация:** В данной статье описаны ведущие факторы, определяющие развитие валеологического сознания учащегося. При этом особое внимание уделяется совершенствованию практической и технологической системы развития валеологического сознания у студентов высших учебных заведений. Также дан факторный анализ результатов оценки антонимических качеств понятия «образ жизни» студентов.*

***Ключевые слова:** валеологическое сознание, студент, факторный анализ, педагогические механизмы, здоровый образ жизни.*

DEVELOPMENT OF VALEOLOGICAL CONSCIOUSNESS OF STUDENTS, DETERMINATION OF LEADING FACTORS

S. R. Mirzaeva

Chirchik State Pedagogical Institute, Tashkent region, Associate
Professor of the Department of Psychology, Doctor of Philosophy (PhD) in
Psychology.

Abstract: *This article describes the leading factors that determine the development of a student's valeological consciousness. At the same time, special attention is paid to improving the practical and technological system for the development of valeological consciousness among students of higher educational institutions. Also given is a factor analysis of the results of assessing the antonymic qualities of the concept of «lifestyle» of students.*

Keywords: *valeological consciousness, student, factor analysis, pedagogical mechanisms, healthy lifestyle.*

Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласи ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ишларнинг асосини “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси”да [1; 40-б] эътироф этилган инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат ва жамиятни барпо этиш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ривожланишнинг юқори босқичларига кўтариш, жаҳон ҳамжамияти сафидан муносиб ўрин эгаллашга йўналтирилган эзгу мақсадларни амалга ошириш ташкил қилади.

Ушбу мақсадларнинг ижобий натижага эга бўлиши, энг аввало, ёш авлодга илмий билимлар асосини пухта ҳамда сифатли ўргатиш, кенг дунёқараш ҳамда тафаккур кўламини дунё билан тенглаша оладиган даражада ҳосил қилиш, маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш борасидаги таълим сифатини самарали ташкил этишга боғлиқдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ёшлар таълим-тарбияси бўйича қуйидаги фикрларни айтадилар: “Олдимизда ёшларга тарбия бериш, психология ва бошқа турли соҳаларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мураккаб вазифалар турибди. “Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди”, дейди донишмандлар. Тарбия мукамал бўлиши учун эса, бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди [2].

Таълимнинг асосий вазифаларидан бири – одамлар ҳаётини яхшилашдир. Соғлиқни сақлаш тизимига қарайдиган бўлсак, барчамиз тиббий соҳа, тиббий хизмат, бирламчи ва иккиламчи тиббий ёрдам бир куни келиб тараққиётнинг шундай даражасига етадики, биз тўғри ташхис қўйиш, касалликларни даволаш, одамларнинг хавфли ҳулкини олдини олиш ва теварак – муҳит билан бўлган муносабатлар мувозанатини сақлашга эришишига умид боғлаймиз. Бу мушкул вазифа зотан, бизнинг саломатлигимиз, касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволаш кўплаб омиллар билан боғлиқ.

Мазкур муаммолар тўғрисида мушоҳада юритар эканмиз, маданият касалликлар пайдо бўлиши, тарқалиши ва даволанишида нақадар катта аҳамиятга эга эканини англаб бормоқдамиз. Касалликларнинг олдини олиш ва даволаш, саломатликни сақлашнинг пировард мақсади ҳамма жойда бир бўлсада, “саломатлик”, “етуклик” турли маданиятларда турлича тушунилади (Tseng & McDermot, 1981). Маданий тафовутлар муаммоларни англаш ва уларга ечим топиш стратегияларида ҳам кузатилади (Terrel, 1992).

Ушбу муаммога оид фундаментал ва амалий ишларда инсон ва жамият ҳаётини фаолиятидаги социомаданий омиллар аҳамияти кўтарилган бўлсада, тиббий-биологик, психологик-педагогик, культурологик ва социологик тадқиқотларни умумлаштирувчи валеологик маданиятни шакллантиришнинг психологик ва ижтимоий-психологик таҳлилини ўтказиш заруриятини эътироф этмай иложи йўқ. Бунинг учун эса, соғлом ва носоғлом турмуш тарзи тўғрисидаги маданий белгиланадиган маиший тасаввурларни тадқиқ этиш зарурияти келиб чиқади. Айнан шу семантик тафовут соғлом турмуш тарзини ёшлар орасида тарғиб этишда муаммолар туғдириши мумкинлигини эътироф этиш жоиз.

Тадқиқот усуллари: Чарльз Осгуднинг семантик дифференциал методи киши ҳуқ-атвори ва идроки, ижтимоий установкалар ва шахсга доир мазмунларни таҳлил қилиш имконини бериши сабабли кенг омалашган. Семантик дифференциал методидан психология (Dershowits, 1975; Haygood, 1966; Wickens, Clark, 1968), социология (Tolor, Tamerin, 1975), коммуникацияларга оид назария (Helm, 1976; Osgood, 1966), реклама (Феофанов, 1974), эстетика соҳаларида фойдаланилади. Мазкур метод тадқиқотчиларга субъектнинг ашёлар олами, ижтимоий муҳит ва ўз-ўзига бўлган муносабатларини ўрганиш имкониятини беради. [10,11].

Прагматик ёки коннотатив мазмунни ўрганиш сифатидаги семантик дифференциал метод 1955 йил Ч.Осгуд раҳбарлигидаги бир гуруҳ америкалик олимлар томонидан таклиф этилган. “Биз ўрганишни мақсад қилиб олган мазмун кўриниши – бу қўзғатувчи-рамз идроки ортидан

вужудга келадиган ва рамзлар билан анланган операцияларга киришишдан аввал пайдо бўладиган дастлабки ҳолатлардир” (Osgood, 1957). Прагматик мазмун деганда ушбу сўз орқали ифодаланган объектга жавобан юзага келадиган умумий реакция билан шартли-рефлектор боғлиқ сўзга нисбатан пайдо бўладиган хулқий реакция назарда тутилади. Мазмуннинг бундай тушунилиши уни индивидуал билим ва тажрибага тобе қилади, деб ҳисоблайди Керрол (Carrol, 1969). Керрол фикрига кўра СД семантик дифференциал методи ёрдамида тушунчаларни баҳолаш, аслини олганда, ушбу моддий референтларга тааллуқли индивидуум тажрибасини баҳолашдир. Баҳолаш тажрибанинг умумлашган сифатларига мувофиқ қатор ўлчовлар бўйича амалга оширилади [9].

Тадқиқот натижалари: СД семантик дифференциал методи – мазмунларни тадқиқ этиш билан боғлиқ факторли-тахлил методини қўллашга асосланган ўлчов техникасидир. Огуд уни “... идрок этиладиган ассоциациялар ва шкалалаштириш муолажаларининг ўзаро уйғунлаштирилган методидир” деб атайди (Osgood, 1962). Семантик дифференциал методикасини тадқиқ этилаётган объектни тавсифлаш жараёни жуфт антонимик терминлар билан белгиланадиган экспериментал континуумга жойлаштириш сифатида қараш мумкин. Кўплаб экспериментал континуумлар ҳисобда бир-бирига монанд бўлганлиги боис, бир ўлчамга ўтказилиши мумкин. Континуумларнинг чекланган миқдори берилган ҳар бир объект мазмунини баҳолаш имкониятини берадиган семантик маконни қуришда қўлланилади (Snider, Osgood, 1969). Огуд тадқиқотларида бундай макон Декартнинг уч ўлчамли маконига айлантирилган. Мазкур макон координаталарини факторли таҳлил натижасида аниқланган “Баҳолаш”, “Кучлилиқ” (потенциал энергия), “Активлик” номли уч ортогонал фактор ташкил этади. Кейинги тадқиқий изланишлар ушбу фарқланган факторлар синалувчилар (турли забоний маданиятга тааллуқли, турли маълумотлилиқ даражасига эга, ҳаттоки психик касалларнинг соғлом синалувчиларга нисбатан) учун универсал эканини кўрсатди.

Семантик маконнинг математик тузилиши бу дастлабки катта ўлчамдан (шкалалар томонидан белгиланадиган хоссалар) кейинги кичик ўлчамли негизга (факторларга оид категориялар) кўчишдир. Мазмуни жиҳатдан факторни факторга тааллуқли бўлган шкалалар мазмунларининг маънавий инварианти сифатида қараш мумкин. Ушбу маънода факторлар семантик дифференциал ташкил топган антоним-сифатларнинг умумлашган шаклидир, унинг факторли тузилмаси лексикадаги антонимиялар тузилмасини ифода этади.

Талаба ва уларнинг ўқитувчиларидан “Ҳаёт тарзи”, “Соғлом ҳаёт тарзи”, “Ўзингизнинг ҳаёт тарзингиз”, “Носоғлом ҳаёт тарзи” каби 4 тушунчани 21 антоним сифатлар келтирилган семантик дифференциал методикаси ёрдамида баҳолаш сўралган.

Талабалардан “Ҳаёт тарзи”ни семантик дифференциал ёрдамида қандай баҳолашлари натижаларини факторли-тахлил ёрдамида қайта ишланганда талабалар ментал маконидаги ҳаёт тарзи тушунчасининг

қуйидаги семантик манзараси намоён бўлди.

“Ҳаёт тарзи”ни баҳолаш натижалари бўйича олинган факторли таҳлил натижалар навбатдаги қуйидаги 1-жадвалда келтирилган. Талабаларнинг семантик дифференциал методи бўйича учта фактор аниқланди. Учта факторнинг таҳлилий хусусиятини ифодаловчи юқори юклама коэффицентлар таҳлили қуйидаги кўриниш олди. Биринчи фактор бўйича 13 та юқори юклама коэффицентлар аниқланди. Юқори юклама коэффицентлар ижобий қийматга эга бўлганлиги ҳамда “Семантик дифференциал” методикасининг хусусиятига кўра ижобий кўрсаткичлари ижобий қийматни акс эттирадиган бўлса, у ҳолда ижобий факторли характеристикасини беришга хайрихоҳдир.

1-жадвал

Талабаларнинг “Ҳаёт тарзи” тушунчаси антоним сифатларини баҳолаш натижаларининг факторли таҳлили (N=380)

Антоним сифатлар	Факторлар		
	1-фактор Муносабат	2-фактор Ижобий хиссиётлар	3-фактор Мураккаблик даражаси
чиройли-хунук	0,923		
жонли-жонсиз	0,913		
ёруғ-қоронғу	0,902		
хурсанд-ғамгин	0,894		
ёқимли-нохуш	0,860		
ёркин-хира	0,856		
тартибли-тартибсиз	0,844		
соғлом-дардли	0,838		
илиқ-совуқ	0,813		
соф-исқирт	0,807		
меҳрли-қаҳрли	0,802		
англанган-онгсиз	0,798		
эҳтиросли-бепарво	0,679		
тушкун-кўтаринки		0,821	
қўпол-назокатли		0,793	
бебахт-бахтиёр		0,781	
изтиробли-роҳатбахш		0,727	
ожиз-кучли		0,687	
оғир-енгил			0,743

Биринчи фактор: чиройли-хунук (0,923), жонли-жонсиз (0,913), ёруғ-қоронғу (0,902), хурсанд-ғамгин (0,894), ёқимли-нохуш (0,860), ёркин-хира (0,856), тартибли-тартибсиз (0,844), соғлом-дардли (0,838), илиқ-совуқ (0,813), соф-исқирт (0,807), меҳрли-қаҳрли (0,802), англанган-онгсиз (0,798), эҳтиросли-бепарво (0,679) сингари юқори юклама коэффицентли сифатларни ўзида акс эттирди. Фактор бўйича ижобий қийматли коэффицентлар акс этгани ва турмушга нисбатан холис, са-

мимий ва ижобий муносабатни акс эттирганлиги туфайли “Муносабат” фактори деб номлашга ҳайрихоҳ бўлдик. Бу эса талабаларнинг турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари ижобий сифатлардан ҳамда уларнинг келажақ режалари билан боғлиқ эканлигини ифодалайди.

Иккинчи фактор: тушкун-кўтаринки (0,821), кўпол-назокатли (0,793), бебахт-бахтиёр (0,781), изтиробли-роҳатбахш (0,727), ожиз-кучли (0,687) каби юқори юклама коэффицентли сифатлар аниқланди. Фактордаги сифатларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, “Ижобий ҳиссиётлар” деб номлашимизга тўғри келди. Шахс, ижтимоий гуруҳнинг ҳаёт тарзи муайян давр, шарт-шароитларининг бутун мажмуаси билан белгиланади. Ҳаёт тарзи ижтимоий категория. У турмуш даражаси деб аталадиган иқтисодий категорияга нисбатан кенгдир. Биз изоҳлаётган тадқиқотда ҳаёт тарзининг моҳияти, мазмуни ва намоён бўлиш шакллари кўп ҳолатда кишиларнинг ҳаёт

кечириши, меҳнати, соғлиги ва ҳатто хулқ-атвори билан ифодаланади. Шунинг учун ижобий ҳиссиётлар ҳаёт тарзини белгилашнинг муҳим шarti ҳисобланади. Чунки ўзининг ижобий эмоцияси, талабаларда саломатлигидан қониқиш, ундан ҳузур олиш ва уни яхшилаш бўйича ўзининг куч-қувватини сафарбар қилишга хайрихоҳликларини ифодалайди.

Учини фактор: ушбу фактор биргина юқори юкламали сифат билан чекланган, яъни оғир-енгил (0,743). Бу бир жиҳатдан методиканинг хусусиятига кўра, ҳаёт тарзининг ифодаланиш даражасини белгилайди. Буни инобатга олиб, мазкур факторни “Мураккаблик даражаси” (унинг мазмунидан келиб чиқиб “Ҳаёт оғирлиги-енгиллиги” фактори) деб номлашни лозим топдик. Улар ҳаётни биргина ташқи жиҳатдан баҳоланиши, унинг эмоционал идроки ва ҳаётнинг оғир-енгиллиги нуқтаи назаридан қабул қилишлари аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

Валеологик онг ривожланишининг талаба шахсига таъсири мураккаб ва кенг кўламли бўлиб, талаба шахсининг барча қирраларига бирданига таъсир кўрсатиши аниқланган. Биз талаба шахсининг касбий-ақлий тараққиётига унинг валеологик онгини ривожлантириш орқали эришиш мумкинлиги ва психологик таъсирини илмий жиҳатдан тадқиқ қилдик.

3. Талабаларнинг “Ўз ҳаёт тарзи” тўғрисидаги тасаввурларининг семантик профили учта етакчи омил: биринчи “Муносабат”, иккинчи “Ижобий ҳиссиётлар”, учинчи “Мураккаблик даражаси” омили деб баҳоланди. Бу эса, талабаларда тушунчаларнинг соддалиги ҳаётнинг баланд-пастлигини билмаслиги, ҳаётий тажрибаси етишмаслигини, аммо уларда ёшга хос бўлган шижоат, ғайрат ва ҳаракат мавжудлигини билдирди.

Махсус валеологик-психологик тренинглари талаба шахсига, айниқса, унинг валеологик онги тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Бу таъсирнинг даражаси бир қанча омилларга, жумладан, талаба шахсининг индивидуал-психологик хусусиятларига, психотренинг дастурларининг муваффақиятли тузилганлигига, шунингдек, психотренинглари орқали таъсир кўрсатилаётган талаба шахси ва унинг тайёргарлигига боғлиқдир.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 40 б.
2. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. 1 июл 2017.
3. Ананьев, В.А. Психология здоровья / В.А. Ананьев. - СПб., 2006. - 384 с.
4. Авлаев О. У. Ўқувчилар қобилияти психодиагностикаси. – Т.: Мактаб ва ҳаёт илмий-методик журнал. № 5 (153). 2020. 2-4 б.
5. Белов В.И. Психология здоровья. М., ВЛАДОС, 2004. - 417 с.
6. Вайнер Э.Н. Валеология: Учебник для вузов / Э.Н. Вайнер. - М.:Здоровье, развитие, личность / под ред. Г.Н. Сердюковой, Д.Н. Крылова. - М., 1990. - 360с.
7. Карамян М. Шахсининг саломатликка қадрият сифатидаги муносабатининг ижтимоий-психологик детерминацияси: автореф. дис. ... д-ра-2019. 81 бет
8. Carrol J.D. Vector of prose style// On semantic differential technique. Chicago, 1969.
9. 88. Dershowits N.K. On Connotative Meaning of Emotional Terms to the Blind: a Contribution to the Study of Phenomenology of Emotion// Perceptual and Motor Skills. 1975. V.41.
10. 89. Haygood R.C. The Use of Semantic Differential Dimensions in Learning // Psychonomic Science. 1966. V.5.
11. Burkhonov A, Avlaev O, Abdujalilova Sh Responsibility as a criterion for determining personal maturity . E3S Web of Conferences 244, 11059. (2021) <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202124411059>

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ

ИССЛЕДОВАНИЕ ПЕНООБРАЗУЮЩЕЙ СПОСОБНОСТИ РЕАГЕНТОВ-СОБИРАТЕЛЕЙ, ИСПОЛЬЗУЕМЫХ ПРИ ФЛОТАЦИИ ЖЕЛЕЗНЫХ РУД

В. П. Соколова

доцент, кандидат технических наук, доцент кафедры химических технологий и инженерии, Технологический институт Государственного университета экономики и технологии, г. Кривой Рог, Украина

***Аннотация.** Изучено влияние добавок аполярного реагента солярового масла к гетерополярному собирателю - мылу дистиллированного таллового масла на устойчивость образованных пен. Установлено, что наиболее благоприятными для флотации свойствами обладают пены, образованные при использовании смеси реагентов-собирателей - мыла дистиллированного таллового масла и солярового масла при соотношении, равном 2:1. Данная собирательная смесь рекомендована автором для флотационного обогащения окисленных железных руд*

***Ключевые слова:** флотация, флотационная пена, аполярный собиратель, гетерополярный собиратель, соляровое масло, мыло дистиллированного таллового масла, устойчивость пены*

RESEARCH OF BLOWING ABILITY OF REAGENTS-COLLECTORS, USED FOR FLOTATION OF IRON ORES

V. P. Sokolova

Associate Professor, Candidate of Technical Sciences, Senior Lecturer of Department of Chemical Technology and Engineering, Technological Institute of State University of Economics and Technology, Kryvyi Rih, Ukraine

***Abstract:** Influence of additions of apolar reagent of diesel oil to heteropolar collector - soap of the distilled tall oil on stability of foam is researched. The study found that the most favorable properties for flotation are foam, formed at using of reagents-collectors mixture - soap of the distilled tall oil and diesel oil with a ratio of 2:1. This collective mixture is recommended by an author for the flotation beneficiation of oxidized iron ores.*

***Keywords:** flotation, flotation foam, apolar collector, heteropolar*

collector, diesel oil, soap of the distilled tall oil, stability of foam

Введение

Мыла карбоксильных кислот, используемые в качестве собирателя при флотации железосодержащих минералов, обладают пенообразующими свойствами. Для повышения селективности флотационного разделения совместно с ними применяют аполярные реагенты.

Обзор литературы

Влияние аполярных реагентов на свойства флотационных пен изучено, в основном, применительно к минерализованным (трёхфазным) пенам и выражается, например, по мнению авторов работ [1,2], в их стабилизации. При этом механизм стабилизации пены с применением аполярных реагентов объясняется тем, что повышается переход в пену более крупных частиц, которые особо сильно стабилизируют пену, а также тем, что флокулы, образованные под действием этих реагентов, упрочняют пену, подобно сравнительно крупным частицам. В данном случае стабилизирующее действие минеральных частиц на пену может быть удовлетворительно объяснено на основе аналогии трёхфазных пен и эмульсий и общей теорией этих систем, развитой П.А. Ребиндером [3]. Согласно этой теории, стабилизаторами пены могут являться твёрдые частицы флотационной крупности, образующие в воде краевые углы больше 0° и меньше 90° . Разрушение пены происходит в результате истечения междуплёночной жидкости по каналам Плато-Гиббса, диффузии газа между пузырьками и разрыва индивидуальных плёнок пены. Стабилизацию трёхфазных пен связывают с механическим упрочнением плёнок пены в результате их «бронирования» частицами твёрдой фазы. Твёрдые частицы закупоривают каналы Плато-Гиббса, уменьшая тем самым скорость течения жидкости [2]. С точки зрения Годэна [4] и Емельянова [5], устойчивые пены при флотации образуют шламы. Чем тоньше измельчён флотируемый материал, тем при прочих равных условиях, прочнее будет пена. Тогда, при образовании флокул под действием аполярных реагентов прочность пены, образованной шламами, должна быть ещё большей. Однако, как известно, дополнительно используемые аполярные реагенты регулируют структуру пены, исключая излишнее пенообразование [4].

Методология исследования

Для определения влияния добавок аполярных реагентов к гетерополярным на свойства пен, в работе исследовано образование двухфазных пен. При этом изучалась пенообразующая способность собирателей, используемых в процессе флотации окисленных железистых кварцитов – растворов мыла дистиллированного талловоогомасла (МДТМ) и эмульсий аполярного реагента – солярового масла (СМ) в растворах МДТМ

[6]. В соответствии с методикой [7], пену образовывали методом встряхивания водного раствора реагентов в цилиндре. Для чего в цилиндр объёмом 250 мл наливали 50 мл водного раствора изучаемых реагентов. Раствор встряхивали 30 сек. Пена образовывалась в результате интенсивного перемешивания раствора и находящегося над ним воздуха. По результатам опытов определяли изменение объёма пены со временем для различных концентраций растворов МДТМ и эмульсий СМ в растворах МДТМ; зависимость максимального объёма пены и времени существования пены от концентрации реагента-собирателя и его состава. Область исследуемых значений концентраций растворов МДТМ – 0,24-0,56 % с шагом 0,08 %. Установлено, что при более низких значениях концентраций пенообразование незначительное, а при добавлении СМ практически отсутствует.

За характеристику устойчивости пены принималось время от момента её возникновения до полного разрушения (время существования («жизни») пены), так как устойчивость пены описывает величина L_f , характеризующая среднее время «жизни» пены [2]:

1

$$L_f = (1/V_m) \int_0^{V_m} V_x dt = (1/V_m) \int_0^{t_k} V_0 dt = \\ = [1/(V_m + V_g)] \int_0^{t_k} V_x dt + [1/(V_m + V_g)] \int_0^{t_k} V_g dt,$$

где $V_0 = V_x + V_g$,

V_m и V_x – объём пены, соответственно, начальный и ко времени t ,

V_m и V_x – объём жидкости в пене, соответственно, начальный и ко времени t ,

V_g и V_g – объём газа в пене, соответственно, начальный и ко времени t ,

t_k – время полного разрушения пены.

Результаты исследований и анализ

Пенообразователи типа мыл образуют в воде коллоидные системы, пены из которых обладают высокой устойчивостью. Истечение между-

плёночной жид-кости в таких пенах в определённый момент прекращается, а пенный каркас может сохраняться длительное время при отсутствии разрушающего действия внешних факторов. Результаты исследований кинетики разрушения пены приведены на рис. 1 - 6.

Как показали эксперименты, для МДТМ характерно быстрое увеличение объёма пены с увеличением концентрации раствора. Так, повышение концентрации раствора с 0,24 до 0,56 % приводит к увеличению максимального объёма пены с 40 до 180 см³ (см. рис. 5 кривая 1). Стабильность пены, образованной МДТМ, с увеличением концентрации раствора неуклонно возрастает. Так, время существования пены, образованной МДТМ, возрастает с 30 до 300 мин при увеличении концентрации МДТМ в растворе от 0,16 до 0,56 % (см. рис. 6, кривая 1).

При введении СМ в раствор МДТМ максимальный объём образованной пены при концентрации 0,56 % уменьшается в 3 раза и оставляет 110, 100 и 90 см³ при соотношении МДТМ:СМ, равном 3:1, 2:1, и 1:1, соответственно (см. рис. 2 - 4 кривая 5 и рис. 5 кривые 2, 3, 4). Время существования пены, образованной при добавлении СМ, в соотношении МДТМ:СМ, равном 3:1 и 2:1, сокращается до 70-75 мин (для максимальной концентрации 0,56 %) (см. рис. 2, 3 кривая 5 и рис. 6 кривые 2, 3). При соотношении МДТМ:СМ, равном 1:1, время существования пены уменьшается более значительно – до 40 мин. Таким образом, менее устойчивой является пена, образованная в присутствии СМ в растворе МДТМ.

Очень устойчивые пены, образованные из МДТМ, в процессе флотации трудно очищаются от минералов пустой породы и сростков, что обуславливает низкую эффективность перемешивающих операций. С другой стороны, быстрое разрушение пены в процессе флотации (как при соотношении МДТМ:СМ, равном 1:1) может уменьшить извлечение полезного минерала. С этой точки зрения, наиболее приемлемыми для эффективной флотации являются собирательные смеси реагентов МДТМ:СМ при соотношении 3:1 и 2:1, образующие пены, близкие по устойчивости и максимальному объёму. Однако анализ кривых кинетики разрушения пены показал, что при соотношении МДТМ:СМ, равном 2:1, гашение пены со временем происходит практически равномерно (см. рис. 3), а при соотношении, равном 3:1, наблюдается резкое уменьшение объёма пены в первые 2 - 4 мин её существования (см. рис. 2). Резкое гашение пены в первые минуты её существования может привести к увеличенным потерям полезного минерала с хвостами основной флотации. Исходя из вышесказанного, наиболее благоприятными для флотации свойствами обладают пены, образованные при использова-

нии собирательной смеси МДТМ:СМ при соотношении 2:1.

Механизм пеногасящего действия углеводов нуждается в особом объяснении. А.К.Лившиц и С.В. Дуденков, например, считают, что заслуживают рассмотрения следующие гипотезы механизма пеногасящего действия: гашение пены частицами углеводов, которые образуют в воде краевые углы более 90° , обусловлено «обращением» трёхфазной эмульсии из эмульсии типа масло-вода в эмульсию вода-масло; пеногасящее действие углеводов связано с адсорбцией пенообразователя из водного раствора частицами (каплями) углеводов, в результате чего концентрация пенообразователя снижается и действие его на пену оказывается недостаточным [1].

По В.К. Тихомирову, механизм действия пеногасителя (в данном случае углеводородного масла) заключается в растекании нерастворимых капель масляной фазы по поверхности пузырьков [2]. Это обусловлено энергетическими соотношениями в данной системе, а именно: поверхностным натяжением каждой из жидкостей на границе с газовой фазой и межфазным натяжением между этими жидкостями. Коэффициент растекания при этом определяется как разность между работой адгезии и работой когезии жидкости – пеногасителя.

Как известно, неустойчивость пен объясняется наличием избыточной свободной поверхностной энергии на границе раздела составляющих её фаз. Самопроизвольно протекающие процессы в пенах, выражающиеся в коалесценции пузырьков, направлены на уменьшение свободной поверхностной энергии на границе жидкость – газ [8, 2]. Разрушение жидких плёнок отдельных ячеек пены вызывается изменением поверхностного натяжения. Наиболее стойкое пенообразование дают растворы, обладающие низким поверхностным натяжением. С уменьшением поверхностного натяжения раствора его пенообразующая способность увеличивается. С уменьшением поверхностного натяжения затрачивается меньшая работа для получения одинакового объёма пены. Введение аполярных реагентов вызывает в большинстве случаев повышение поверхностного натяжения, а следовательно, снижение устойчивости пены, образованной тем или иным пенообразователем [8]. Поэтому уменьшение устойчивости пены, образованной при использовании исследуемой смеси гетерополярного и аполярного реагентов (МДТМ и СМ), по сравнению с устойчивостью пены, образованной растворами одного гетерополярного реагента (МДТМ), очевидно, обусловлено повышением поверхностной энергии на границе жидкость – газ при введении СМ в раствор МДТМ и образовании эмульсии.

Заключение и рекомендации

1. Исследовано образование двухфазных пен и их свойства в системах вода – реагент-собиратель. Изучено влияние добавок аполярного реагента солярового масла к гетерополярному - мылу дистиллированного таллового масла на устойчивость образованных пен.

2. Изучена кинетика разрушения пен, анализ которой показал, что при введении солярового масла в раствор мыла дистиллированного таллового масла максимальный объём образованной пены уменьшается в 3 раза, а время существования пены сокращается в 4 раза (для максимального значения концентрации реагента в области исследованных значений).

3. Установлено, что наиболее благоприятными для флотации свойствами обладают пены, образованные при использовании собирательной смеси при соотношении мыла дистиллированного таллового масла к соляровому маслу, равном 2:1. Именно такого состава собирательная смесь рекомендована автором для использования при флотационном обогащении окисленных железных руд.

4. Показано, что уменьшение устойчивости пены, образованной при совместном использовании гетерополярного и аполярного реагентов, обусловлено повышением поверхностной энергии на границе жидкость – газ.

References:

1. Лившиц А.К., Дуденков С.В. К вопросу о стабильности флотационных пен. Цветные металлы, 1957, №1, с. 14-23.

2. Тихомиров В.К. Пены. Теория и практика их получения и разрушения. М.: Химия, 1983. – 264с.

3. Ребиндер П.А. Физико-химия флотационных процессов. М.: Metallurgizdat, 1933. – 230с.

4. Годэн А.М. Флотация. М.: Госгортехиздат, 1959.- с.

5. Емельянов Д.С. Теория и практика флотации угля. М., Л.: Углетехиздат, 1954. – 216с.

6. Патент № 42477А Украина, В 03 Д 1/2. Способ флотации железных руд/ Соколова В.П., Воробьёв Н.К. №2001031638. Заявл. 12.03.2001г. Оpubл. 15.10.2001г. Бюл. №9.

7. Айвазов В.В. практикум по химии поверхностных явлений и адсорбции. М.: Высшая школа, 1973. – 206 с.

8. Глембоцкий В.А., Дмитриева Г.М., Сорокин М.М. Аполярные реагенты и их действия при флотации. М.: Наука, 1968. -144с.

ISSN 2181-1717 (E)



9 772181 171701

ISSN 2181-1709 (E)



9 772181 170902